



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL





# КОНСТИТУЦИЯДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ СУД

**Конституциямизнинг 139-моддасида инсон ҳуқуқ ва эркинларининг суд орқали ҳимоя қилинишидаги кафолатларидан бири бўлмиш – тил тўғрисидаги қоидалар ўрин эгаллаган. Мазкур моддага кўра, Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланиши назарда тутилган.**

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида”ги Қонунининг 11-моддасига асосан судлов ишларини юритиш давлат тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Ишда иштирок этаётган, суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон орқали ишга оид материаллар билан танишиш, суд жараёнида иштирок этиш ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. Корхона, ташкилот ва муассасалар ўртасидаги иқтисодий низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда давлат тили қўлланилади. Иқтисодий низолар тарафларнинг розилиги билан бошқа тилда ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Суд ишларини юритишда тил масаласи судда иштирок этувчи барча шахсларнинг ўз она тилида сўзлашиш ва суд процессида қатнашиш ҳуқуқини таъминлайди. Шу сабабли, судлар энг аввало, ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд иш юритувидаги тилга бўлган ҳуқуқини таъминлашлари, суд ишини қайси тилда юритиш масаласини ҳал қилишлари лозим.

Амалиётда асосан суд ишлари давлат тили, яъни ўзбек тилида олиб борилади. Бироқ, ушбу қоида қатъий ҳисобланмайди, чунки ишда иштирок этувчи шахсларнинг хоҳишига кўра суд ишлари қорақалпоқ, рус ёки бошқа тилда ҳам олиб борилиши мумкин. Бунда бошқа тилда суд ишини юритиш масаласи ишни кўриб чиқаётган суд жойлашган жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилни эътиборга олган ҳолда ҳал этилади.



Қонунчилигимизда суд ишларини қайси тилда юритиш масаласи суд томонидан ҳал этилади. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи ҳар бир шахснинг давлат, жамоат ташкилотлари, шунингдек судларга иш юзасидан ариза, шикоят билан давлат тилида мурожаат этиш ҳуқуқи таъминланади. Шунга кўра, ҳар бир шахс судга ўзбек тилида даъво ариза (ариза) билан мурожаат қилиши мумкин. Гарчи даъво ариза (ариза) суд томонидан ўзбек тилида иш юритувига қабул қилинган бўлса-да, ишни суд мажлисида кўриш жараёнида суд тарафларнинг суд мажлисини қайси тилда олиб бориш ҳақидаги фикрини эътиборга олган ҳолда тил масаласини ҳал қилиши лозим.

Суд ишини қайси тилда олиб бориш масаласининг тўғри ҳал этилиши биринчидан, тарафларга судда ўз фикрларини бемалол ва эркин баён этиш, суд жараёнини тушуниш ва унда фаол иштирок этишини таъминласа, иккинчидан судга ҳам ишда иштирок этувчи шахсларнинг аниқ кўрсатмаларини, шунингдек ишга дахлдор бўлган бошқа далилларни қийинчиликсиз олиш ва уларга тўғри баҳо бериш, ишни тўлиқ ва объектив кўриб чиқишда катта аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишнинг бир инстанция судида тегишли тилда кўрилганлиги кейинги инстанцияларда ҳам ўша тилда кўриб чиқилиши лозимлигини англабмайди. Ҳар бир инстанция суди ишни кўришда тарафларнинг фикрини эътиборга олган ҳолда тил масаласини мустақил ҳал этади.

Суд иши юритиладиган тилни билмайдиган, сўзлаша олмайдиган ёки тушунишда қийналадиган ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисида таржимон ёрдамидан фойдаланган ҳолда иштирок этишлари кафолатланади. Миллати суд иши юритилаётган тилга





# ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

мос бўлган шахслар ҳам ушбу тилни билмасалар ёки тушунишга қийналсалар таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунинг учун улар судга тегишли ариза ёки илтимоснома билан мурожаат қилишлари талаб этилади, холос.

Мазкур тамойилнинг амалга оширилиши иш юритилаётган тилни билмайдиган иштирок этувчи барча шахсларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди. Бу тамойил, биринчидан, судлар томонидан тушунтириб берилиши, иккинчидан, уни амалга ошириш имконияти таъминланиши шарт ҳисобланади. Бинобарин, Жиноят процессуал кодексининг 20-моддасида айбланувчи иш юритилаётган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган жараён иширокчиларига ўз она тилида ҳуқуқларини амалга ошириш имконияти таъминланган. Бундан ташқари, судланувчига ёки процессда иштирок этувчи бошқа шахсларга тақдим этилиши лозим бўлган тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб берилиши лозим.

Бу қоида барча суд соҳалари иш юритувида бирдек амал қилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар таржимон орқали иш ҳужжатлари билан танишиш, ўз она тилида судьяни рад қилиш тўғрисида арз қилиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида туғилдиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари ва важларига эътироз билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ҳамда процессуал қонунларда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундан ташқари, ушбу шахслар нафақат суд мажлисида, балки суд мажлисидан ташқари ўтказиладиган процессуал ҳаракатларда (кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш ва ҳ.к.) ҳам таржимон ёрдамидан фойдаланган ҳолда иштирок этишлари кафолатланган.

Таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқидан, шунингдек вакиллар, адвокатлар, гувоҳлар, мутахассислар, экспертлар, низо предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи (қилмайдиган) учинчи шахслар ва бошқа ишда иштирок этувчи шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, ишда иштирок этувчи шахсларни таржимон билан таъминлаш вазифаси судга юклатилганлиги, ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд тайинлаган таржимон хизматидан ҳар қандай ҳолатда ҳам фойдаланиши лозимлигини англатмайди. Амалдаги процессуал қонун ҳужжатларида судга раислик қилувчининг таржимон сифатида ким иштирок этаётганлигини маълум қилиши ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга уни рад қилиш ҳуқуқини тушунтириши, шунингдек агар таржимон ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса, ишнинг пировард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита ман-



фаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса рад қилиниши мумкинлиги ҳақидаги қоидалар белгиланган.

Шунингдек, ишда иштирок этувчи шахслар ўзлари келтирган важлар, тушунтиришлар, далиллар ва бошқа процессуал ҳаракатларнинг мазмуни таржимон орқали судга аниқ етказилаётганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилишга ҳақлидирлар. Шунинг учун бу борада қонунчиликда кўшимча кафолатлар сифатида ишда иштирок этувчи шахслар таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни билсалар ҳам, таржимонлик вазифасини амалга ошира олмасликлари қатъий белгилаб қўйилган.

Таржимонга ҳақ тўлаш миқдори ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шахсларнинг таржимон хизматидан бепул фойдаланишлари таъминланади.

Таъкидлаш лозимки, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўз она тилида сўзлаш, таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. Мазкур кафолат авваламбор, амалдаги жиноят, маъмурий, фуқаролик, иқтисодий процессуал қонун ҳужжатларида суд ишлари юритилаётган тилни билмаганлиги сабабли ишда иштирок этувчи шахслар ҳуқуқларининг ҳар қандай чекланиши, шунингдек мазкур шахсларга процесснинг бирон-бир босқичида она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш имконияти таъминланмаганлиги жиддий қонунбузилиши деб баҳоланиши ва суд қарорининг ҳар қандай ҳолатда ҳам бекор бўлишига сабаб бўлишида ўз аксини топган.

**Нурали ҚУРБОНОВ,**

*Тошкент вилоят маъмурий судининг судьяси,  
ф.ф.д (Phd).*

**“ODILLIK MEZONI”**

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар  
олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби

**Ҳамкорлар**

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

**ТАҲРИР КЕНГАШИ**

Холмўмин ЁДГОРОВ  
Убайдулла МИНГБОЕВ  
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДАРОВ  
Худойкул АЗИЗОВ  
Илхом НАСРИЕВ  
Малика ҚАЛАНДАРОВА  
Беҳзод МЎМИНОВ  
Собир ХОЛБАЕВ

**Бош муҳаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

**Навбатчи муҳаррир**

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ

**Саҳифаловчи дизайнер**

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-  
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар  
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-  
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда  
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан  
фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 19.03.2024 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ.

Буюртма № 3. Адади 2050.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

**Босмаҳона манзили:**

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,  
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

**МУНДАРИЖА****ЯНГИ ДАВР НАФАСИ****6**

**РАҚАМЛИ ҚОНУНЧИЛИКНИ КОДИФИКАЦИЯЛАШТИРИШ:  
ЗАМОНАВИЙ РЕАЛЛИК ВА ИСТИҚБОЛЛИ МЎЛЖАЛЛАР**

**8****ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

**ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ МАҚОМИ  
ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ:  
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР МИСОЛИДА**

**МУҲИМ МАВЗУ****10**

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО САВДОДА  
УМУМБАШАРИЙ МЕГАОФИШМАЛАР**

**14****МУЛОҲАЗА**

**“СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИ” ВА “СОЛИҚ ИНТИЗОМИ”  
ТУШУНЧАЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ**

**ЯНГИ БОСҚИЧ****17**

**ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕЪЁРЛАРИ**

**20****СУДЬЯ МИНБАРИ**

**МУЛК ҲУҚУҚИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА**

**21**

**ЯНГИ ТАРТИБ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА**

**22**

**СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ, АСОСЛИЛИГИ ВА  
АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ**

**ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ****24**

**ТИББИЁТ СОҲАСИДА ШАРТНОМАВИЙ ҲУҚУҚИЙ  
МУНОСАБАТЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА  
РИВОЖЛАНИШИ**

**27****НУҚТАИ НАЗАР**

**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ  
МУРОЖААТЛАРИ ИНСТИТУТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**ТАДҚИҚОТ****29**

**ХИЗМАТ ТЕКШИРУВИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА  
СОЛИШ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**30**

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ  
ФАОЛИЯТИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ  
ТУРЛИ КЎРИНИШЛАРИНИ ТАВСИФЛАШ  
БЎЙИЧА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

**32**

ИЖТИМОЙ МУЛК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ  
ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ

**34**

МАЪМУРИЙ ТАРТИБДА УШЛАБ ТУРИШ ВА УНИНГ  
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**36**

ТАЪЛИМ СОҲАСИ УСТИДАН ПРОКУРОР  
НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ

**39**

МУШОҲАДА

ҲУҚУҚ, ТАРИХ, ТАРАҚҚИЁТ

СУД ОЧЕРКИ

**40**

БИЗНЕСДА ТУЙҒУ ЭМАС, РАҚАМ БЎЛАДИ

**41**

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАР

**42**

ЖИНОЯТ КОДЕКСИ ПРИНЦИПЛАРИ

**43**

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ  
ИШЛАРНИ ТУГАТИШ АСОСЛАРИ

**44**

ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ ТЎЛОВГА  
ҚОБИЛИЯТСИЗЛИГИ ВА БАНКРОТЛИГИ:  
ТУШУНЧА, АЛОМАТ ВА МЕЗОНЛАР

**46**

ҚАСДДАН БАДАНГА ТАН ЖАРОҲАТИ ЕТКАЗИШ  
ЖИНОЯТЛАРИНИ МАЛАКАЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**47**

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН ҚОНУНИЙ  
КУЧГА КИРГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ  
ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА  
КЎРИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

**48**

ВОЯГА ЕТМАГАННИНГ ҲАЁТИ, СОҒЛИГИ, ЖИНСИЙ  
ДАХЛСИЗЛИГИ ВА АХЛОҚИГА ҚАРШИ СОДИР  
ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

**49**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК  
БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ  
ЯХШИЛАШДА ДАВЛАТНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

**50**

НИЗОЛИ ВА ЎЗ-ЎЗИДАН  
ҲАҚИҚИЙ БЎЛМАГАН БИТИМЛАР

**52**

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ  
КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

ЖИНОЙ СУДЛОВ ФАОЛИЯТИДА  
КОНСТИТУЦИЯВИЙ МЕЪЁРЛАРНИ ТЎҒРИДАН-  
ТЎҒРИ ҚЎЛЛАШНИНГ МОҲИАТИ

**53**

ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙИЛИГИНИ ИСТИСНО  
ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАРНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ  
МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА СУД ХАРАЖАТЛАРИНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**54**

ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

**56**

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН НОҚОНУНИЙ  
Фойдаланганлик учун жавобгарлик

**57**

ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛ-  
ЛАШТИРИШ УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК АСОСЛАРИ

**58**

ИПОТЕКАГА ОИД ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТ-  
ЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**59**

ВАЖНАЯ ТЕМА

НЕПРЕРЫВНОСТЬ СУДЕБНОГО РАЗБИРАТЕЛЬСТВА  
КАК ВАЖНАЯ ГАРАНТИЯ НЕПОСРЕДСТВЕННОСТИ  
И УСТНОСТИ УГОЛОВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

**61**

МЕНЯ ПОРАЗИЛА ОТКРЫТОСТЬ МОЛОДЕЖИ И  
ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ В ПРАВОВОЙ  
СФЕРЕ УЗБЕКИСТАНА



## РАҚАМЛИ ҚОНУНЧИЛИКНИ КОДИФИКАЦИЯЛАШТИРИШ: ЗАМОНАВИЙ РЕАЛЛИК ВА ИСТИҚБОЛЛИ МЎЛЖАЛЛАР

*Дунёда рақамли қонунчиликни тизимлаштириш ва уни кодификациялаштиришнинг замонавий тенденцияларини илмий-назарий ва норма ижодкорлиги истиқболлари нуқтаи назаридан ўрганиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Глобаллашув шароитида ахборот коммуникация технологиялари, хусусан интернет тармоғи жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Жаҳонда интернетдан фойдаланишнинг 90% ўсиши жадал тараққий этиб бораётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади, энг тез ўсиш кўрсаткичлари энг ривожланган мамлакатларга ҳосдир.*

Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотнинг 4-5 фоизини ташкил этади ва умумий савдо алоқаларининг 15 фоиздан кўпроғи унинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу боис Ўзбекистонда ҳам бу соҳага жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” нинг 25-мақсади рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 бараварга, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцияларни жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача оширишга бағишланган. Дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш назарда тутилган.

Рақамли ҳуқуқ фуқаролик муомаласининг ажралмас элементи бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда унинг шаклланиши ва ривожлантириш борасида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ва жадал ислохотлар тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш, электрон тижоратнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва уни амалиётда қўллашга бевосита боғлиқ.

Замонавий фуқаролик ҳуқуқи назариясида рақамли ҳуқуқнинг тан олиниши нафақат хусусий-ҳуқуқий, балки оммавий-ҳуқуқий доктрина нуқтаи-назаридан ҳам жуда катта тарихий воқеалик бўлди. Рақамли ҳуқуқ давлат ва жамият тараққиётининг ажралмас атрибути саналади. Масаланинг муҳимлиги шундан иборатки, рақамли актив ва электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солишнинг субъектив ва объектив хусусиятларини ва фуқаролик муомаласига рақамли технологияларни қўллашнинг объектив қонуниятларини инобатга олиб унинг ривожланиш тенденцияларини чуқур илмий ва амалий мушоҳада этиб унинг ўрнини аниқлаш фуқаролик ҳуқуқи доктринаси нуқтаи назаридан истиқболли йўналиш ҳисобланади. Дарҳақиқат, интернетнинг жадал суръатлар билан ривожланиши турли хилдаги рақамли активларни рақамли фуқаролик муомаласида қўллаш имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Шу боис, рақамли маконда ҳуқуқнинг тартибга солиш роли ва функциясини тадқиқ этиш юриспруденция олдида жуда катта маъсулиятли вазифани кўяди. Дарҳақиқат, ахборот коммуникация технологияларининг, шу жумладан интернетнинг вужудга келиши рақамли ҳуқуқ соҳасини шакллантириш учун асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида “Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади”, деб белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли фармойишига мувофиқ тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси V-бобида Замонавий шароитларда талаб юқори бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг инновацион шакллари ва таомилларини жорий этиш қисмида

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ахборот-коммуникация технологияларни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, хусусан, крипто-активлар, шу жумладан майнинг айланмасини ривожлантириш, шахси кўрсатилмаган маълумотларнинг сезиларли массивларини (“big data”) йиғиш ва қайта ишлашни ҳуқуқий тартибга солиш, электрон тижоратдан фойдаланиш, электрон майдончалар орқали харидларни амалга ошириш бўйича имкониятларни кенгайтиришга оид вазифалар назарда тутилган.

2022 йилнинг 30 декабридан бошлаб кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида” ги Қонуни электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида янги даврни бошлаб берди. Рақамли реаллик шароитида электрон тижоратнинг афзаллигини бир қатор омилларга кўра тавсифлаш мумкин. Биринчидан, товарларни излаш ва сотиб олиш учун контрагентларга жуда қулай имконият яратилганлиги, иккинчидан, ахборот технологиялардан фойдаланиш уларнинг вақти ва молиявий маблағларни тежаш имконини бериши, учинчидан, товарларни Интернет савдо платформалари орқали сотиб олиш учун вақт ва ҳудудий майдон чекланмаганлиги, тўртинчидан, товарлар баҳосини электрон тўловлар асосида соддалаштирилган тарзда амалга оширилиши, товар олди-сотдисини расмийлаштириш учун электрон ҳужжат айланиши ва электрон рақамли имзони қўллашнинг қонунчилик асослари мавжудлиги ва х.к.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 ноябрдаги “Электрон тижорат маъмурчилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида” ги қарорига кўра, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Электрон кооперация портали маркази Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошидаги Рақамли трансформация маркази зиммасига рақамли экотизимни шакллантириш ва унинг оператори функцияларини бажариш; мулкчилик шаклидан, идоровий ва тармоққа мансублигидан, ҳудудий жойлашувидан қатъи назар, электрон тижорат платформаларига ўзининг мижозлар базасидан тенг фойдаланиши ҳамда уларга хизматлар кўрсатиши учун шароитлар яратиш каби қўшимча вазифалар юклатилди. Шунингдек, қайд этилган марказ зиммасига рақамли экотизимнинг “эскроу” тизими функцияларини бажариши муносабати билан битта шахсий ҳисобварақдан ҳисоб-китоблар ва тўловлар ҳамда томонларнинг шартнома мажбуриятлари кафолатли (аккредитив тамойили бўйича) бажарилишини таъминлаш вазифаси ҳам назарда тутилган. Энг муҳими, рақамли экотизимга интеграциялашган электрон тижорат платформаларида товарлар ва хизматларни сотиш тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилиши шарт. Бунда, нархи кўрсатилмаган товар ва хизматларни сотиб олиш бўйича битимлар тузишга йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Ҳозирги пайтда энг асосий муҳокама қилинаётган баҳсли масала қандай асосларга ва қиёсий таҳлилга кўра Рақамли кодексни ишлаб чиқишнинг илмий-амалий Концепцияси ва унинг тузилиши реал бўлиб ҳисобланади?, деган савол билан боғлиқ масаладир.

Буни рақамли қонунчиликнинг ривожланиш тенденцияларидан келиб чиқиб ҳал қилиш ва нафақат илмий доктрина нуқтаи назаридан балки замонавий норма-ижодкорлик эҳтиёжи жиҳатидан объектив тарзда баҳо бериш лозим. Миллий қонунчилик меъёрларининг соҳага оид ҳуқуқий базаси умумий тизимли таҳлили шуни кўрсатяптики, рақамли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқ нормалари тизимлашган ва унификациялашган мазмунга эга эмас. Сўнги йилларда рақамли қонунчилик меъёрлари тизим нуқтаи назаридан конституциявий нормалар, устувор қонунлар, қонун ости ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шаклланмоқда ва жадал ривожлантирилмоқда. Рақамли қонунчилик миллий ҳуқуқий тизимда тамомила янги ҳуқуқий тартибга солиш воситаси бўлиб ҳисобланганлиги боис, нафақат норма-ижодкорлиги нуқтаи назаридан балки ҳуқуқни қўллаш амалиёти жиҳатидан ҳам ғоятда мураккаб масалалардан саналади.

Рақамли алгоритмга асосланган муносабатларни умумий ва махсус ҳуқуқий тартибга солишни унификация қилиш ва тизимлаштиришнинг зарурияти шу билан изоҳланадики, янги рақамлаштириш объектлари ҳуқуқий режими уларни амалиётда қўллаш тажрибаларидан келиб чиқиб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мукамал ифода этиб берилмаган. Қолаверса, бу борадаги қонунчилик Концепциясига оид илмий-амалий ёндашувлар ҳам мукамал даражада эмас. Умуман олганда, глобаллашув шароитида рақамли алгоритмга асосланган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлашган, кодификациялашган асослари қандай бўлиши керак, унинг миллий ҳуқуқий тизимдаги ўрни қандай бўлади? Бу ва бунга ўхшаш норма-ижодкорлик фаолиятидаги концептуал масалаларни ҳал қилиш объектив заруриятга айланди. Бизнинг миллий ҳуқуқий воқелигимизда тамомила янги бўлган қонунчиликни рақамлаштириш ўзининг амал қилиш доираси нуқтаи назаридан нафақат реал майдонда, балки вертуал маконда ҳуқуқий тартибга солиш воситаси сифатида тизимлаштириш ва кодификациялаштириш борасида қонуншунослар олдида жуда муҳим ва ўта мураккаб вазибалар турибди. Шу сабабли, ҳозирдан оқ кодификациялашган мазмундаги Рақамли кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича махсус ишчи гуруҳини ташкил этиб бу борада норма-ижодкорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий чораларини кўришнинг фурсати етди, десак асло муболаға бўлмайд.

Гарчи, ҳозирги кунда хорижий давлатларда рақамли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид махсус Рақамли кодекс қабул қилинмаган бўлсада, айрим давлатларда хусусан, Россия Федерацияси ва Қирғизистон Республикасида “Рақамли кодекс” ишлаб чиқиш жараёнлари бошланган бўлиб, келгусида ушбу соҳанинг ривожини уни кодекслаштириш заруратини юзага чиқаради. Хорижий давлатларнинг энг яхши тажрибасига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Рақамли кодексини ишлаб чиқиш масаласи ғоятда муҳим юридик воқелик бўлиб уни унификациялаштириш ва тизимлаштириш масаласини ҳал қилиш олдимизда турган муаммолари ва мақсадли вазифа эканлигини теран мушоҳада қилишимиз ва унинг ечимлари бўйича концепциявий илмий ва амалий ёндашувларни ишлаб чиқишимиз лозим.

Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Рақамли кодекс лойиҳаси рақамли ҳуқуқий муносабатларнинг барча институтларини қамраб олмасида, бу борадаги объектив реаллик ва соҳавий қонунчилик ривожланишининг истиқболларини инобатга олиб унификация қилиш ва тизимлаштиришнинг оқилона ечимларини топиш лозим. Рақамли кодекс лойиҳаси энг аввало, юқори даражадаги умумий ва барқарор

аҳамиятга молик норматив-ҳуқуқий қоидаларнинг мажмуини ўз ичига олиши зарур. Унда рақамли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг умумий қоидалар, атамалар, асосий тушунчалар, ақлли тартибга солишнинг асосий (умумий, махсус) тамойиллари, рақамли қонун ҳужжатлари ва рақамли ҳуқуқ нормаларини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар (кодекс лойиҳаси ва рақамли ҳуқуқий муносабатлар соҳасидаги бошқа қонунчилик манбалар ўртасидаги нисбат ва алоқадорлик) назарда тутилиши мақсадга мувофиқ. Рақамли ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқий мақоми, унинг ўзига хос хусусиятлари, тегишли давлат органларининг ваколатлари, рақамли муносабатлар субъектларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари белгиланиши лозим. Айниқса, рақамли объектларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари таснифлаш лозим. Бунда рақамли объектларнинг номоддий хусусиятидан келиб чиқиб, рақамли фуқаролик муомаласида бундай объектларга бўлган мулк ҳуқуқлар ва уларни ҳимоя қилишнинг асослари ва улар бузилган тақдирда мулк ҳимоя чоралари назарда тутилиши зарур. Шунингдек, фуқаролик муомаласининг рақамли объектларига нисбатан рақамли мулк ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг технологик воситаларидан фойдаланиш асослари назарда тутилмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ҳуқуқий тизимда рақамли қонунчиликни кодификациялаштириш бўйича норма ижодкорлик фаолиятининг оқилона ва мукамал даражада миллий ҳуқуқий тизим истиқболларини кўзлаб амалга оширилиши ўз навбатида, мамлакатимизда шаклланиб келаётган рақамлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий базани амалиётда тўғри ва оқилона қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Шухрат РУЗИНАЗАРОВ,**

*ТДЮУ Бизнес ҳуқуқи кафедраси профессори,  
юридик фанлар доктори.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Для России напишут “Цифровой кодекс” // URL: [https://iz.ru/news/669972/The Law of the Digital Economy - 2022 \(18\) : Annual Anthology / lead author and science editor Dr. M. A. Rozhkova. - Moscow : Statut, 2022. - 414 p. - \(Modern Law Review / IP & Digital Law\).](https://iz.ru/news/669972/The Law of the Digital Economy - 2022 (18) : Annual Anthology / lead author and science editor Dr. M. A. Rozhkova. - Moscow : Statut, 2022. - 414 p. - (Modern Law Review / IP & Digital Law).)
2. Рожкова М.А. Цифровое право (Digital Law) — что это такое и чем оно отличается от киберправа / интернет-права / компьютерного права? [Электронный ресурс] // Закон. ру. 2020. 15 марта. URL: [https://zakon.ru/.../cifrovoe\\_pravo\\_digital\\_law\\_-\\_chto\\_eto\\_ta...](https://zakon.ru/.../cifrovoe_pravo_digital_law_-_chto_eto_ta...)
3. Карцхия А.А. Цифровое право как будущее классической цивилистики. // <https://cyberleninka.ru/search?>
4. Рожкова М. А. Является ли цифровое право отраслью права и ожидать ли появления цифрового кодекса? Chromeextension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefndmkaj/ <https://rozhkova.com/pdf/2020-4.pdf> Идрышева С.К. О Цифровом кодексе Казахстана // “Право и государство”, 2022 г., № 3 (96), с.72-87 Меляков В. Цифровой кодекс — единая регуляция всех областей digital-сферы // Drfl.kz. URL: <https://drfl.kz/ru/tsifrovoy-kodiekss/>; Касперская Н. Должен быть проработанный кодекс, который регулирует цифровое пространство. URL: <https://d-russia.ru/dolzen-byt-prorobotannyj-kodeks-kotoryj-reguliruet-tsifrovoe-prostranstvo.html> (Дата обращения 23.10.2023).
5. Рузиназаров Ш.Н. Рақамли трансформациялашув шароитида тадбиркорлик қонун ҳужжатларининг электрон дастурий таъминотини интеграция қилиш истиқболлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста -Lawer herald. № 4 (2021). Б. 34-42.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли фармойишига мувофиқ тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz)
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 ноябрдаги “Электрон тижорат маъмурчилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида”ги Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.11.2021 й., 07/21/14/1059-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февраль, ПҚ-4996-сон” Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.12.2022 й., 06/22/258/1064-сон.
9. <https://mir24.tv/news/16546493/cifrovoy-kodeks-poyavitsya-v-kyrgyzstane>

# ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ МАҚОМИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР МИСОЛИДА

## АННОТАЦИЯ:

*мақолада прокурор назоратининг мақоми ва унинг ўзига хос хусусиятлари хорижий давлатлар тажрибаси мисолида ўрганилди. Хорижий давлатлар қонунчилигида прокуратура органларининг мақоми, ўрни ва роли ҳақида қонунлар таҳлил қилинди. Англо-саксон ва роман-герман ҳуқуқ оилалари ўртасидаги фарқли жиҳатлари кўриб чиқилди. Прокуратура органларининг асосий вазифалари умумийлиги нуқтаи назардан асослаб берилган.*

**Калит сўзлари:** конституция, прокуратура, хориж тажрибаси, таъқиб, мақоми, ҳокимиятлар бўлиниши, назорат, инсон ҳуқуқлари.

“2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таъқиб стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг 17-мақсадида тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, инсон ва фуқароларнинг кадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш назарда тутилган. Шунингдек, қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустақкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун — устувор, жазо — муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш лозимлиги белгиланган. Албатта, халқаро тамойил ва стандартларга мувофиқ қонунчиликка имплементация қилиш ишларини давом эттириш зарур.

Хорижий давлатлар қонунчилигида прокуратура органларининг қонунийликка риоя этишлари устидан прокурор назорати масаласи маълум бир давлатда шаклланган ҳуқуқ тизими, иқтисодиёти, тарихий ривожланиши, тузуми ва менталитети билан боғлиқ.

Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари фаолияти, унинг ушбу мамлакатлар қонунчилигидаги ҳолати бўйича олиб берилган сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, замонавий дунёда прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш, ваколатлари ва вазифаларини белгилаб берадиган ягона тизим мавжуд эмас. МДҲ давлатларидан ташқари узоқ хорижий мамлакатларда фаолиятининг ташкил этилиши ва мазмуни бўйича Ўзбекистон прокуратурасига ўхшаш прокуратура органлари жуда кам.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 144-моддасига биноан, прокуратура органлари ягона марказлаштирилган тизимга эга. Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади ва унга Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади.

Шу сабабли, Ўзбекистон прокуратурасининг давлат органлари тизимидаги ўрни ҳақидаги савол мунозарали бўлиб қолмоқда. Баъзилар прокуратурани қонун чиқарувчи ҳокимиятга, айримлари ижро этувчи ҳокимиятга, бошқалари эса суд ҳокимиятига боғлайди. Прокуратуранинг давлат органлари тизимидаги ўрни масаласини ўрганиш учун унинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда хорижий тажрибага мурожаат қилиш ўринлидир. Ўзбекистон прокуратураси ва шунга ўхшаш Европа давлатларининг органлари ўртасидаги асосий фарқ унинг функционал мақсади билан белгиланади.

Хорижий давлатларнинг конституцияларида прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми ҳақида деярли ҳеч нарса айтилмаган ёки жуда кам айтилган. Бу прокуратура бу ерда автоном тизим сифатида эмас, балки суд ёки ижро этувчи ҳокимиятнинг бир қисми сифатида кўриб чиқиши билан изоҳланади. Ўзбекистон прокуратурасига ўхшаш тизимни фақат пост совет давлатларида кўришимиз мумкин.

Биринчидан, давримизнинг асосий ҳуқуқий тизимлари даражасини фарқлаш керак. Француз олими Р.Давид прокуратуранинг мавжудлиги романо-герман (континентал) ҳуқуқий оиласига хос хусусият эканлигини таъкидлайди. Англия-Америка ҳуқуқий оиласида ҳуқуқнинг асосий манбаи суд прецедентидир ва шунинг учун бу ерда қонун устуворлигини ҳимоя қилиш вазифаси кўтарилмаган. Д.Миразовнинг фикрича, айнан шунинг учун ҳам англо-саксон ҳуқуқ тизимида баъзан прецедент ҳуқуқи деб баҳо берилади. Ушбу ҳуқуқ тизимида жиноят-процессуал ҳуқуқнинг асосий манбаси бўлиб, суд прецеденти хизмат қилади.

Демак, Буюк Британия судларида жиноий таъқиб қилиш функцияси хусусий шахслар - давлат томонидан ёлланган адвокатлар томонидан амалга оширилади. Инглиз ҳуқуқий тизимида прокурорнинг қатъий ҳокимият кучи йўқ, чунки инглизларнинг тортишувчанлик жараёни томонлар мақомининг мутлақ тенглигини назарда тутди. Оммавий аҳамиятга эга бўлган муҳим ишларни таъқиб қилиш учун Давлат таъқиб директори хизмати (1879), Англия ва Уэльс учун унга бўйсунувчи Қироллик таъқиб Прокуратура хизмати (1985) ташкил этилган. Шундай қилиб, англо-саксон ҳуқуқий оиласи мамлакатларида прецедент хусусияти, назорат органи сифатида прокуратура институтини яратиш ва ривожлантириш учун имконият бермайди.

АҚШ ва Польшада Адлия вазири бир вақтда Бош прокурор ҳам ҳисобланади. Унга куйи прокурорлар (атторнейлар) бўйсунди ва АҚШда федерал прокуратура тизими билан бир қаторда ҳар бир штатда ўз прокуратура тизими мавжуд бўлиб, унга штат бош прокурори раҳбарлик қилади ва федерал прокуратурага бўйсунмайди. Америка Қўшма Штатларида жиноий ишлар бўйича дастлабки тергов ФТБ ва бошқа кўплаб федерал идоралар, полиция идоралари ёки штат ҳокимияти ёки округ, шаҳар ёки қишлоқ муниципалитетларининг маҳаллий ҳокимиятларига бўйсунадиган идоралари томонидан амалга оширилади. Улар ҳибсга олиш, гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш, жиноят далилларини қидириш ва тўплаш ҳуқуқига эга. Ҳибсга олиш, тинтув қилиш ва бошқа тергов ҳаракатлари суднинг олдиндан ёки кейинги рухсати билан полиция томонидан амалга оширилади. Адвокатнинг энг муҳим вазифаси судда айбловни қўллаб-қувватладан иборат бўлиб, суд муҳокамаси босқичида кўпчилик ҳолларда айбланувчининг айбига иқдорлик битимини тузишга келишишга ҳаракат қилади. Бирок, хорижий прокурорларда умумий назорат функцияларининг йўқлиги (бизнинг қабул қилган тушунчамизда) номлари келтирилган давлатларда уларнинг умуман йўқлигини аниқламайди.

Юқоридагилардан ҳулоса қилган ҳолда, Англия ва АҚШда прокурор иштирокининг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) жиноят аниқланган ҳолатларда, полиция (ФТБ) томонидан жиноий таъқибни амалга оширади; 2) Қироллик жиноий таъқиб



хизмати полиция томонидан жиной таъқибни амалга ошириш устидан назоратни амалга оширади; 3) Бош атторней Қироллик жиной таъқиб хизмати устидан бошқарувни ва назоратни амалга оширувчи олий мансабдор шахс ҳисобланади ва улар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар чиқаради; 4) АҚШда ҳар бир штатда прокурорнинг ҳуқуқий мақоми турлича ва бир-бирига бўйсунмайди; 5) прокуратура суд ҳокимияти (магистрат) таркибига кирадиган ва судлар ҳузурида жойлашган; 6) давлатнинг мустақил органи сифатида прокуратура одатда мавжуд эмаслиги кўрсатилган.

Прокуратура органлари ҳокимият кучига эга бўлиши, асосан романо-герман ҳуқуқий оиласи мамлакатларида шаклланган. Бу мамлакатларда прокуратура ижро этувчи ҳокимиятга тегишли.

Мисол учун, Португалияда прокуратура ҳокимиятнинг бирон бир тармоғига қирмайди ва Ўзбекистон прокуратурасининг мақсад ва вазифаларига ўхшаш ва ҳатто қайсидир маънода улардан устунроқ функцияларга эга. Португалия Конституциясининг фақат 4-боби прокуратура билан боғлиқ. Унда айтилишича Португалия прокуратураси давлат вакилликни, жиной таъқиб қилишни, давлат номидан демократик қонунийликни ҳимоя қилишни, шунингдек, қонун бўйича белгиланган манфаатларни амалга оширади. Португалияда прокуратура коллегиял бўлиб, прокурорларнинг ўзлари томонидан сайланади. Бош прокурор ҳукумат тақдимномасига биноан Республика Президенти томонидан тайинланади.

Барча Ғарб мамлакатларида прокуратура давлат органи сифатида фаолият юритади, бироқ уларнинг асосий вазифаси қонунчилик фаолиятида демократик режимда прокуратура тизимига хос бўлган асосий тамойил – инсон ва фуқаролик ҳуқуқларини таъминлашдан иборат.

Франция прокуратураси судларга бириктирилган. Унинг фаолиятига Адлия вазири раҳбарлик қилади. Республика прокурорлари юқори инстанция судларига бириктирилган, лекин қуйи инстанция судларида ҳам ўз ваколатларини амалга оширишлари мумкин. Бош прокурорлар апелляция судларига бириктирилган. Бутун тизимни кассация инстанциясида Бош прокурор бошқаради. Франциядаги барча прокурорлар Адлия вазирлигининг тақлифига биноан Республика Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади. Прокурорлар судда айбловни қўллаб-қувватлаш ва ҳулосалар бериш билан бир қаторда, ўз юрисдикцияси остидаги ҳудудларда жинойт ишларини тергов қилиш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида қонун устуворлигини назорат қилади. Францияда судьялар ва прокурорлар магистратлар деб аталади.

Ҳозирги вақтда Хитой Халқ Республикасида халқ прокурорлари тизими мавжуд бўлиб, унинг ғояси қисман собиқ иттифоқдан олинган (масалан, ушбу тизимнинг номи). Чунки Хитой совет моделида қурилган давлат эканлигини таъкидлаш лозим. Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг 57-моддасига кўра, халқ ҳокимиятини давлат ҳокимиятининг олий органи бўлган Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши амалга оширади.

Хитой прокуратурасининг асосий функцияси мамлакат Конституциясининг 134-моддасида белгиланган. Унда айтилишича, ХХР Халқ Прокуратураси қонун устуворлигига риоя этилишини назорат қилувчи давлат органи ҳисобланади. "Маҳаллий прокуратуралар тўғрисида"ги Қонуннинг 136-моддасида ҳам шунга ўхшаш қоида мустаҳкамлаб қўйилган, яъни ХХР прокуратурасининг асосий вазифаси - қонунларга риоя этилишини назорат қилишдан иборат.

Хитой Халқ Республикаси прокуратурасининг бошқа функциялари ХХРнинг 1995 йил 1 июлдаги "Давлат прокурорлари тўғрисида"ги қонунида мустаҳкамланган. Мазкур Қонуннинг 6-моддасида давлат прокурори қуйидаги мажбурият ва функцияларни амалга ошириши

белгилаб қўйилган: 1) қонунлар ижросини назорат қилади; 2) давлат номидан прокурор вазифасини бажаради; 3) халқ прокуратураси томонидан қабул қилинган жинойт ишлари бўйича бевосита тергов олиб боради; 4) бошқа вазифалар ва функцияларни бажаради.

Шундай қилиб, Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон прокуратурасининг конституциявий ва ҳуқуқий позициясидаги фарқ давлат қурилиши маълум ғояларга асосланганлиги билан белгиланади: ХХРда бу доно ҳукмдор Конфуцийнинг миллат ҳақидаги ривожланган ғояларидан бири, деб ишонилади ва Ўзбекистонда бу Монтескьенинг ҳокимиятни тақсимлаш назариясидан келиб чиқади. Таъкидлаш лозимки, ХХР ва Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида бевосита тарих билан боғлиқ ҳолатлар мавжуд, чунки икки давлат ҳам собиқ иттифоқ таъсирида шаклланган.

Ўзбекистонда прокуратура роман-герман ҳуқуқ оиласига мансуб умумий назорат, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат, тезкор-қидирув фаолияти, дастлабки тергов ва суриштирув устидан назорат, қонунийликни таъминлаш, эҳтиёт чораларни қўллаш билан боғлиқ илтимосномаларни кўриб чиқиш каби ваколатларга эга. Ўзбекистон прокуратураси биронта, ҳокимиятга (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд) мансуб бўлмаган, алоҳида марказлашлаган тизим бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди, парламент олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти конституцияга мувофиқ давлат ҳокимиятининг барча бўғинларини мувофиқлаштирувчи, уларнинг фаолият юритишини таъминлаш гарови сифатида мақомга эга. Анъанавий ҳокимият тармоқларининг бирортасига ҳам қирмайдиган прокуратура бизнинг фикримизча, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи, бирлаштирувчи ва ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туришликни таъминлаш воситаси сифатида хизмат қилади.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмуни, прокуратурани давлат раҳбарининг ваколатларини амалга оширишга кўмаклашишининг ҳуқуқий механизми сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

**Дилшод ИСРАИЛОВ,**

*Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Акопов Л.В. прокуратура в системе органов государственной власти: российский и зарубежный подходы. Бизнес в законе 4'2013. 64-65 с.
2. Д.М.Миразов. Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан назоратни такомиллаштиришининг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари. Автореф.дисс...юридик. фан. докт (DSc). Т., ИИВ Академияси, 2016. - Б. 159.
3. Закон КНР О государственных прокурорах (вступил в силу 1 июля 1995 года).
4. Князева Е.Г. Прокурорский надзор в зарубежных странах. 1 с. <https://cyberleninka.ru/article/n/prokurorskiy-nadzor-v-zarubezhnyh-stranah>
5. Конституция КНР (в редакции 2018 года). URL: [https://chinalaw.center/constitutional\\_law/china\\_constitution\\_](https://chinalaw.center/constitutional_law/china_constitution_)
6. Ломовский В. Какой власти принадлежит прокуратура // Российская юстиция. 2001.№9. С.21. Осипян С.А. Российский федерализм и конституционно-правовой статус прокуратуры: концептуальные проблемы. Автореф. дисс. Л. д-ра юрид. наук. М., 2006. С.15. Алексеев В.Б., Колибаб К.Е. Процессуальный статус прокуратуры и судебная власть // Организация управления в органах прокуратуры; сб. ст. М.,1998.
7. revised\_2018\_russian/
8. revised\_2018\_russian/
9. Руссо Ж. Ж. Об общественном договоре. Трактаты / пер. с фр. М. : КАНОН-пресс : Кучково поле, 1998. 416 с.
10. Constitution of the Portuguese republic. Adopted. April 2, 1976. Seventh revision [2005].
11. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.
12. "2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон).

# ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО САВДОДА УМУМБАШАРИЙ МЕГАОФИШМАЛАР

## АННОТАЦИЯ:

мақолада жаҳон иқтисодиётида бўлаётган кенг миқёсдаги мегаоғишмалар тўғрисида фикр юритилиб, ҳар бир мегаоғишма халқаро савдо муносабатлари ва жаҳон миқёсидаги иқтисодиёт нуқтаи назаридан таҳлил қилинган ва яқин келажакда қандай ҳодисалар бўлиши, янги технологиялар ўзини келажакда қандай намоён қилишларига таъриф берилган.

**Калит сўзлар:** Жаҳон Савдо Ташкилоти, жаҳон иқтисодиёти, мегаоғишма, ҳуқуқ ва эркинликлар, савдо, демографик вазият, сув ва озиқ-овқат ресурслари, энергия, соғлиқни сақлаш тизими, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси.

### Биринчи мегаоғишма: Ҳуқуқ ва эркинликларнинг тобора кенгайиши.

Кейинги 15-20 йиллар ичида фуқароларнинг таъсири сезиларли даражада ошиб боради ва бу вазият энг камбағал ва маргинал қатламларнинг тобора қисқариб бориши ва кўпгина мамлакатларда ўртаҳол қатламлар сонининг ошиб бориши билан боғлиқ бўлади. Бу аксар мамлакатларда муҳим ижтимоий ва иқтисодий омилга айланади. Таълим соҳаси ва тиббиётда аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг даражаси тобора ошиб боради. Ўртаҳол синфга мансуб бўлган аҳолининг кўпайиши тузилмавий силжишни юзага келтириб, кўпгина мамлакатлар учун энг муҳим ижтимоий ва иқтисодий омилга айланади. Фуқаролик жамияти таъсир кўрсатиш даражасининг ошиб бориши – жаҳондаги энг муҳим мегаоғишма бўлади, чунки у бошқа мегаоғишмаларнинг ҳам сабаби, ҳам оқибати сифатида намоён бўлиб, жаҳон иқтисодиётининг тобора кенгайиб боришига олиб келади. Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиёти жадал тараққий эта боради ва барча минтақаларда ишлаб чиқариш ва ахборот-коммуникация соҳаларида янги технологиялардан фойдаланиш воқеликка айланади. Бир тарафдан кузатилаётган шахсий ташаббусларнинг катта салоҳияти ва кўлами келгуси 15-20 йиллар ичида ўсиб бораётган глобал муаммоларнинг ечими, калити сифатида ўзини кўрсатади. Бошқа тарафдан эса, бундай тузилмавий силжиш ниҳоятда юракни ўпирадиган йирик кўламдаги терроризм хуружларига олиб келиб, кичик гуруҳларда фақатгина давлатларга мансуб бўлган монополия билан боғлиқ кучга эга бўлиш вазиятини юзага келтиради.

### Иккинчи оғишма: Давлатлар таъсирининг тобора сусайиб бориши.

2030 йилга бориб, мамлакатларнинг таъсир қилиш кучи тобора сусайиб боради ва ниҳоятда драматик оқибатларга олиб келиши мумкин. Осиё қитъаси Лотин Америкаси ва Европа мамлакатларидан ўзининг иқтисодий қудрати, бирлашган ялпи ички маҳсулоти, аҳолининг сони, мудофаага йўлланган харажатлар ва технологик инвестиция кўрсаткичлари бўйича илдамлаб кетади. Хитой ниҳоятда йирик иқтисодий бой мамлакат сифатида 2030 йилгача АҚШни қувиб ўтади. Жаҳон иқтисодиётининг соғломлиги тузилмавий силжиш шароитларида кўпгина ҳолларда

ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиётидаги ҳолати билан боғлиқ бўлади, ваҳоланки аввал жаҳон иқтисодиётининг ҳолатини аниқлаш учун анъанавий равишда эътибор Ғарб мамлакатларининг иқтисодиётига тақалган эди. Хитой, Ҳиндистон ва Бразилиядан ташқари жаҳон иқтисодиётига Колумбия, Индонезия, Нигерия, Жанубий Африка Республикаси ва Туркия каби минтақавий фигуралар ҳам ниҳоятда катта таъсир кўрсатадилар. Айнан шу даврда Европа, Япония ва Россиянинг иқтисодиёти юқоридаги мамлакатларга қараганда инқирозга юз тутиши мумкин.

### Учинчи оғишма: демографик вазият

Фикримизча, 2030 йилга бориб жаҳон аҳолисининг сони тахминан 8,3 млрд.га етади. Мазкур ҳолатни таҳлил қилар эканмиз, ушбу вазиятда тўртта демографик оғишмани белгилаш мумкин, аммо бу ерда биз амалий жиҳатдан мамлакатларнинг на иқтисодий, на сиёсий ва на уларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олмаймиз. Бу оғишмалар қуйидагилардан иборат. Қариш – бу тузилмавий силжиш Ғарб ва ниҳотда тез ривожланаётган мамлакатлар учун ажралиб турувчи хусусиятдир. Дунёда ёшлик хусусиятига эга бўлган ҳамжамиятлар, давлатларнинг сони тобора пасайиб бориши кутилади. Миграция масаласи мамлакатларнинг халқаро ҳамкорлиги учун жиддий муаммога айланади. Тобора ўсиб бораётган урбанизация жараёни яна бир тузилмавий силжиш сифатида иқтисодий ўсишга ёрдам берса ҳам, аммо айни пайтда озиқ-овқат ва сув танқислиги муаммоларини юзага келтиради. Хусусан, Ўзбекистон учун Афғонистонда қурилаётган Қўшқўпир канали билан боғлиқ муаммо – сув масаласида кескин вазиятга олиб келиши мумкин. Қарияларнинг сони аксариятини ташкил қилувчи мамлакатларда аҳолининг фаровонлик даражасини барқарор ушлаб туриш муаммоси тобора жиддийлаша боради. Малакали ва номалакали ишчи кучига бўлган эҳтиёжлар оқибатида глобал миграция тўлқинлари ҳаракатга келади. Ниҳоятда тез суръатли урбанизация шарофати билан яшашга, ишлашга (офис) ва транспорт хизматларини бажаришга келгуси қирқ йил ичида шаҳардаги биноларнинг қурилган ҳажми бутун инсониятнинг тарихидаги қурилиш билан боғлиқ ҳажмга теппа-тенг бўлиши мумкин.



### **Тўртинчи мегаоғишма: Озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва энергия манбалари етишмовчилигининг ўсиши.**

Жаҳон аҳолисининг тобора ўсиши натижасида ўртаҳол синфнинг озиқ-овқат, сув ва энергия ресурсларига нисбатан бўлган эҳтиёжи тахминан ва тегишинча 35, 40 ва 50 фоизга ўсади. Иқлим ўзгариши оқибатида келажакда мазкур ҳаётининг муҳим аҳамиятли ресурсларга эга бўлиш имкониятининг ёмонлашуви юзага келади. Иқлимнинг ўзгариши билан боғлиқ таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, об-ҳаво шароитларидаги кескинлик ўсиб боради, намлик зоналарида ёмғирларнинг ёғиши кўпайиб бораверади, йил бўйича намгарчилик даражаси кам бўлган зоналарда янада қуруқроқ иқлим юзага келади. Ёгингарчилик даражаси бўйича асосий ўзгаришлар Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада, шунингдек Марказий Осиёнинг ғарбида ва Европа жанубида ҳамда Жанубий Африка ва АҚШнинг жанубий-ғарбида юз беради.

Лекин бу очарчиликдан изтиробда қолаётган олам сари ҳаракатланамиз, дегани эмас. Аммо сиёсий раҳбарлар ва уларнинг хусусий сектордаги ҳамкорлари бундай келажакка йўл қўймаслиги учун фурсатни бой бермасдан бундай оқибатларнинг олдини олишда фаол ҳаракатда бўлишлари лозим. Ҳа, кўпгина мамлакатлар учинчи тараф бўлган давлатларнинг ёппасига амалга оширадиган ёрдамсиз озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги ёки сув танқислигидан халос бўлишлари учун етарли молиявий маблағларга эга эмас. Озиқ-овқатлар истеъмолчи ва ресурслардан фойдаланиш даражасига таъсир кўрсатмасдан, жамият устида юзага келган муаммони бартараф этиш мумкин эмас. Масалан, қишлоқ хўжалиги сув манбаларидан ва сифатли ўғитлардан бемалол фойдаланиш шароитларига тобедир.

Баъзи бир минтақалар учун сув энергияси қудратли қувват манбаи сифатида тан олинади. Аммо айни пайтда, муқобил энергия, чунончи, ҳар хил турдаги биоёнилги манбаларидан фойдаланишни башорат қилувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилигига олиб келиши мумкин. Африка қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилигидан халос бўлиши учун туб ўзгаришларга муҳтож. Зеро, Африка Осиё ва Жанубий Америкадан фарқли равишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини одам бошига ишлаб чиқариш улуши бўйича эндигина 1970 йиллардаги кўрсаткичга эга бўлди, ваҳоланки Осиё ва Жанубий Америка мамлакатлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида сезиларли муваффақиятларга эришди.

Энди энергетика соҳасига бир назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимиздаги энергия манбаларига нисбатан бўлган муносабат тўғрисида сўз юритишга мажбурмиз. Чунончи, 2023 йилнинг 27 май куни "Тараққиёт стратегияси" маркази ташаббуси билан Энергетика вазирлиги тизимида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигига бағишланган жамоатчилик эшитуви ўтказилган эди.

Тадбирда сўзга чиққанлар 2017-2020 йилларда "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида жойлаштирилган, Энергетика вазирлигига бевоқифа вазифа юклаган 2 та Қонун, 3 та Президент фармони, 15 та Президент қарори, шунингдек улар ижросини таъминлашга қаратилган 5 та Ҳукумат қарорининг жойлардаги ижроси ҳолатининг сифати, тўлиқлиги ва кўлами юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Таъкидланганидек, Президентнинг фармон ва қарорларида назоратга олинган вазирликка алоқадор 1002 та топшириқ, 32 та фармон, 114 та қарор, 5 та фармойиш ва 68 та баёндан 612 таси ёхуд 61 % бажарилган. Топшириқларнинг 382 таси (39 %) ижро жараёнида, 134 таси (21 %) муддатидан кеч бажарилган бўлса, 8 та топшириқнинг ижро муддати белгиланган муддатдан ўтказиб юборилган.

Шунингдек, "Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилги-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорида 2020 йил 15 июлдан 31 декабргача 750 кВт. гача бўлган қувватга уланган ҳамда қўшимча учинчи смена ни ташкил этган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи истеъмолчилар учун тунги давр – сутканинг қоронғи даврида (ягона электр энергетика тизимининг соат 22.00 дан 24.00 гача ва соат 00.00 дан 06.00 гача бўлган минимал юкламалар соатларида) фойдаланилган электр энергияси бўйича ҳисоб-китобларда белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда камайтириш коэффициенти қўлланилиши белгиланган.

Бироқ қарор ижроси бўйича ўз вақтида тегишли чоралар кўрилмагани оқибатида 6 000 га яқин тадбиркорлик субъектига электр энергиясидан фойдалангани учун камайтирилган коэффициент қўлланмаган. Бу, ўз навбатида, мазкур корхоналар томонидан электр энергияси учун ортиқча маблағлар тўланишига олиб келган.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой ўтган жамоатчилик эшитувида оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари ва экспертлар томонидан вазирлик тизимида юқоридаги каби камчиликлар билан бирга энергия тежовчи технологиялар бўйича донорларнинг техник кўмак сармояларини жалб этиш, вазирликнинг пул маблағларини тақсимловчи жамғармани шакллантириш ҳамда энергетика соҳасида норматив базани такомиллаштириш юзасидан ўз вақтида тегишли ишлар амалга оширилмагани ҳам танқид қилиниб, бу борада таклиф-тавсиялар берилди. Демак, Ўзбекистон энергетика соҳасида маълум қадар жамият ва ишлаб чиқариш учун сезиларли силжишни амалга ошириши лозим, чунки "Ўзбекистон – 2030" стратегияси бўйича иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини зарур энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш мақсади қўйилган.

Америка Қўшма Штатларида эса ўзига хос стратегик вазифа борки, мазкур мамлакат табиий газ бўйича дунёда энг йирик ишлаб чиқарувчи мамлакат мақомини қайтаришга уринмоқда ва ўзининг газ захираларидан

фойдаланишни 30 йилдан 100 йилгача узайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бундай мақсадга эришиш учун технологиялар асосида газ қатламини гидравлик йўли билан ажратиб қўйиш орқали мазкур мақсадга эришишга ҳаракат амалга оширилмоқда. Ер ости бойликларининг қўлга киритилиши қийин бўлган конларда пармалаш технологияси асосида нефтни қўшимча тарзда чиқариб олиш ҳаракатлари савдо балансидаги сальдони қисқаришига ва умумий иқтисодий ўсишга олиб келиши мумкин. Аммо бундай режаларга жамоатчилик қарши чиқиши мумкин, чунки атроф-муҳит бундай технологияларни ишлатилиши натижасида ифлосланади, жумладан, сув манбаларига ҳам зарар етади.

**Бешинчи мегаоғишма: Тайвань можароси жаҳон ялпи ички маҳсулотининг ҳажмини 10 фоизга қисқартириши мумкин.**

Афсуски, ҳозирги пайтда Ер юзида локал можароларнинг мавжудлиги халқаро савдо муносабатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Лекин шундай минтақалар борки, агарда уларнинг худудида ҳарбий можаролар юз берса, уларнинг иқтисодий ривожланиши, савдоси, ишлаб чиқаришига негатив таъсир кўрсатишидан ташқари, бутун жаҳон савдо муносабатларига ҳам ниҳоятда салбий таъсир кўрсатиш хавфи эга. “Bloomberg” таҳлилчиларининг ҳисоб-китобларига кўра, бундай ўзгаришларнинг умумий зарари жаҳон иқтисодиёти учун тахминан 10 триллион долларга тушади. Бу миқдор олдида Украинадаги можаро, COVID-19 пандемияси ва глобал молиявий инқирознинг иқтисодий оқибатлари “жуда кичкина” бўлиб кўринади.

Бундай кенг кўламли таъсирнинг сабаби Тайваннинг яримўтказгичлар ишлаб чиқаришда дунёда етакчи ўринни эгаллашидадир, дейди экспертлар.

Тайвань микро чиплари ишлаб чиқарувчи “ТСМС” компаниясининг атиги 20 та йирик мижозларининг умумий бозор капиталлашуви 7,4 триллион долларни ташкил қилади. Бундан ташқари, Тайвань бўғози дунёнинг энг муҳим савдо йўлларида бири саналади.

“Bloomberg” экспертларининг фикрича, АҚШ иштирокида ҳарбий сценарий юзага келса, орол ялпи ички маҳсулоти 40 фоизга, Хитойники эса 16,7 фоизга қисқаради. АҚШ иқтисодиёти 6,7 фоизга, жаҳон ялпи ички маҳсулоти эса 10,2 фоизга камаяди. Бу ҳолатда, айниқса, Корея Республикаси, Япония ва Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари энг катта зарар кўради.

Агар ҳарбий ҳаракатлар бўлмаса, Тайвань ХХР томонидан қамал қилинса, орол ялпи ички маҳсулоти 12,2 фоизга, Хитойники 8,9 фоизга, АҚШники 3,0 фоизга камаяр экан. Бу, албатта, жаҳон иқтисодиётида ҳам 5 фоизлик йўқотишга сабаб бўлади.

**Олтинчи мегаоғишма: Янги технологияларнинг таъсири.**


2030 йилга бориб тўртта асосий технологиялар глобал иқтисодий, ижтимоий ва ҳарбий соҳадаги ишланмаларни, шунингдек атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган бутунжаҳон ҳамжамиятининг ҳаракатларини белгилаб туради.

*Ахборот технологиялари.* Жуда катта миқдордаги маълумотларга етишиш имкониятининг мавжудлиги, мазкур жараёнларнинг ниҳоятда катта қудратга эгаллиги ва ахборотларни жуда катта ҳажмда сақлаб қолиш қобилияти киберхизматларни ва ижтимоий медиа воситалари тарқалишини соддалаштириб кўяди. Мазкур ҳолат ахборот бозорларини кенгайтириб қолмай, глобал тармоқларнинг хавфсизлик даражасини кўтаради, бу эса, ўз навбатида, давлат институтлари ва фуқаролик жамияти олдида жиддий вазифаларни юзага келтиради. Ахборот технологияларининг афзаллиги билан бирга, улардан келаётган янгидан-янги хатарларни англаш ва бу хатарларнинг мавжудлиги вазиятида улардан фойдаланишга киришиш ҳолати яққол ўзини намоён қилади.

Ахборот технологияларини қўллаш асосида олинган ечимлар фуқароларнинг фаровонлик даражаси ва иқтисодий самарадорлигини оширишга йўналтирилган бўлиб, ресурслардан кам миқдорда харажат қилиш ва атроф-муҳитга умуман зарар келтирмаслик афзалликлари билан таърифланади. Уларнинг бундай хусусияти жаҳондаги мегаполислар учун ҳаётий даражада зарурдир. Келажакда айрим мегаполисларнинг инфратузилмасини лойиҳалаштириш ва қурилишида ноль кўрсаткичидан бошлаб барпо этиш ҳоллари учрайди. Бундай усулнинг ишлатилиши натижасида мегаполислар ва янги архитектура ишланмалари келажак учун мустақкам дарвоза бўлиб хизмат қилиши ёки даҳшатли қўрқувларни олиб келиши мумкин, агарда ахборот технологияларидан бесамар фойдаланадиган бўлсак.

*Ризқингизни ҳалол  
йўл билан топинг.  
Ҳалол йўлдан юрсангиз,  
сизга оид ризқни  
тоғлар тўсиб қўйса  
ҳам, албатта,  
сизнинг олдингизга  
келади.*

**Умар ибн  
АБДУЛАЗИЗ**





Ишлаб чиқаришдаги янги технологиялар ва автоматлаштириш. 3D босма усулда маҳсулот ишлаб чиқариш, ҳажмли макетларни яратиш ва робот техникаси етарли даражадаги салоҳиятга эга бўлиб, меҳнат моделларини ҳам ривожланаётган, ҳам ривожланган мамлакатларда ўзгартириб юбориши мумкин. Ривожланаётган мамлакатларда бундай технологиялар меҳнатнинг самарадорлигини ошириб, аутсорсингни жалб этиш эҳтиёжини бирмунча пасайтириб юборди. Шунга қарамасдан, бундай технологиялар тескари эффектни ҳам юзага келтириши мумкин: кам малакага эга ва ўрта малакали ишлаб чиқариш кучлари ривожланган иқтисодиёт учун ортиқча бўлиб қолиши ва бу билан ижтимоий тенгсизликни кучайтириб юбориши мумкин. Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиёти учун, чунончи, Осиё мамлакатларида янги технологиялар ишлаб чиқариш қувватларини тобора ошиб боришига хизмат қилмоқда ва ишлаб чиқарувчилар билан маҳсулот етказиб берувчиларнинг рақобатдошлигини сезиларли даражада ошириб қўяди.

Қолоқлик ҳолатини ёриб ўтишлар. Айниқса улар ҳаётий аҳамиятга эга бўлган хавфсизлик технологиялари соҳаларида содир бўладиган бўлса, жаҳон аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ресурслари ва энергия соҳасидаги эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган восита сифатида хизмат қилиш эшигини очди. Келгуси 15-20 йиллар мобайнида мазкур технологиялар озиқ-овқат ресурсларини, шу жумладан генетик модификацияланган буғдой уруғлари сақлашини таъминлайди. Улардан зироатчиликда, ерларни суғоришда, қуёш энергетикасида фойдаланадилар, биоёнилғи ишлаб чиқарилишини такомиллаштириш, шунингдек нефть ва табиий газ ишлаб чиқаришда ишлатилади. Ҳозирги иқлим ўзгаришлари эса, мазкур қийинчиликларни янада жиддийлаштириб юбориши мумкин. Шунинг учун ривожланаётган мамлакатлар дастлабки босқичда янги ресурсларни сақлаб қолувчи камчиқим янги технологияларни ҳаётга татбиқ этилганлиги учун тегишли рағбатлантириш чораларини қўллашлари зарур. Аммо 20-йиллик яқин келажакда ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш технологияларининг тарқалиши жамиятнинг бундай ҳолларга нисбатан бўлган муносабати, шунингдек давлат раҳбарларининг бунга нисбатан изҳор қилинган сиёсий иродасига боғлиқ бўлади.

Соғлиқни сақлаш технологиялари. Айнан шу технологиялар шарофати билан одамнинг умрбоқийлигини узайтириш муаммоси ечилиши мумкин. Бошқача айтганда, инсоннинг ўртача умр кўриш жараёнини узайтириш масаласи тиббиётнинг энг асосий вазифасидир. Мазкур технологиялар аҳолининг жисмоний ва руҳий саломатлиги бобида фаол ишлаб, ҳаёт сифатини янада юқори поғонага кўтаради. Табиийки, бу мақсадларга қайси мамлакатлар эришиши мумкин? Жавоб аниқ: ўртаҳол синф қатлами тобора ўсиб бориш оғишмасига эга бўлган мамлакатлар айнан юқорида қайд этилган мақсадларга эришишлари мумкин. Бундай мамлакатларнинг тиббиёт тизими ҳозирги

пайтда нисбий жиҳатдан пастки сатҳларда бўлиши ҳам мумкин, аммо 2030 йилга бориб, шу мамлакатларда инсон ҳаётининг давомийлиги билан боғлиқ ўртача кўрсаткич юқори даражага чиқиши эҳтимоли бор. 2030 йилга бориб сурункали касалликлар билан шуғулланадиган кўпгина инновацион марказлар ривожланаётган мамлакатларда ўзларининг офисларини очадилар. Шуниси ҳам кутилмоқдаки, бўлажак тиббиётда ирсий ҳамда саратон касалликларининг олдини олишга эришиш ҳолати юзага келади, шу жумладан нанотехнологиялардан фойдаланиш асосида одамнинг умри орзу қилган 100 ёшдан ҳам ошиб кетиши мумкин.

Ўзбекистонда ҳам айнан мазкур қонуният ўзининг ифодасини топади ва мамлакатимиз раҳбари белгиланган "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида кўрсатилган барча юзта мақсад, албатта, воқеликда намоён бўлиб, Жаҳон савдо ташкилотида мамлакатимиз нуфузли ўринга эга бўлишига умидвормиз.

**Миродилжон БАРАТОВ,**

*Ўзбекистон Фанлар академияси  
Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи,  
юридик фанлар доктори, профессор,*

**Равшан ХАКИМОВ,**

*Ўзбекистон Фанлар академияси  
Давлат ва ҳуқуқ институти бош илмий ходими,  
юридик фанлар доктори, доцент,*

**Бори АКРАМХОДЖАЕВ,**

*Ўзбекистон Фанлар академияси  
Давлат ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими,  
юридик фанлар номзоди, доцент.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bartlett, C.A., 2004. P&G Japan: The SK-II Globalization Project. Harvard Business School, Case 9-303-003.; Bartlett, C. A., & Beamish, P. (2010). Transnational Management: Text, Cases & Readings In Cross-Border Management (6th ed.): McGraw-Hill Education.; Bartlett, C.A., Ghoshal, S., 1993. Managing across borders: new strategic requirements. Organization of transnational corporations, 6, 309-325.
2. Влияние технологий на общество: плюсы и минусы // <https://unlim.ru/vliyanie-tehnologij-na-obshchestvo-plyusy-i-minusy/>
3. Исроил ва ҲАМАС уруши Яқин Шарқни қандай ўзгартирди: бешта янги реаллик//[kun.uz/news/2023/11/08/isroil-va-hamas-urushi-yaqin-sharqni-qanday-ozgartirdi-beshta-yangi-reallik](https://kun.uz/news/2023/11/08/isroil-va-hamas-urushi-yaqin-sharqni-qanday-ozgartirdi-beshta-yangi-reallik).
4. Литвинов Я. Как решается проблема дефицита воды, пищи и энергии? // <https://globalnews.kz/kak-reshaetsya-problema-deficita-vody-pishhi-i-energi/>
5. Оруэлл Д. 1984 // <https://journal.litres.ru/1984-stal-li-prorocheskim-roman-dzhordzha-oruella-napisannyj-v-dalekom-1949-godu/>
6. Роль и влияние инноваций в медицине на уровень здравоохранения и качество жизни населения // <https://xn--80ahdl1aqfalc.xn--p1ai/2023/07/18/rol-i-vliyanie-innovacij-v-medicine-na-uroven-zdravooxraneniya-i-kachestvo-zhizni-naseleniya>
7. Саммит БРИКС – 2023: рассказываем главное // <https://journal.tinkoff.ru/news/brics-2023-summit-summary>.
8. С.Раҳимов. Тайвань атрофидаги эҳтимолий ҳарбий можаро жаҳон ЯИМни 10 фоизга қисқартиради // <https://uz.uz/posts/tayvan-atrofidagi-ehstimoliy-harbiy-mozharo-zahon-yaimni-10-foizga-qisqartiradi.555918>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида" 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.
10. Черкасов М.Н. Демографическая проблема как глобальная проблема современности // <https://apni.ru/magazine/170>.
11. Энергетика соҳасидаги муаммолар жамоатчилик эшитувида муҳокама қилинди. 27 май 2021 й. // <https://strategy.uz/index.php?news=1303>.

# “СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИ” ВА “СОЛИҚ ИНТИЗОМИ” ТУШУНЧАЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада “солиқ мажбурияти” ва “солиқ интизоми” тушунчалари ҳамда уларнинг юридик табиати ёритилган. Бу тушунчалар ҳамда уларнинг юридик табиатини солиқ ва молия ҳуқуқига доир илмий-назарий адабиётлар, тегишли статистик маълумотлар ва бошқа амалиёт материалларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш орқали ҳал қилиш муҳим эканлиги таҳлил этилган, турли хорижий ҳамда маҳаллий иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари асосида муаллифнинг таҳлилий мулоҳазалари асосида ўрганилган ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси мисолида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** солиқ турлари, мажбурий тўловлар, солиқ мажбурияти, солиқ тўловчи, солиқ интизоми, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ тизими.

“Солиқ мажбурияти” тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси меъёрларида ўз аксини топган. Жумладан, янгиланган Конституциянинг 63-моддасида “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт. Солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги керак” лиги кўрсатилган.

Умумий юридик нуқтаи назардан солиқ мажбуриятининг негизини “мажбурият” ҳуқуқий категорияси ташкил қилади. Кейинги даврларда ҳуқуқ соҳаларининг ихтисослашуви натижасида мажбурият тушунчаси турли соҳалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тушунила бошланди.

Бундан ташқари, солиқ қонунчилигини шакллантириш учун “солиқ мажбурияти” тушунчасидан фойдаланиш жараёнини Европа, Ўзбекистон ва МДҲ давлатлари солиқ ҳуқуқи қадриятлари асосида кўриб чиқиш зарур.

Бунинг учун бошқа давлатлар қонунчилигини қисқача таҳлил қилиш талаб этилади. Ўрганишлар шуни кўрсатадики, бундай шаклдаги мажбуриятни конституция даражасида мустақамлаш Европа давлатлари тажрибасида деярли қўлланилмайди. Ушбу қоидалар асосан социалистик тизимдан ажралиб чиққан давлатларга хос десак, хато бўлмайди.

Кўпгина Фарбий Европа мамлакатлари конституцияларида солиқлар қонун билан белгиланиши керак бўлган қоидаларни ўз ичига олади. Бир қатор конституцияларда эса умуман солиқлар тўғрисида ҳаволалар ҳам мавжуд эмас ёки бу ҳаволалар декларатив характергагина эга.

Шуни таъкидлаш керакки, Фарбий Европа давлатлари конституцияларининг ҳеч бирида фуқароларнинг солиқ тўлаш мажбурияти келтирилмаган. Истисно Испания Конституцияси бўлиб, унинг 31-моддасида фуқароларнинг давлат харажатларида иштирок этиш мажбурияти белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, ушбу мажбуриятга “адолатли солиқ тизими орқали уларнинг иқтисодий имкониятларига мувофиқ амалга оширилади” банди ҳам қўшилган. Аммо, бу қоида ҳамма учун мажбурият сифатида тан олиш мумкин эмас.

Швейцария Конституциясида нафақат ундириладиган солиқлар, балки солиқ ставкалари ҳам санаб ўтилган бўлса-да, фуқароларнинг солиқ тўлаш мажбурияти ҳақида алоҳида эслатма мавжуд эмас.

Америка қитъаси мамлакатлари конституциявий норма сифатида солиқларни фақат қонунчилик билан тасдиқлаш-

ни белгилаб берувчи Европа аъъанасига амал қилишади ва бу Аргентина, Бразилия, Боливия, Доминикан Республикаси, Гондурас, Колумбия, Коста-Рика, Канада, Мексика, Никарагуа, Перу, АҚШ Конституцияларида назарда тутилган.

Солиқ тўлаш бўйича конституциявий мажбурият амалда умуман мавжуд эмас. Ҳатто солиқ турлари, уларни белгилаш ва ундириш тартиби батафсил баён этилган Бразилия Конституциясида ҳам солиқ тўлаш мажбурияти ҳақида меъёр мавжуд эмас. Худди шундай ёндашувни Австралияд ҳам кузатиш мумкин.

Собиқ Иттифокдан мустақил бўлган барча мамлакатларда фуқароларнинг солиқ тўлаш бўйича бурчи конституция даражасида мустақамлаб қўйилган. Жумладан Арманистон, Озарбайжон, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Украина конституцияларида шундай норма мавжуд. Қизиги шундаки, Собиқ Иттифок таркибида бўлган Болтиқбўйи мамлакатларида бундай мажбурият кўзда тутилмаган.

Яна бир қизиқ хорижий давлат амалиётига эътибор қаратсак. Агар Европа ва АҚШда солиқларни оптималлаштириш мақсадида амалга оширилган ҳаракатлар бизнес ҳисобланса, Мисрда бу ҳаракатлар солиқ тўлашдан бўйин товлаш жинояти сифатида квалификация қилиниши мумкин. Миср Конституциясининг 38-моддасида “Солиқ тўлаш – мажбурият, солиқ тўлашдан бўйин товлаш эса жиноятдир”, деган банд мавжуд.

Сўнгги авлод олимлари ҳам мажбурият тушунчасини англашда турли ёндашувларга таянганлигини қайд этиш зарур. Масалан, В.Н. Назаров “солиқ мажбурияти” тушунчасига нисабатан қўлланилувчи ёндашувларни кенг ва тор турларга ажратади. У “солиқ тўловчининг мажбуриятлари солиқ қонунчилигига кўра, кенг қамровли маънодаги солиқ мажбурияти сифатида тушунилади”, деб таъкидлайди. Н.П. Кучерявенконинг фикрича, “солиқ мажбурияти” таърифи “солиқ тўловчининг солиқ ва йиғимларни тўлаш билан боғлиқ барча мажбуриятлари тизимини умумлаштириши керак”. М.О. Клейменова ва Э.Л. Калашниковалар кенг қамровли ёндашувни қўллаб-қувватлаган ҳолда солиқ мажбуриятини “солиқ тўловчининг зарурий хулқ-атвори бўйича чора-тадбирлар мажмуи” деб аташади. Е.Ю. Грачева ва О.В. Болтинованинг фикрига кўра, тор маънода солиқ мажбурияти “солиқ тўловчининг солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги



қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда давлатга тегишли суммани тўлаш мажбуриятидир”.

Юқоридаги илмий қарашлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, солиқ интизомининг ҳуқуқий асосини Конституциямизнинг махсус нормасида ифодаланган солиқ тўлаш мажбурияти ташкил қилади. Шу боис ҳам, солиқ тўловчиларга айнан конституциявий бурчларини тўғри тушунтириш ва улар томонидан тўланадиган солиқлар ва йиғимларнинг сарфланиши бўйича маълумотлар очиқ ва шаффоф ҳолда етказилиши солиқ маданиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Ушбу конституциявий меъёрда асосий субъект сифатида юридик шахс эмас, балки фуқаролар кўрсатилганлигига эътибор қаратиш зарур. Жисмоний шахснинг даромад солиғи солиқ тушумларининг асосий қисмини ташкил қилади. Айнан шунинг учун ҳам, солиқ интизомини таъминлашда жисмоний шахсларнинг даромад солиғида мувозанатни таъминлашга эътибор қаратиш зарур.

Навбатдаги масала бу “солиқ интизоми” тушунчасининг моҳияти ва мазмунидир.

Бизнес-луғатларга кўра, “солиқ интизоми – солиқлар ва солиқ мажбуриятларини қабул қилиш ва қайта ишлашда солиқ органлари ўзаро ҳамкорлигининг узлуксизлигини ҳисобга олган ҳолда солиқ тўловчининг бюджет олдидаги солиқ мажбуриятларини бажариш учун ахлоқий, маънавий ва молиявий қобилиятлари ва имкониятларини мунтазам равишда шакллантириш, ривожлантириш ва назорат қилиш” дир.

Махсус адабиётларда эса “солиқ тўлаш интизоми” тушунчаси кўпинча “солиқларни ундириш”, “солиқ тушумларининг эластиклиги” каби категориялар билан боғлиқ. Солиқ тушумларининг эластиклик кўрсаткичи солиқ тушумларининг фоиз ёки мутлақ ўзгаришининг миллий даромаднинг фоиз ёки мутлақ ўзгаришига нисбати сифатида аниқланади. Фикримизча, солиқ интизоми давлат бюджетини мустақамлашнинг муҳим омили ҳисобланиб, давлат бюджетини ўз вақтида тўлдириш имконини беради.

Солиқ интизоми нафақат ҳуқуқий, балки молиявий хусусиятга эга тушунча саналади. Молиявий интизом тушунчаси солиқ интизоми тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у “молиявий муносабатларнинг барча иштирокчилари учун молиявий фаолиятни, тўловларни, ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг мажбурий тартиби” сифатида ҳам адабиётларда кўрсатилган.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ўртасида ўтказилган сўровномадаги “Сиз солиқ интизоми деганда нимани тушунаси?” деган саволга респондентларнинг 83% солиқ тўловчининг давлат олдидаги солиқ мажбуриятлари, 7.9% давлатнинг солиқ тўловчи давлат олдидаги солиқ мажбуриятлари, 6.1% бошқа жавобларни берган.

Фикримизча, солиқ интизоми деганда тор маънода солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлат солиқ органлари томонидан солиқ қонунчилигининг комплекс бажарилиши деб тушунилиши мақсадга мувофиқдир.

Кенг маънода эса солиқ интизоми солиқ тўловчилар учун солиқлар ва йиғимларни ҳамда мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятларини ўз вақтида бажариш бўлса, давлат

солиқ органлари ходимларига қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрларга қатъий риоя этиш деб тушунилиши лозим.

Илмий доктринал таълимотларда солиқ интизомини мустақамлашга қаратилган бир қатор назариялар мавжуд. Ушбу назарияларнинг моҳияти ва уни қонунчиликка татбиқ қилиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтсак.

Солиқ тўловчилар хизмати (taxpayers service approach) назарияси Гленн П.Женкинс, Эдвин Н.Форлему томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у анъанавий ёндашув сифатида солиқ маъмуриятчилигининг солиқ интизомига эришишда қўлланиладиган икки усули; тасодифий текширув ва жарималар орқали ва иккинчиси солиқ тўловчиларнинг барча декларацияларини маъмурий баҳолаш орқали солиқ тўловчиларнинг ўзини-ўзи баҳолаш билан ихтиёрий тўлов интизомига эришиш масаласини таҳлил қилиб, солиқ тўловчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш ва уларга хизмат кўрсатиш тамойилини илгари суради.

Ушбу назариянинг моҳияти солиқ интизомига риоя қилиш харажатлари солиқ интизомига риоя қилмаслик харажатларидан оз бўлиши, бунинг учун жараёнларни электронлаштириш, солиқ қоидаларини соддалаштириш, солиқ тўловчиларни ўқитиш ва уларга солиқларни ҳисоблаш ва тўлашда ёрдамчилик қилиш, онлайн ахборот алмашинуви, тўловларни соддалаштиришни таклиф қилишдир.

Солиқ интизомини таъминлаш соҳасидаги иккинчи назария бу солиқ текширувларининг ривожланиш модели (Evolutionary Model of Tax Auditing) назарияси вакиллари Сурия Ш. Кумачева ва Елена А. Губарлар солиқ текширувлари ҳар йили ўтказилиши ва доимий такрорланиши ҳисобига солиқ тўловчиларнинг харажатларини моделлаштириш мумкинлигини таъкидлайди.

Уларга кўра солиқ тўловчилар солиқ тўламаслик хавфига кўра уч тоифага бўлинади: хавфга қарши, хавфга ҳолис ва хавфни маъқул кўрувчи. Хавфга қарши солиқ тўловчилар жавобгарликка тортилмаслик учун солиқларни тўлашади. Хавфни маъқул кўрувчи солиқ тўловчилар хавфли ҳаракат қилишни танлашади ва солиқ тўламайди. Хавфга ҳолис солиқ тўловчилар эса мослашувчан ҳаракатни танлашади яъни вазиятга қараб солиқ тўлайди ёки тўламайди. Шунинг учун, барча солиқ тўловчиларни уч тоифага бўлиб ўрганиш лозимлигини таъкидлайди.

Фикримизча, мазкур шаклда тоифага бўлиш барча ривожланаётган давлатлар солиқ тўловчиларига хос бўлиб, жамиятда солиқ интизомини таъминлашда, солиқ тўловчиларни у ёки бу гуруҳга киритишда уларнинг солиқ соҳасидаги ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш заруратини юзага келтиради.

Тадқиқот давомида “Солиқларни ўз вақтида тўламаслигинизга асосий сабаб нима?”, деган саволга респондентларнинг 19.2% бошқа харажатлардан орттира олмайман, 7.5% давлат солиқ органи ходими талаб қилмаса тўлаш эсимда бўлмайди, 2.7% солиқ тўлашдан наф бор, деб ўйламайман, 70.6% бошқа жавобларни берган.

Юқоридаги олимлар қарашлари ва доктринал назариялар асосида, муаллифлик тушунчаси сифатида “солиқ интизоми бу – солиқ тўловчилар ва солиқ органларининг ўза-

ро ҳамкорлик принцигига асосланган ҳолда солиқ тўловчи томонидан солиқлар ва йиғимларни бюджетга ўз вақтида ва бир маромда тўлиқ тушишини таъминлашга қаратилган тартиб-қоидалар ва тадбирлар мажмуидир”, деган тушунчани таклиф қиламиз.

Юқоридаги олимларнинг фикрлари ва таҳлил натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, фуқароларнинг солиқ интизомини ошириш муаммоси ҳозирги даврда мамлакатимиз учун ҳам долзарб. Шундан келиб чиқиб куйидаги кичик хулосаларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан, солиқ тўловчиларнинг солиқ тизимига ишончи ўзгаришига, солиқ интизоми ва маданиятининг ривожланишига солиқ қонунчилигининг тез-тез ўзгариб туриши салбий таъсир кўрсатмоқда. Узоқ муддатли истиқболда солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш солиқ интизомини шакллантириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим вазифадир.

Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш жараёнида қонун чиқарувчи унинг барқарорлигини бузмаслиги ҳам муҳимдир. Солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги муносабатларни мувозанатлаш натижасида солиқ интизомини мустаҳкамлашнинг кўриб чиқилаётган назарий концепциясига мувофиқ, уларнинг миқдорий характеристикалари уларнинг ахборот билан ўзаро ҳамкорлиги самардорлиги ва солиқ тизимининг шаффофлигини ўз ичига олиши лозим.

Иккинчидан, солиқ интизоми даражасини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишда солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги муносабатларда объектив ва субъектив сабаблар туфайли юзага келадиган номутаносибликни бартараф этишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг умумий ва алоҳида таркибий қисмларини ўзгартириш зарур.

Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, виждонли солиқ тўловчиларнинг қонуний фаолиятини рағбатлантириш, давлатнинг солиқ-бюджет сиёсатига асосий ўрин берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик устувор йўналишларига бевосита боғлиқдир.

Учинчидан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда солиқ соҳасидаги қонунбузилишлар тобора кўпроқ кузатилмоқда, бу солиқ тўловчилар солиқ маданиятининг пастлиги, уларнинг солиқ тизимига ишонсизлиги ва ноқонуний схемалар орқали солиқ тўловларини минималлаштириш истагининг юқорилиги билан тавсифланади.

Тўртинчидан, илмий доктринал таълимотларда солиқ интизомини оширишга қаратилган назариялар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар қандай давлат ушбу соҳада ўз тараққиёт йўлидан ва аҳолисининг ҳуқуқий маданиятидан келиб чиққан ҳолда у ёки бу назарий моделни жорий қилади.

Бешинчидан, давлат бюджетига тўланаётган солиқ ва йиғимлар қандай мақсадлар учун сарфланаётгани ҳар бир солиқ тўловчига аниқ рақамлар асосида тушунтириб борилсагина солиқ ва йиғимлар бўйича тўловларни амалга оширишда ихтиёрийлик ва ташаббускорлик сезиларли даражада ошади, деб ҳисоблаймиз. Шу жиҳатдан олганда, мамлакат ривожи, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, ислохотлар самардорлигига эришишда солиқлар ва йиғимларнинг сарфланиши тўғрисидаги маъ-

лумотларнинг очик ва шаффофлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Буларнинг барчаси солиқ сиёсатида асосий устувор вазифа саналган солиқ интизомини мустаҳкамлаш ва унинг юқори маданий савиясини таъминлашга хизмат қилади.

**Икром ЭРГАШЕВ,**

*ТДҶУ Маъмурий ва молия ҳуқуқи кафедраси профессор в.б., юридик фанлар доктори.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Агузарова М.Т., Гусалова М.Б., Бурнацева О.О. Влияние налоговой культуры и налоговой дисциплины на экономическое развитие // Научные известия. 2017. №8.
2. Бизнес-словарь [Электронный ресурс]. УРЛ: <http://www.бизнессловарь.ru>
3. Гараев И.Г. Налоговое право: учеб. пособие. - Казань, 2010. С. 93.
4. “Жаҳон Конституциялари” / Т.: – “Ўзбекистон”. Академик А.Х. Саидов масъул муҳаррирлигида. 2022 й.
5. Зайцева, Я. Ю. Характеристика уровня налоговой и платежной дисциплины в Российской Федерации: проблемы и перспективы укрепления // Вестник Пензенского государственного университета. – 2020. – № 1 (29).
6. Конституциялар таҳлили “Дунё мамлакатлари (давлатлари) конституциялари” веб-сайти асосида тайёрланди // URL: <http://www.worldconstitutions.ru>.
7. Клейменова М.О. Налоговое право: учебное пособие. - М.: Московский финансово-промышленный университет “Синергия”, 2013.
8. Крохина Ю.А. Налоговое право: учебник для вузов. – М.: Высшее образование, 2007.
9. Колина А. А. Повышение финансовой грамотности как способ улучшения налоговой дисциплины // Финансовое право. – 2021. – № 7.
10. Кузьменко В. В., Бондарев Д. М., Молодых В. А. Стратегические приоритеты и технологические инновации в укреплении налоговой дисциплины // Вестник Института дружбы народов Кавказа Теория экономики и управления народным хозяйством. – 2019. – № 1. – С. 5-5.
11. Лукьяненко Л. Ф., Иванов С. Г. Теоретические аспекты налогового планирования // российская наука: актуальные исследования и разработки. – 2016.
12. Лукьяненок М.В. Налоговая дисциплина как элемент социально ответственного поведения государства, бизнеса и граждан. Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Общественные науки. 2007. № 3.
13. Назаров В.Н. Основы налогового права. - М.: Компания Спутник, 2008.
14. Налоговое право: учебник / под ред. Е.Ю. Грачевой, О.В. Болтиновой. – М.: Про-спект, 2012.
15. Русецкая Э.А., Никитенко Т.В. Организационно-экономический механизм укрепления налоговой дисциплины // Международный бухгалтерский учет. 2011. № 36 (186). С. 52-61. (52)
16. Словарь экономических терминов [Электронный ресурс]. URL: <http://www.bank24.ru/info/glossary>.
17. Сурия Ш. Кумачева анд Елена А. Губар. Эволюционный Модел оф Тах Аудитинг. Сонтрибутионс то Гаме Тхеорий анд Манажмент, Ст.Петербург Стате Университий, 2015, Вolumes 8, 164-175
18. Теоретические основы формирования налоговой дисциплины [Электронный ресурс]. URL: [http://www.rusnauka.com/28\\_NPM\\_2013/Economics/3\\_145746.doc.htm](http://www.rusnauka.com/28_NPM_2013/Economics/3_145746.doc.htm)
19. Финансовое право России: учебное пособие / отв. ред. М.В. Карасева. – 5-е изд. пере-раб. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2014. С. 241.
20. Хайдаров М. Т. Бюджет интизоми таъминланишининг назарий асослари // Экономика и финансы (Ўзбекистон). – 2016. – № 11.
21. Энциклопедия экономиста [Электронный ресурс] / Режим доступа : <http://www.грандарс.ру>
22. Юридический энциклопедический словарь / отв. ред. М.Н. Марченко. – М.: Проспект, 2009.
23. Юридик энциклопедия / юридик фанлар доктори, профессор У.Таджиханов умумий таҳририда. – Т.: “Шарқ”, 2001.
24. Якушкина Е.Е. Принудительное исполнение обязанности по уплате налога налогоплательщиком-организацией: Финансово-правовой аспект: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Воронеж, 2006. С. 10.
25. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон // <https://lex.uz/dos/5841063>
26. <https://soliq.uz/page/asosiy-korsatkichlar>
27. <https://soliq.uz/page/asosiy-korsatkichlar>
28. <https://docs.google.com/forms>
29. <https://docs.google.com/forms>



# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕЪЁРЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг хуқуқий ва институционал ёндашувлари тадқиқ этилган. Унда оилавий тадбиркорлик ривожланишининг расмий ва норасмий меъёрлар тизими самарадорлиги таҳлил этилган. Шу асосда унинг расмий ва норасмий институтлари таркиби тизимлаштирилган ва таснифланган. Шунингдек, оилавий тадбиркорликни ҳудудий ривожланишидаги роли ҳамда институционал механизми самарадорлигини баҳолаш мезонлари таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** оила, оилавий тадбиркорлик, институтлар, институционал муҳит, расмий ва норасмий институтлар, қоидалар, нормалар.

Оилавий тадбиркорликнинг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги роли ва ихтисослашув даражасига назар ташлайдиган бўлсак, Буюк Британияда 5,1 миллион оилавий корхона мавжуд бўлиб, улар барча корхоналарнинг 87,6 %ини, хусусий секторда банд бўлганларнинг ярмини (14,2 млн) ёки мамлакатда жами банд бўлганларнинг бешдан икки қисмини, ЯИМнинг 31 %ини таъминлайди. Шунингдек, йирик компанияларнинг 19,8 % оилавий ҳисобланади. Испанияда барча турдаги корхоналарнинг 75 % ва ЯИМнинг 65 %ини, АҚШда мос равишда 90 % ва 60 % оилавий корхоналар ҳисобига тўғри келади. Италияда 2-3 кишидан иборат оилавий хунармандчилик корхоналари жами экспортнинг 18 %ини ташкил этади. Шунингдек, ушбу мамлакатларда оилавий бизнеснинг 26 %и иқтисодиётнинг бир нечта соҳаси ва ташқи бозорларда диверсификациялашган.

Аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ўрганиш, хусусан, кредит олиш ва тўлов қобилиятсизлигини баҳолаш бўйича ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 94,6% ўз бизнесини бошлаш ҳаракатида эканлигини билдирганлар.

“Оила мулкidan бизнес учун фойдаланиш имкониятларингизни баҳоланг?”, деган саволга уларнинг 41,5 % - қисман фойдаланиш мумкинлигини, 36% - фойдаланишнинг умуман иложи йўқлигини, 22,5% - жуда яхши имконияти борлигини билдиришган.

“Бизнесингизни бошлаш учун қандай мулк қўмақ зарур?”, деган саволга респондентларнинг 39,2% - машина ва асбоб-ускунага, 34,8% - офис, ишлаб чиқариш ва ошхона учун мулжалланган бинога, 13,2% - бўш бино ва ер участкасига, 10,2% - автомашина, кафе ва ошхона учун зарур жиҳозлар ва бошқаларга эҳтиёжи борлигини таъкидлашган.

“Бошламоқчи бўлган бизнес фаолиятингизнинг молиявий манбаларини кўрсатинг?”, деган саволга уларнинг аксарияти банк кредитлари ҳисобига (56,4%), ўз маблағлари ҳисобидан (35,5%), инвесторлар ҳисобидан (6,4%) ва акциялар орқали (0,9%) молиялаштиришини маълум қилган.

Бу борадаги таҳлиллар шуни кўрсатдики, бизнесни бошлаш деярли барча оилаларнинг хоҳиш ва истагига айланган бўлсада, буни бошлаш учун ўз имкониятлари етарли эмас. Аксарият оилаларнинг мол-мулки шахсий эҳтиёжларга қаратилган бўлиб, ундан қўшимча даромад манбаи сифатида фойдаланишнинг имкони чекланган. Шу боис, уларнинг кўпчилиги бўш бино, ер майдони, зарур жиҳоз ва ускуналарга эҳтиёжи борлигини билдирган. Энг қизиги, бизнес учун мослашмаган мол-мулкка эга бўлсада 28,1% оилавий корхона очиш истагини маъқул кўришган. Бу эса, уларнинг имкониятлари ва хоҳишлари ўртасида номувофиқликни юзага келтирмоқда. Чунки, оилавий корхона оила мулки негизда шакллантирилади, унда тураржойни нотураржойга ўтказиш талаб этилмасда, бизнесга мўлжалланган бино ёки хонанинг мавжуд эмаслиги уларнинг бу борадаги имкониятларидан фойдаланиш хуқуқини чекламоқда.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлганларнинг 82 % олий маълумотга эга бўлсада, уларнинг аксарияти корхонани очиш тартиб-тамоийллари, бу борадаги имтиёзлар ва кафолатларга оид янги ахборотларга эга эмас. Умуман, бундай институционал (когнитив) хусусиятдаги камчиликлар тадбиркорлик фаолиятини бошлаш босқичида бўлганларнинг кўпчилиги учун хос. Бу эса, ёшларнинг тадбиркорликка оид билим ва тажрибаларини мустақил оширишга имкон берадиган амалий характердаги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш вазифасини кўяди. Шунингдек, ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг махсус воситаларига асосланган ҳолда уларнинг ўз бизнесларини бошлашларини рағбатлантириш ва бу борада маълумотлар очиклигини таъминлаш ҳам ўта муҳим. Буларнинг барчаси, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда ўз ифодасини топиши керак.

Фикримизча, аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш, биринчи навбатда, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган самарали институционал муҳитини яратиш зарур.


Институтлар мамлакат ёки иқтисодий тизим даражасидаги ўзгаришларни бошқариш учун зарур бўлган қоидалар, чекловлар ва имтиёзларни таъминлайди. Д.Норднинг фикрича “институтлар - бу ўйин қоидалари” уларга жамият амал қилишининг муҳим қонун-қоидалари ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари киради.

Бу борада бизнинг фикримизча, оила - алоҳида институт, демак унга икки хил ёндашув хос. Биринчи ёндашувга кўра, у институт сифатида ўзига хос қоидалар, урф-одат ва анаъналар ҳамда ижтимоий ва иқтисодий кадриятлар каби нормалар тизимига эга бўлиб, шулар таъсирида ривожланади. Булар оиланинг норасмий институтларини ташкил этади. Иккинчи ёндашувга кўра,

унинг ривожланиши расмий институтлар (сиёсий (давлат), бозор ва фуқаролик жамияти институтлари) таъсири билан боғлиқ.

Оилавий тадбиркорлик – оиланинг муҳим функцияси экан, унинг ҳам ривожланиши айнан шу нормалар таъсирида бўлиши керак. Бу эса, оила даражасидаги маълум бир одат, тартиб, удум ва кадриятларнинг расмий тан олиниб, қонун ёки муассасалар шаклида мустаҳкамланишини ҳамда расмий институтлар (тартибга солиш, қонуний ва когнитив жиҳатдан) билан узвий боғлиқликда амал қилишини назарда тутди. Бошқача айтганда, оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши унинг қулай институционал муҳитини яратиш билан боғлиқ.

**Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг институционал муҳити таркиби**





Оилавий тадбиркорликнинг институционал муҳити – улар фаолиятининг самарали амал қилишини расмий ва норасмий қоидалар асосида қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш механизмларига асосланган қулай ишбилармонлик муҳитидир. У таркибига кўра, оилавий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг маъмурий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатларини, тартибга солувчи, назорат қилувчи ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилий тузилмаларни, улар фаолиятининг субъект-институционал таркибини ҳамда қўллаб-қувватлашнинг институционал инструментларини қамраб олади.

Оилавий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ва ривожлантириш механизми, улар фаолиятига таъсир этишнинг институционал инструментларини ҳам ўз ичига олади. Бунда унинг тартибга солувчи жиҳати энг аҳамиятлиси бўлиб, у тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий усулларини, уни ривожлантириш бўйича давлат иқтисодий сиёсатини, ҳамда уларнинг барқарор ишлаши ва ривожланишини таъминлайдиган расмий институтларни белгилайди. Бунда давлатнинг тадбиркорлик соҳасидаги сиёсати ва қонунчилик тизимини доимий равишда модернизация қилиб бориши ўта муҳим.

**Оилавий тадбиркорликнинг ривожланишида ҳудудларда шаклланган ишбилармонлик муҳити ҳам кучли таъсирга эга. Шундан келиб чиқсак, оилавий тадбиркорликнинг ҳудудий институционал механизми самарадорлигини қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида баҳолаш мумкин:**

- *оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари натижадорлиги ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими;*

- *оилавий тадбиркорликнинг ҳудудлар ривожланишидаги ролини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.*

- *хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликнинг ролини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.*

Ушбу кўрсаткичлар асосида ҳудудлар ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг роли ҳамда унинг институционал муҳитини ҳам баҳолаш мумкин.

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий ва институционал инструментлари самарадорлигини ошириш орқали миллий иқтисодиётда бюрократик тўсиқлар ва коррупцияга барҳам бериш, қулай макроиқтисодий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш ҳамда давлат хусусий шериклик тизимини ривожлантириш жараёнларини тезлаштириш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган транзакцион харажатларни камайтириш ҳамда меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришнинг умумий натижадорлигига эришиш мумкин. Шунини таъкидлаш жоизки бундай жараёнлар таъсирини ўлчашнинг ягона методикаси мавжуд эмас. Бироқ, шунга қарамасдан Ўзбекистонда бу борада тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишнинг электрон тизимини йўлга қўйилиши ҳамда тадбиркорлар фаолиятини текшириш амалиётининг қисқартирилиши ва бошқа вақт, маблағ ва ахборотлар билан боғлиқ транзакцион харажатларни минималлаштириш чоралари кўрилмоқда.

**Шухрат КУВАНДИКОВ,**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори,*

**Луқмонбой АСАТОВ,**

*Пастдарғом туманлараро иқтисодий суди раиси.*

**Аҳмоқ энди қил-  
моқчи бўлган иши-  
ни гапирди.**

**Димоғдор эса қи-  
либ ўтган ишлари-  
ни гапирди.**

**Оқил эса қилади-ю,  
гапирмайди.**

**АБАЙ**

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.ifb.org.uk/ifb-research-foundation/news/coronavirus-hit-family-business-sector-continues-to-be-the-backbone-of-the-uk-economy/>
2. <https://www.ifb.org.uk/ifb-research-foundation/news/report-sheds-new-light-on-the-largest-family-businesses-in-the-uk/>
3. Sraer D., Thesmar D. Performance and Behavior of Family Firms: Evidence from the French Stock Market, Journal of the European Economic Association, 2007.; НерсиянМ. В. Проблемы и перспективы развития семейного бизнеса. Человеческий капитал и профессиональное образование № 3 (23) 2017, 39-44 б.
4. <https://www.pwc.ru/ru/assets/fbs-report.pdf>
5. Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуни 6-боби, 23-моддаси.
6. <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/36314-2o-zbekistonda-faoliyat-yuritayotgan-oilaviy-korxonalar-nechta-4>
7. <https://russian.doingbusiness.org/ru/data/explore/economies/uzbekistan#>
8. <https://docs.google.com/forms/d/1bm83mqUQ6LaMx7WlrOrTp5X96sZ5nH7-0DzGbs1nkS0/edit#responses> (муайяфлар томонидан олиб борилган анкета-суров натижалари)
9. North D. C., 1990, Institutions, institutional change and economic performance, Cambridge: Cambridge University Press.
10. Кувандиков Ш.О. Оилавий тадбиркорликнинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги функциялари. "Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш: муаммолар, таҳлиллар ва натижалар" мавзусидаги илмий-амалий онлайн конференция тўплами. 2020 йил 30 апрель, Тошкент, 383-388 б.

## МУЛК ҲУҚУҚИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

*Инсонда тугилиши билан вужудга келадиган олий ҳуқуқлар мавжуд бўлиб, ҳуқуқ назариясида улар табиий ҳуқуқлар сифатида эътироф этилади. Яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик каби бундай табиий ҳуқуқлар сафига мулк ҳуқуқини ҳам киритиш хато бўлмайди. Ҳуқуқ нормаларида гарчи мулк ҳуқуқи иқтисодий ҳуқуқлар туркумига киритилсада, лекин инсонларнинг ҳаёти ва турмуш тарзида тутган ўрни ва аҳамияти, фаол иштироки ушбу ҳуқуқнинг табиий ҳуқуқлар билан узвий боғлиқлигини кўрсатади.*

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 17-моддасида ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли (41-модда), хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин (47-модда).

Мулк ҳуқуқи тушунчаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

Мулкдорнинг мулкӣ ҳуқуқни ўз хоҳишига кўра амалга оширишида ўз манфаати ётади. Бу манфаат бевосита унинг ўзига, яқинларига ёки бошқаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, ота-она вояга етмаган фарзанди номига банкка омонат пул маблағи қўйганда ҳам, гарчи бунда учинчи шахснинг манфаати кўзлангандай бўлса ҳам, аслида мулкдорнинг ҳаракати замирида ота-она сифатидаги бурчи ётади. Мулкдорнинг хоҳишига кўра ёки манфаатига зид равишда мулкӣ битимлар тузишига мажбур қилиш бундай битимлар ҳақиқӣ саналмаслигига сабаб бўлади.

Мулк ҳуқуқининг аҳамиятли жиҳати шундаки, у ўз таркибига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш каби жиҳатларни бириктиради.

Мулк ҳуқуқи турли асосларга кўра вужудга келиши мумкин ва бу мулкни қонунда белгиланган тартибда қўлга киритиш билан боғлиқ жараёни қамраб олади.

Фуқаролик кодексининг 182-моддасига асосан, мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари куйидагилардан иборат: меҳнат фаолияти, мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти, шу жумладан мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш, давлат мол-мулкни хусусийлаштириш, мерос қилиб олиш, эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ва қонунчиликка зид бўлмаган бошқа асослар натижасида вужудга келади.

Дастлабки асослар бўйича мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи илгари ҳеч кимга тегишли бўлмаган мулкка нисбатан ёки мулк эгасининг ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган тарзда вужудга келади.

Бундай асосларга кўра мулк ҳуқуқининг вужудга келишига:

- табиат неъматларини ўзлаштириш;
- ишлаб чиқариш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш натижасида янги ашёларни вужудга келтириш;
- эгасиз мулкнинг суд қарори билан давлат ихтиёрига олиниши;

➤ эгаси бўлмаган мулкка ёки эгаси бўлса ҳам ҳўжасизлик билан сақланаётган мулкка, эгалари томонидан белгиланган муддатларда талаб қилиб олинмаган мулкларга, шу жумладан, топилган ашёлар, хазинага эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши;

- национализация;
- ҳамма йиғиб олиши мумкин бўлган ашёларни мулкка айлантириш кабилар мисол бўла олади.

Ҳосила асослар бўйича мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши деганда, муайян шахс томонидан мулк ҳуқуқининг олиниши дастлабки мулк эгасининг ҳуқуқига боғлиқ бўлган тарзда амалга оширилиши назарда тутилади.

Бундай асосларга кўра мулк ҳуқуқининг вужудга келишига:

- шартномалар асосида;
- қонун ва васият бўйича мерос олиш;
- давлат мулкни хусусийлаштириш орқали олиш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Мулк ҳуқуқи турли асосларга кўра вужудга келади. Шунингдек, мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар мулк ҳуқуқи вужудга келгандан сўнг юзага келади.

Юқоридагиларга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, ҳозирги кунда мулкчиликнинг турли шакллари ва турлари мавжуд бўлиб, мулк ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқӣ асослари ва механизмлари шаклланган. Қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда ва асосларда вужудга келган мулк ҳуқуқи белгиланган тартибда амалга оширилади ва уни амалга оширишга тўсқинлик қилинган тақдирда бевосита бартараф этиш чоралари кўрилади. Зеро, мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги ва унинг муҳофаза қилиниши Ўзбекистон Республикаси Конституциявий нормалари ва бошқа қонун ҳўжатлари орқали мустаҳкамлаб қўйилган.

**Қизлархон АГЗАМОВА,**

*Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманларо суди судьяси*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.Б.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик (умумий қисм) қайта ишланган ва тўлдирилган нашр. Тошкент Давлат юридик институти, 2005 йил. 372 бет.
2. Кўчмас мулк ва мулк ҳуқуқи. Амалий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Baktria press. Тошкент – 2017.



# ЯНГИ ТАРТИБ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

**Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимидаги камчиликларни бартараф этиб, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш бўйича ишлар муттасил олиб борилмоқда.**

Хусусан, айна пайтда суд қарорларини қайта кўриш институтининг таҳлили мазкур институтни такомиллаштириш орқали амалдаги тартибни қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатаётгани.

Шу муносабат билан 2023 йилнинг 25 декабрида “Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-888-сон қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция судида кўрилган ишлар вилоят судларида ва уларга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида, вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар мазкур судларда тафтиш тартибида, вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишлар Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида тафтиш тартибида қайта кўрилишини, алоҳида ҳолларда Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилган ишлар Олий суднинг Раёсатида тафтиш тартибида қайта кўрилишини, шунингдек апелляция ва кассация инстанциялари судлари томонидан ишларни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судларига юбориш тартиби бекор қилинишини ҳамда уларнинг зиммасига иш бўйича якуний қарор чиқариш масъулияти юклатилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қонунга биноан даъво аризасини қайтариш, даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан берилган кассация шикоятига қайтарилган, қабул қилиш рад этилган даъво аризаси ва уни судга тақдим этишда унга илова қилинган ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак. Шунингдек, Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ушбу Кодекс 282-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган

шахсларнинг мурожаати мавжуд бўлган тақдирда ёки прокурор иштирокида кўрилган ишлар юзасидан кассация протести киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тегишли иқтисодий суддан ишни талаб қилиб олишга ҳақли.

Бундан ташқари, қонун кучга киргандан кейин кассация протести келтирган прокурор ёки юқори турувчи прокурор ишни кўриш якуни бўйича суд ҳужжати чиқарилгунига қадар протестни чақириб олишга ҳақли бўлди. Кассация шикоятидан воз кечилганлиги, кассация протести чақириб олинганлиги сабабли иш юритишнинг тугатилиши, агар суд ҳужжати устидан бошқа шахслар томонидан шикоят қилинган бўлса, бошқа кассация шикоятларини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

**Шу билан бирга қонунга асосан кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ажрими, қарори устидан берилган шикоятни кўриш натижалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:**

- 1) биринчи инстанция судининг ажримини, қарорини ўзгартирмасдан, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлангичмасдан қолдиришга;
- 2) биринчи инстанция судининг ажримини, қарорини ўзгартиришга ёки бекор қилишга;
- 3) даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги, даъво аризасини қайтариш, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш, иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги ажримни бекор қилишга ва даъво аризасини, ишни кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга;
- 4) биринчи инстанция судининг ажримини бекор қилишга ва даъво аризасини (аризани), иш материалларини кўриб чиқиш учун судга тасаллуқчилигига кўра бошқа судга юборишга.

Ушбу қонун 2024 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди.

**Дилмурод ДАВЛЕТОВ,**  
Қўнғирот туман Иқтисодий суди судьяси.

# СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ, АСОСЛИЛИГИ ВА АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ

**Суд ишларини юритиш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишни таъминлаш мақсадида ярашув, дастлабки эшитув, медиация, шунингдек суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш каби янги институтлар жорий этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон Фармони ҳамда 2021 йил 12 январда қабул қилинган процессуал қонунларга асосан:

- туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш;

- апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Олий суднинг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш;

- Олий суд судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида тақроран кўриб чиқиш тартиблари жорий этилган эди.

Судларда иш ҳажмининг кескин ортганлиги ишларни қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқиш имкониятини камайтираётган ва бу фуқароларнинг ўринли эътирозлари кўпайишига сабаб бўлиб келаётган эди. Шу муносабат билан фуқаролар сарсонгарчилигининг олдини олиш, ягона суд амалиётини шакллантириш, ишларнинг сифатли ҳамда ўз вақтида кўрилиши орқали одил судловни амалга ошириш, пировардида инсон ҳуқуқларининг ҳақиқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида суд қарорларини қайта кўриш механизмини янада такомиллаштириш ва янги тартибини жорий этиш зарурияти вужудга келди.

Шунга кўра, Фуқаролик процессуал кодекси, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга, шу билан бирга Иқтисодий процессуал кодексларига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид Олий суд томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси Парламентга киритилди.

Мазкур Қонун 2023 йилнинг 27 октябрь куни Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йил 25 декабрда “Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги ЎРҚ-888-сон Қонуни имзоланди.

Ушбу қонун суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш механизмларини янада такомиллаштириш, суд қарорларини қайта кўришнинг янги тартибини жорий этиш орқали фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини кенгроқ ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган.

Қонун билан жорий этилаётган суд қарорларини қайта кўришнинг янги тартибига кўра:

туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция судида кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиш;

вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш;

вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишларни Олий суднинг судлов ҳайъатларида, ўз навбатида, судлов ҳайъатлари томонидан кўрилган ишларни Раёсатда тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш;

юқори инстанция судлари томонидан ишни янгидан кўриш учун қуйи судларга юбориш тартибини бекор қилиш ва уларга иш бўйича якуний қарор қабул қилиш масъулиятини юклаш назарда тутилмоқда.

Юқоридаги тартибларнинг жорий этилиши муносабати билан процессуал кодексларнинг умумий қоидаларига оид моддаларга, апелляция ва кассация инстанциясига оид бобларига тегишли ўзгартиришлар киритиш, шунингдек суд ҳужжатларини тафтиш тартибида қайта кўриш бўйича иш юритишга оид қоидаларни белгилловчи боб билан тўлдириш таклиф этилган эди.

Процессуал кодексларнинг апелляция ва кассация инстанциялари судларининг ваколатларига оид моддаларга киритилаётган ўзгартиришларга кўра, билдирилган талаб бўйича суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинмаганлиги, иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, ammo суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинмаган шахсларнинг йўқлигида кўрилганлиги ва унда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги масала ҳал қилинганлиги аниқланганда, апелляция ёки кассация инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича кўради.

Шу билан бирга, вилоят ва унга тенглаштирилган судларда жорий қилинаётган тафтиш инстанцияси шу судларда апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари устидан қонун талабларига мувофиқ берилган тафтиш шикоятини (протестини) тўғридан-тўғри судлов ҳайъатларида кўриб чиқиши лозим бўлади, яъни тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) ўрганиш институти мавжуд эмас.

Шунингдек, формал асослар бўйича ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги муносабати билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асослар қисқартирилди.

Масалан, ишни кўриш чоғида суд иши юритилаётган тилга доир қоидалар бузилган, суд мажлисининг баённомаси имзоланмаган ва судьялар маслаҳатининг сир сақлалиши тўғрисидаги қоида бузилган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинади.

Яъни, юқори инстанция суди эндиликда мазкур ҳолатлар ишнинг мазмунан тўғри ҳал қилинишига тўсқинлик қилганлигини, қонуний қарор қабул қилинишига сабаб бўлган-бўлмаганлигини аниқлаши лозим бўлади.

Иқтисодий процессуал кодексига киритилаётган ўзгартиришлардан яна бири суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги масала ҳал қилинмаганлиги ёки нотўғри ҳал қилинганлиги суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмаслиги белгиланди. Эндиликда бундай ҳолда, қарорнинг хулоса қисмида суд харажатлари қонунда назарда тутилган тартибда тақсимланиши лозим. Мазкур ўзгартириш ишнинг мазмунига, қонуний ҳал этилишига таъсир қилмайдиган асос бўйича суд қарорлари бекор бўлиши натижасида фуқароларнинг сарсонгарчилиги келиб чиқишини ва моддий-маънавий ресурслари сарфланишининг олдини олишга хизмат қилади.

Эндиликда юқори инстанция судлари ишни қайта кўриш чоғида суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўлиқ ҳажмда текшириши шартлиги, суд янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкинлиги белгиланди.

Суд ҳужжатларини тафтиш тартибида қайта кўриш бўйича иш юритишга оид киритилаётган янги бобда;

- тафтиш тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқи;

- тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўрадиган судлар;

- тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш тартиби;

- тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш муддати;

- тафтиш тартибидаги шикоятнинг (протестнинг) мазмуни, унга илова қилинадиган ҳужжатлар;

- Олий суд судьяси томонидан тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) ўрганиш;

- тафтиш тартибидаги шикоятни Олий суднинг судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш ёки ўтказиш;

- ишни тафтиш инстанцияси судида кўриш тартиби;

- тафтиш тартибида ишни кўриш чегаралари;

- суд ҳужжатини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари каби масалалар ўрин олган.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ёки ажрими қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилади.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бериш муддати қуйи инстанция судлари томонидан ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинганга қадар ўтган бўлса, шикоят ушбу судлар томонидан ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин, яъни яна қўшимча уч ойлик муддат берилиши назарда тутилмоқда.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилгани уни берган шахснинг илтимосномаси бўйича суд томонидан, агар илтимоснома шикоят (протест) ни бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай берилган ва тафтиш тартибида шикоят (протест)

ни бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Шунингдек, ишни тафтиш тартибида кўрган суднинг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради. Эътиборлиси, Олий суд Раёсатининг қарори якуний ҳисобланади ва унинг устидан шикоят қилинмайди (протест келтирилмайди).

Суд қарорларини қайта кўришга оид мазкур тартиблар барча процессуал кодексларда асосан бир хил тарзда белгиланмоқда, фақат суд иш юритувининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб кодексларда айрим фарқлар мавжуд.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, ўзгартиришларнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англашда муҳим ҳисобланади. Жумладан, Европа давлатларининг суд қарорлари қонунийлиги ва асослилигини текшириш турлари, асослари ва тартиби юқори инстанция судлари ваколатлари доирасида бир-биридан фарқ қилади.

Умумий ва континенталь ҳуқуқ тизимидаги давлатларда суд қарорлари устидан шикоят қилиш ва қайта кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилган ҳуқуқшунос олим У.Жумаевнинг таъкидлашича, Европа судларини учта моделга бўлиш мумкин, булар “апелляция-апелляция” (умумий ҳуқуқ ва скандинавия мамлакатларида), “апелляция – тафтиш” (Австрия, Германияда) ва “апелляция – кассация” тизими (Бельгия, Франция, Греция, Италия, Люксембург, Нидерландия, Испания, Португалияда).

Европа давлатлари қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, барча давлатларда апелляция бериш ҳуқуқи тан олинади, бироқ бу ҳуқуқ бир қатор шартлар ва таомиллар, жумладан, шикоят тақдим этиш муддати, асоси ва қарорни ўзгартириш ёки бекор қилиш асоси, даъво миқдори ва бошқалар билан чекланган.

Баъзи давлатларда даъво миқдори катта бўлмаган ишлар бўйича суд қарорлари қайта кўриб чиқилмайди. Масалан, Англияда берилган шикоят суд қарори қайта кўриб чиқишини англамайди, балки юқори инстанция томонидан қарорни қайта кўриш қанчалик мақсадга мувофиқлигини ўрганишга асос бўлади.

Озарбайжон Фуқаролик процессуал кодекси 404<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, агар фуқаролик ишлари бўйича даъво суммаси 2 000 манат (13 млн сўм) дан, тижорат ишлари бўйича эса 10 000 манат (66 млн сўм) дан кам бўлса, апелляция инстанциясининг қарори устидан Олий судга кассация шикояти берилиши мумкин эмас.

Юқоридаги қонун билан мамлакатимизда суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг янги тартиби фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва юридик шахсларнинг одил судловга эришиш даражасини оширишга, уларнинг шикоят қилишга бўлган ҳуқуқлари доираси кенгайтиши ҳамда уларнинг эътирози ва сарсонгарчилигининг олдини олишга, судларнинг масъулиятини ошириб, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўрилишига хизмат қилади.

**Зилола ПАХМАНОВА,**

*Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси,*

**Наврўз ЗАРМАСОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати котибиятининг консультанти.*



## ТИББИЁТ СОҲАСИДА ШАРТНОМАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

### АННОТАЦИЯ:

*мақолада тиббиёт соҳасида шартномавий ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси, тиббий хизматларнинг пайдо бўлиши ва тиббиёт соҳасида шартномавий ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиш генезиси турли даврлардаги жараёнларнинг ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** вағъзе, ибодатхона, “Чорбоғ”, шифоатхона, тиббий хизматларнинг пайдо бўлиши, собиқ кадетлар корпуси, табиблар, шикастбандлар, гарнизон қошида очилган лазарет, госпитал, Янги шаҳар аҳолиси учун алоҳида касалхона.

Кишилиқ жамияти ўз ривожланишининг дастлабки давридан бугунга қадар сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишга эҳтиёж сезган. Демак, тиббиёт соҳасида шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласи турли даврларда қандай кўринишда бўлмасин бир хил мазмун-моҳият касб этади. Масаланинг концепцияси сифатида тиббий хизматларнинг ривожланиш генезисини чуқур тадқиқ этиш лозим. Бу ўз навбатида тараққиётнинг барча босқичларида кўрсатилаётган тиббиёт соҳасидаги хизматларнинг турлари ҳамда шу давр тиббиёти учун техника тараққиёти билан боғлиқ ўзгаришларни ўз ичига қамраб олади.

Юртимизда тиббий хизмат соҳасининг тарихига қисқача тўхталиб ўтсак. Ўрта Осиё худудида қадимги даврдан илк ўрта асрларгача шифохоналар асосан ибодатхоналар, ўша давр тили билан айтганда “вағъзе” қошида ташкил этилганлиги бир қанча манбаларда учрайди. Кишилиқ тамаддунининг дастлабки даврларида қадимги Миср, Месопотамия, қадимги Хитой ва Ҳиндистон мамлакатларида тиббиёт билан асосан диний идора вакиллари жумладан, мумиёлаш билан тиббий билимларга эга хоҳинлар шуғулланишган.

Европа тиббий хизматлар тарихида Византия етакчи давлат мақомида эканлигини қайд этишимиз мумкин: VII-асрда Византия империясида аҳоли учун катта шифохоналар пайдо бўлди.

Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори, профессор Жасур Ризаевнинг фикрича: “Авестода ёзилишича, биринчи бўлиб Трита исмли зот табиблик билан шуғулланган ва у одамларни касаллик ва ўлимдан сақлаган. Тритага яхшилиқ илоҳи Охурамазда касалларни даволаш учун самодан 10 минг хил дори юборган. Трита шунингдек, хаома деб аталувчи маст қилувчи ва наркотик хусусиятга эга бўлган ичимликни кашф этган, хаома эса ҳаёт ва саломатлик манбаи деб аталган. Китобда Трайетон исмли табиб ҳақида ҳам маълумот келтирилган ва исломгача уни табиблик илоҳи деб атаганлар”.

Турон худудида Турк ҳоқонлиги даврида ҳам ўзига хос тиббий хизматлар тақдим этилган. Тарихий битикларда таъкидланишича ҳоқон ҳузурига келган чет эл вакиллари ёниб турган икки гулхан ўртасидан ўтказилар, шундан сўнг уларни ҳоқон қабул қилар экан. Эҳтимол, бу тадбир чет мамлакатлардан келиб қолиши мум-

кин бўлган бирор касалликни ўтказиб юбормаслик учун қилинган чора бўлса керак. Ўша вақтда яшаган туркий халқлар ёш болаларни касалликлардан сақлаш учун уларнинг пешанасига узоқ сақланиб қоладиган бўёқ билан хоч суратини солиб кўяр эканлар. Юқоридагилардан келиб чиқиб, юртимизда илк ўрта асрлар давлатлари Эфталлийлар ва Турк ҳоқонлиги давлатлари даврида ҳам тиббий хизматлар мавжуд бўлган, дейиш мумкин.

Ўрта асрлар тиббиётини уйғониш даврининг буюк вакили, “Тиб қонунлари” асарининг муаллифи Абу Али ибн Синонинг фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тарихий манбаларда ёзилишича умрининг охириги йилларида ибн Синонинг соғлиги анча ёмонлашади. У қачондир ошқозон муаммолари ҳақида асар ёзган бўлса, энди ўзи шу дарддан азият чекарди. Олим шунчалик заифлашганидан дори қабул қила олмай қолганди. У ўзига-ўзи “Мени бошқараётганининг энди бошқаришга кучи йўқ, шу сабабдан даволаниш ҳам фойдасиз”, деган экан. Ибн Синонинг сўнгги сўзлари қуйидагича эди: “Қора чангдан тортиб, самовий жисмларгача сўз-у амал сирин ўргандим. Барча ҳийла-найранглари, барча тугунларни ечдим, аммо ўлим тугунини еча олмадим”.

Ўрта асрларнинг кейинги босқичига келиб табобат масаласи билан махсус шуғулланадиган мутахассислар тоифаси шаклланди. Мовароуннаҳрда Амир Темур ва Темурийлар давлати даврида марказий шаҳарларда тиббиёт муассасалари барпо этилганлиги ҳамда кейинги даврда ҳам бу соҳа замон руҳига мос равишда ривожланиб борганлиги қайд қилинган. Бу даврнинг алоҳида хусусиятлари сифатида шуни қайд этишимиз лозимки, даволаш масканларида алоҳида хона тартибида даволаш фаолияти йўлга қўйилган. Шу давр расмий ҳужжатларини ўрганиш жараёнида мазкур муассасалар шифохона деб номланиб, замонавий тилда айтганда юридик шахс мақомида фаолият кўрсатган.

Темурийлар даврида тиббий хизматлар кўрсатиш том маънода ривожланди: Самарқандда “Доруш-шифо” (“Шифо маскани”) номли йирик касалхона бўлиб, унга ўз замонасининг таниқли табиблари – Мир Сайид Шариф Шерозий раҳбарлик қилган. Шу давр Самарқандда бошқа машҳур табиблар: Мансур ибн Муҳаммад, Мавлоно Файзуллоҳ Табризий ва Ҳисобиддин Иброҳим Кирмонийлар яшаб ўз фаолиятини олиб борган. Шифохоналарда ишловчи табибларга яхши

маош тўланган, ҳукмдорларнинг махсус фармонлари билан уларнинг маоши олимлар, мунажжимлар, тарихнавислар ва муҳандисларнинг маошларига тенглаштирилган. Темурийлар даври табобати маҳаллий ва ўзга ҳудудлардан олиб келинган тиббиёт вакиллари фаолияти натижасида юксак даражада ривожланган. Юқорида қайд қилинганидек, Ўрта Осиёда шифохоналар учун алоҳида бино-иншоотлар барпо этилган. XV-XVI асрлар орталиғида шифохоналар Алишер Навоий, Ҳожа Убайдулло Аҳрор ва бошқа шу каби ўз даврининг етук вакиллари томонидан вақф ҳисобидан бунёд этилган.

Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳукмронлик қилган даврларда ҳам тиббиёт ривожига алоҳида эътибор берилган. Бундан ташқари, бу даврда карвонсаройлар, кўриқлаш хизматлари, тиббиёт хизматлари, тилмочлар, саррофлар, киракашлар, сардобалар масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилган.

Х.Е.Рустамова, Н.К.Стожарова, Қ.Ч.Нурмаматова ва Ш.А.Абдурашидоваларнинг фикрича: “Шайбонийлар ҳукмронлик қилган даврда (XVI аср) мамлакатда тиббиёт анчагина ривожланди. Деярли ҳар бир шаҳарда касалхона, ногиронлар уйи, дорихона, тиббий мактаблар бўлар эди. Масалан, XVI аср ўртасида Тошкентнинг кўркем чеккасида “Чорбоғ” деган жойда махсус касалхона (“Шифохона”) қурилганлиги маълум. Бу ерда беморлар ва ярадорлар даволанганлар. Касалхоналарда тажрибали табиблар ишлар, талабаларга тиб илмидан ҳам дарс берар эдилар. Чуқур билимли бўлган бу табиблар тибга оид асарлар ҳам ёзганлар. Тиббиёт масканлари чорбоғ ёки шифоатхона ва бошқа қандай номланишидан қатъий назар бир хил вазифани, яъни даволаш ишларини амалга оширган.

Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон ўз асарларида, “йўлда чечак ва сариқ касалига дучор бўлган бу муаррихни табиблар қон чиқариб юбориш йўли орқали даволаганлар”, – деб қайд этади. Шу давр ҳақида тиббий хизматлар масаласини исботловчи бир қанча манбалар мавжуд. Мазкур манбаларнинг барчасида ўз даврининг касалликларини даволовчи тиббий хизматларга эътибор қаратилганлиги таъкидланган.

Умуман Шайбонийлар даврида тиббий хизматлар анчагина ривожланган. Масалан, шу даврда яшаган йирик табиблардан бизга Муҳаммад ҳусайнал-Мироқияс-Самарқандий, Шоҳ Али ибн Сулаймонал-Каххол, Султон Али Хуросоний, тошкентлик Мулло Муҳаммад Юсуф табиб, Убайдулло ибн Юсуф Али ал-Каххол, Мир Муҳаммад ҳусайнал Оқилийлар маълум. Муҳаммад ҳусайнал-Мироқияс-Самарқандий 1545-йилда доришуносликка оид бир асар ёзиб, унда ҳар хил шифобахш ўсимликларнинг хоссалари, уларни излаб топиш, дори тайёрлаш ва ишлатиш усулларини батафсил баён этган. Китобда турли доривор ўсимликларнинг рангли расмлари берилган, дорихонада ишлатиладиган асбоб-ускуналар, дори сақланадиган идишларнинг расмлари ҳам келтирилган. Номлари юқорида қайд қилинган тарихий шахслар томонидан ўз даврида аҳоли учун ўзаро тиббий хизматлар келишув асосида амалга оширилган.

“Абдуллонома” асарининг муаллифи, XVI аср етук тарихчиси Ҳофиз Таниш Бухорий асарида “мўжизалар кўрсатувчи ва Исо қобилиятига эга марҳум мавлоно мулла султон Маҳмуд Табибнинг ўғли мавлоно Абулҳаким эди. Абуллахонни даволаш жараёнида у ҳукмдорнинг ошқозонини ювиб, бир неча кунга овқатланиш жадвалини тузган ва керакли дориларни тайёрлаган эди”, – деб ёзади.

Ўрта Осиё хонликлари даврида Бухоро, Қўқон ва Хива хонликлари ҳудудида ҳам Жунайдулло Хозиқ, Жаъфархўжа Хазораспи, Маҳмуд Яйпоний, Турсунхўжа Ҳаким, Абдулло Хўжа табиб, Болдақли табиб, Ҳакимча табиб, Абдулвахоб Ибодий, Аҳмадхўжа табиб, Қодир табиб, Хожи табиб, Атоулло табиб, Манноп табиб, Нурулло табиб каби бир қатор номлари элга машҳур табиблар яшаб ўтганлар.

Туркистон чор Россияси томонидан босиб олинганидан кейин ўлкада Фарбга хос тиббий муассасалар вужудга келган. Бунга қадар маҳаллий аҳоли халқ табобати (табиблар, шикастбандлар)дан фойдаланган. Тошкентда биринчи даволаш муассасаси 1868 йилда ҳарбий гарнизон қошида очилган лазарет бўлиб, у 1869 йилда ҳарбий госпиталга айлантирилган. Кейинчалик Самарқандда (1872-йилда), Хивада (1872-йилда), Бухорода (1891-йилда) кичикроқ касалхоналар ишга туширилган. 1883-йил охирида Тошкентда аёллар ва болалар учун биринчи амбулатория-шифохона очилган. 1903-йилга келиб эса, Янги шаҳар аҳолиси учун алоҳида касалхона қурилиб фойдаланишга топширилган. 1913-йилда Эски шаҳар касалхонаси (ҳозирги 1-шаҳар клиник даволаш касалхонаси) иш бошлаган. 1916-йилда темир йўл ходимлари учун махсус тиббий даволаш муассасаси ташкил этилган. Дастлаб Европа нусхасидаги даволаш муассасаси XIX асрнинг 60-йилларида

*Агар денгиздаги  
бир томчи сув се-  
нинг ризқинг бўлса,  
билки Раззоқ шу  
томчини сен учун  
денгиздан чиқариб  
беради!*

**Айман ЁҒИЙ**



пайдо бўлган. Фақат маҳаллий аҳамиятдан марказий аҳамият касб этувчи касалхоналарга ўтиш босқичи ХХ-асрнинг биринчи ўн йиллигига тўғри келади.

Бу даврларга келиб Туркистон генерал-губернаторлиги тиббиёт тизгинини тўла ўз қўлларида ушлаган бўлсаларда, бу фақат сиёсий мақсадларни кўзлаб қилинган иш бўлиб, соҳанинг моддий эҳтиёжлари ҳамда уни кенгайтириш ва ривожлантириш истиқболлари борасида қарийб бош қотирилмаган. Бу каби молиявий омиллар натижасида бу соҳа ҳудудларда илк даврда ташкил қилинган ҳолатича қолаверди.

Тиббиёт соҳасида шартномавий ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши генезисини тадқиқ этиш жараёнида Туркистон АССРда тиббий хизмат ҳақида қуйидаги маълумотларни таъкидлашимиз лозим: 1918-йилга келиб эса собиқ кадетлар корпуси биносида даволаш муассасаси (ҳозирги 1-ТошТининг ўқув базаси), 1926-йилда Тошсовет номли физиотерапия касалхонаси, Қўкча даҳасида эпидемиология касалхонаси (ҳозирги 1-Юқумли касалликлар шифохонаси) фаолиятини бошлаган. Демак, тиббий хизматларнинг ривожланиши генезисининг тарихий хусусиятлари комплекс тадқиқ этилган, аммо ҳуқуқий нуқтаи назардан шартномавий ҳуқуқий ўрганилмаган. Шу боис айни пайтда назаримизда тиббий хизматларнинг шартномавий ҳуқуқий асосларини ўрганишга зарурият мавжуд.

Мамлакатимизда бундан ташқари халқ табоба-тида асрлар давомида шаклланган ташхис қўйиш усуллари, касалликларни аниқлаш ва мавжуд тиббий муносабатлар, анъаналар, иш муомаласи ва расм-русумлар билан ҳам тартибга солинган. Мазкур тиббий муносабатларни ёритиш, даволаш ва ташхис масаласида қуйидаги биринчи даражали манбаларни қайд этишимиз лозим. Ибн Байтор(Моликий)нинг “Жомий”, Антокийнинг “Тазкия ули-л-асбоб”, Шайх Юсуф Бағдодийнинг “Ма ла ясаъ ли-т- табиб жаҳлаҳ” (Табибнинг маюслиги унинг билмаслигидандир), Шайх Исмоил бин Ҳайбатуллоҳнинг “Иршод”, Абу Ишқ Иброҳим ибн Муҳаммаднинг “Тазкират ас-сувайдия”, Ҳаким Ҳожи Зайниддин Атторнинг “Ихтиёроти Бадиъий”, Ҳаким Мир Муҳаммад Мўмин Тунгонийнинг “Тухфат ул-мўминийн”, Ҳаким Мир Абдул Ҳамиднинг “Тухфат ул-мўминийн”, Ҳаким Мир Муҳаммад Қосимнинг “Ихтиёроти Қосимий”, Ҳаким Мир Муҳаммад Афзалнинг китоблари шулар жумласидандир.

Собиқ Ўзбекистон ССРда тиббиёт соҳасида шартномавий ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи ўрганилганда иккинчи жаҳон уруши туфайли Ўзбекистонда тиббиёт муассасаларини капитал таъмирлашга эҳтиёж сезилгани қайд этилади. Бу айнан шу даврда фронтдан катта ҳажмда ярадор аскарлар оқимининг даволаниш мақсадида нисбатан тинчроқ Ўзбекистонга юборилиши билан ифодаланади.

Тиббиёт соҳасида шартномавий ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши генезиси бевосита олий тиббий таълим билан боғлиқ эканлиги тамойилдан келиб чиқиб, 1919-йил 13-апрелда

Туркистон давлат университети таркибида тиббиёт факультетини ташкил этиш қарори қабул қилиниб, 1919-йил 17-сентябрда Туркистон давлат университетининг биринчи илмий кенгашида тиббиёт декани этиб профессор П.П.Ситновский сайланган. 1920-йилнинг 7-сентябрида Туркистонда дорилфунун таъсис этиш ҳақидаги ҳужжат имзоланган. Дорилфунун таркибига тиббий факультет ҳам киритилган эди. 1921-йилдан бошлаб тиббий факультет шифокорларни тайёрлай бошлаган. 1919-1921-йилларда факультетнинг моддий базаси яратилган.

Тиббиёт соҳасида шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёни таҳлили натижасида барча тиббиёт соҳасида шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши генезисига оид маълумотларга асосланиб, тиббий хизматларнинг шартномавий-ҳуқуқий хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим деган хулосага келиш мумкин. Бизнингча, мазкур таъриф мамлакатимизда тиббиёт соҳасида шартномавий ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнини тадқиқ этиш Ўзбекистон Республикасида айни пайтда олиб борилаётган тиббий хизматлар соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатга тўлалигича мос келади.

**Жамшид АБДУЛЛАЕВ,**

*юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Асадулла Абдулла ўғли Қодиров. Ўзбекистон тиббиёти. Ўзбекистонда тиббиётнинг келиб чиқиши, шаклланиши ва ривожланиши. Тошкент Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти 2004. Б-29.
2. А.С.Сағдуллаев, В.А.Костецкий. Тарих. “Yangiyo'l Poligraf Servis” Тошкент – 2017. Б 39.
3. Боситхон ибн Зоҳиджон Шоший. Фаовид ул-адвия ва мавоид ул-ағзия. (Дориларнинг фойдалари ва овқатлар дастурхонининг манфаатлари). Табдил ва сўзбоши муаллифи М. Ҳасаний. Тошкент: Фан, 2007. Б-9.
4. Рустамова Х.Е., Стожарова Н.К., Нурмаматова Қ.Ч., Абдурашидова Ш. А. Тиббиёт тарихи. - Тошкент.: 2014.- 114 б.
5. Хафиз Таниш Бухори. Шарифнама-йи шахи (Книга шахской славы) / Фахсимиле рукописи Д. 88. Перевод с персидского, введение, примечания и указатели М.А. Салахетдинов. Ч. Н. – М. Наука. – 1980. С. 171.
6. Фазлуллоҳ ибн Рўзбихон Исфохани. Михман-наме-йи Бухара (Записки бухарского гостя) / Перевод Р.П. Джалиловой. Под. Ред. А.К. Арендса. –М. Наука, 1976 – С. 86.
7. Хуршид Жуманазаров. ЎзРФА Тарих институти Туркистон генерал губернаторлигининг тиббий соҳадаги молиявий сиёсати [https://www.researchgate.net/publication/376784054\\_Turkiston\\_general\\_gubernatorligining\\_tibbiy\\_sohadagi\\_moliyaviy\\_siyosati](https://www.researchgate.net/publication/376784054_Turkiston_general_gubernatorligining_tibbiy_sohadagi_moliyaviy_siyosati).
8. [https://uza.uz/oz/posts/ozbekistonda-tibbiyot-rivoji-va-zamonaviy-sogliqni-saqlash-tizimi-qanday-shakllangan\\_336447](https://uza.uz/oz/posts/ozbekistonda-tibbiyot-rivoji-va-zamonaviy-sogliqni-saqlash-tizimi-qanday-shakllangan_336447).
9. <https://buxdu.uz/yangiliklar/1583/buxoro-karvon-yollarini-tiklash-vatamirlash-turizmni-yuksaltirish-omili/>
10. <https://tarix.sinaps.uz/hodisa/abu-ali-ibn-sino/>
11. <https://tma.uz/akademiyahaqida/qisqacha-tarix/>
12. <https://fayllar.org/1-birinchi-dorixonalarning-paydo-bolish-tarixis-birinchi-tibbi.htmlpage=2>.
13. Одилжон Умиджон ўғли Фарҳоджонов. Хоразмлик Беруний ва тиббиёт // Academic research in educational sciences. 2022. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/xorazmlik-beruniy-va-tibbiyot>.
4. <https://azkurs.org/fan-va-ishchi-dastur-ozbekiston-respublikasi-oliy-va-orta-maxs.html?>
15. <https://www.archive.uz/post/ozbekistonda-tibbiyot-muassasalari-tarixiga-qisqacha-nazar-arxiv-hujjatlari-asosida>.
16. <https://academy.uz/uz/news/xix-asr-oxiri-xx-asr-boshlarida-turkistonda-tibbiyot-va-xalq-tabobati-nomli-monografiya-nashr-etildi>.



# ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

*Ушбу мақолада жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органи, ташкилот, муассаса ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаатлари тушунчаси, уларнинг ҳуқуқий табиати, кўриб чиқиш муддатлари, субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, мурожаатлар институтида вужудга келаётган бўшлиқларни тўлдириши, замон талабларини қонунчиликда акс эттириши мақсадида мурожаат қилиш ҳуқуқини такомиллаштириш масалалари баён этилган.*

**Калит сўзлар:** *ариза, таклиф, шикоят, оғзаки мурожаат, ёзма мурожаат, электрон мурожаат, аноним мурожаат, индивидуал мурожаат, жамоавий мурожаат*

Давлат ҳокимияти органларига мурожаат қилиш ҳуқуқлари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг икки асосий вазифалари ҳал этилади: биринчидан, бу ҳуқуқ орқали фуқаролар ҳамда юридик шахслар давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этадилар; иккинчидан, ушбу субъектларнинг ўз қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этишни таъминлайдилар. Бундан кўринадики, жисмоний ва юридик шахслар давлат бошқаруви устидан назоратни амалга оширадilar. Мурожаат қилиш ҳуқуқи мурожаатчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан чегараланиб қолмайди, балки ушбу ҳуқуқ ахборот олиш, назорат қилиш функцияларини ҳам ташкил этади. Мурожаатлар билан ишлаш тизимларининг такомиллашиши билан биргаликда, ривожланиш жараёнида юзага келаётган янги-янги ижтимоий муносабатлар ва фуқароларнинг ушбу муносабатлар жараёнига киришиши, уларнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятининг ўсиб бориши натижасида улардан келаётган мурожаатлар сони, тури ва масалалари ҳам ўсиб бормоқда.

Мурожаат қилиш ҳуқуқининг бирламчи асоси, албатта, Конституциямиздир. Конституциянинг 40-моддасида мурожаат қилиш ҳуқуқи аниқ қилиб келтирилиб ўтилган бўлса, унинг берилиши тартиби, шакли, турлари ва муддатлари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилиб ўтилган. Мурожаат қилиш ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра у конституциявий ҳуқуқлар сирасига киради. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун мурожаат қилиш ҳуқуқига доир муносабатларнинг тартиб-қоидаларини белгилаб беради. Мурожаатлар оғзаки, ёзма ва электрон мурожаат шакллариغا эга. Шунингдек, мурожаатларнинг уч тури мавжуд, булар: ариза, таклиф ва шикоятдир.

Демократик ривожланган давлатларда фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқларини янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири саналади. Халқаро тажрибаларни, шунингдек бугунги демократик ва илмий-технологик ривожланишларни инобатга

олган ҳолда ушбу ҳуқуқ институтини такомиллаштириш учун бир қанча таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ келади.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунда “жамоавий мурожаат” тушунчаси аниқ келтирилмаган бўлиб, жамоавий мурожаатларга оид масалаларда бир мунча тушунмовчиликларни вужудга келтириши мумкин. Масалан, савол тугилиши мумкин: жамоа бўлиб мурожаат қилиш деганда неча нафар шахсларнинг иродаси акс этиши ва бу қандай муносабатларда бўлиши керак? Ушбу ҳолатни инобатга олиб қонунчиликка “жамоавий мурожаат – икки ва ундан ортиқ шахслар томонидан имзоланган, уларнинг умумий манфаатларига дахлдор бўлган мурожаат”, деган мазмундаги қўшимча киритилиши вақти келгандир.

Бугунги кунда замоннинг ривожланиши натижасида электрон маълумотлар базаси шаклланган. Хусусан, [www.pd.gov.uz](http://www.pd.gov.uz) сайти яратилган бўлиб, мазкур сайт давлат идораларига шахсларнинг яшаш манзилларини аниқлаш имкониятини яратади. Мурожаат этиш ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқ эканлигини инобатга олиб, ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилишининг талабларини минимал даражага тушириш керак, деб ҳисоблашимиз лозим. Шу мақсадда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунда мурожаатга қўйиладиган талабларда кўрсатилган жисмоний шахсларнинг яшаш манзили кўрсатилган бўлиши лозимлиги талабини бекор қилиб, уни мурожаатчиларнинг ихтиёрига ўтказиш керак. Чунки, илмий-техника жадал ривожланиши жараёнида бундай “тўсиқ” бўлиши мумкин бўлган талабларни камайтириш зарурдир. Бунинг сабаби сифатида мурожаатда шахсларнинг манзили кўрсатилмаган ёки хато кўрсатилган бўлса бу шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқини чекламаслигини инобатга олиш даркор.

Бугунги кунда амалиётда учраб турадиган муаммолардан бири мансабдор шахсларнинг ўз ишига масъулиятсизлигидир. Яъни, аксар ҳолларда мурожаатлар рўйхатдан ўтказилмасдан қабул қилиниши ёки рўйхатдан ўтказиш кечиктирилиши натижаси-

да уларга жавоблар келмаслиги ёки кечикиши ҳолатлари учраб турибти. Бундай вазиятда мурожаат қилувчилар судга ёки юқори турувчи давлат органига шикоят қилишлари учун ўзларининг мурожаат қилган вақтларини исботлай олиши лозим. Бу каби ҳолатларни бартараф этиш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида қонунчиликни мазкур норма билан тўлдиришимиз керак: “Давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган мурожаат рўйхатдан ўтказилгани ҳақида масъул шахслар мурожаат этувчига тилхат беришлари керак.” Натижада, мурожаат қилиш ҳуқуқидаги муддатларга қатъий амал қилиниши таъмин этилиши мумкин.

Шунингдек, ҳар бир давлат органи, муассасаси, ташкилот раҳбари ногиронлиги бўлган шахслар, ҳомиладор аёллар, кексаларга мурожаат қилишларида, уларнинг шахсан қабул қилинишида ва кўриб чиқилишида қулайлик яратишга ҳаракат қилишлари керак. Ушбу талабни қонунчилик даражасида белгилаб қўйиш лозим. Мазкур қулайликларнинг қандай турда эканлигини ҳудуд шарт-шароитига кўра, мансабдор шахслар аниқлашлари талаб этилади.

Яна муаммолардан бири, фуқаролар ўз мурожаатларининг натижалари ҳақида жавобларни тезроқ олиш заруратидир. Бундай ҳолларда расмий мурожаатга жавоб хатлари почта орқали жўнатилганда маълум вақт талаб этилади. Бу эса, мурожаатчининг кейинги ҳаракатига акс таъсир этиши мумкин. Ушбу ҳолатларни инobatга олиб, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунга мурожаатларнинг кўриб чиқилиши натижаси ҳақида жавоблар мурожаат қилувчининг илтимосномасига асосан оғзаки ёки телефон сўзлашуви орқали хабар қилиниши мумкинлиги ҳақидаги норма билан тўлдирилиши орқали мурожаатларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва бу ҳақида фуқароларга тезлик билан хабар берилиши имконияти яратилади.

Мамлакатимиз қонунчилигига кўра, аноним мурожаатлар кўриб чиқилмайди, аммо аксар ҳолларда шахслар давлат ва жамият манфааларига хизмат қилувчи маълумотлар акс этган мурожаатларини тўғридан-тўғри беришдан хавфсирайдилар. Бундай вазиятларда айрим аноним мурожаатларнинг кўриб чиқилиши давлат ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган бўлса, унинг кўриб чиқилиши фойдали бўлишлигини ҳам унутмаслик керак. Балки, аноним мурожаатлар давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилиши мумкин, деб ҳисобланса, кўриб чиқилиши мумкин деган нормани жорий этиш вақти келгандир. Таъкидлаш жоизки, мазкур кўшимча “шарт” деган маънони англатмаслиги, балки давлат идораларининг иродасига кўра кўриб чиқилиши мумкинлигини англатиши керак.

Таъкидлаш керак-ки, президентимиз Шавкат Мирзиёев фармони билан илгари сурилган 2022

— 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида кўрсатилган, маҳаллардан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизимини яратиш вазифаси, дарҳақиқат, бугунги кунда юқори аҳамиятли ҳисобланиб келмоқда. Мурожаатларни тизимлаштириш ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш учун бепул юридик ёрдам кўрсатувчи маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари таркибида ҳудудий “Мурожаатлар билан ишлаш бўлимлари” ташкил этиладиган бўлса, халқимизнинг ўзини қийнаётган бир масала юзасидан ортиқча сарсонгарчиликларининг олди олинар эди.

Халқ билан мулоқот бугунги кунда давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан биридир. Шу сабабдан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунда давлат органи, ташкилот, муассасанинг раҳбари ҳар йил якунида фуқароларнинг мурожаатларини таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ва жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудлар (туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла) кесимида ўз тузилмаларининг фаолияти бўйича дастурлар ишлаб чиқиши керак эканлиги белгиланиб қўйилиши керак.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, мурожаатлар билан ишлаш тизимларининг такомиллаштириши билан биргаликда, ривожланиш жараёнида юзага келаётган янгидан-янги ижтимоий муносабатлар ва фуқароларнинг ушбу муносабатлар жараёнига киришиши, уларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятининг ўсиб бориши натижасида улардан келаётган мурожаатлар сони, тури ва масалалари доираси кенгайиб бормоқда. Ушбу жараёнлар табиийки, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқига оид қонунчиликнинг янада такомиллаштирилишини тақозо этади.

**Шахбозбек ШОЯДБЕКОВ,**

*Судьялар олий мактаби иш юритувчи котиби.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 07.05.2018 йилдаги. 341-сон қарорига Илова “Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида” ги Намунавий низом.
2. “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 11.09.2017, ЎРҚ-445-сон.
3. Нилов Д.Г. Обращения граждан: понятие и виды // Проблемы укрепления законности и правопорядка: наука, практика, тенденции. 2010. № 3. С. 12.
4. Черкесов К.А. Конституционное право на обращение в органы публичной власти в государствах - членах СНГ и странах Балтии: сравнительно-правовое исследование: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.02. М., 2010. С. 9.
5. Широбоков С.А. Конституционное право человека и гражданина на обращение: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.02. Екатеринбург, 1999. С. 14; Он же. Конституционное право человека и гражданина на обращение: учеб. пособие. Пермь, 2002. С. 6.
6. Юсупов С.Б. “Давлат органларининг юридик ва жисмоний шахс мурожаатлари билан ишлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”, юрид. фан. фал. док. диссер. Тошкент – 2018;

## ХИЗМАТ ТЕКШИРУВИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Шуни таъкидлаш керак-ки, давлат бошқаруви тизими - бу жамиятни бошқариш институтлари, функциялари, муносабатлари, қарор қабул қилиш усуллари ва принциплари мажмуидан иборатдир. Давлат бошқаруви тизим сифатида бошқарувнинг ўзаро боғлиқ элементлари, бошқарув аппарати ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсир ва ижтимоий муносабатлар мажмуи сифатида қаралади.*

Ўз навбатида, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида давлат фуқаролик хизмати – давлат хизматининг бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат фуқаролик хизмати лавозимларидаги давлат органлари ваколатлари амалга оширилишини таъминлашга доир ҳақ тўланадиган касбий фаолиятини ифодалайди.

Демак, давлат хизматчиси – давлат фуқаролик хизмати лавозимида ўз фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси давлат фуқаролик хизматига лавозимга тайинланган пайтдан бошлаб давлат хизматчиси ҳуқуқий мақомига эга бўлади ва давлат хизматчиси фаолияти тугатилиши муносабати билан уни йўқотади.

Давлат фуқаролик хизматидаги мансабларнинг сиёсий гуруҳига мансуб давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ қўшимча ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва чекловлар алоҳида қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Лекин шуни айтиш керак-ки, амалда давлат хизматчиларининг ўз хизмат вазифаларини бузиш ҳолатлари учраб туради. Шундай қилиб, давлат хизматчисининг лавозим йўриқномасига ва давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган чеклашларга риоя қилмаслиги унга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Хизмат текшируви (хизмат тергов) маъмурий жараённинг интизомий жавобгарликка тортиш каби элементининг босқичи бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида муайян вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлайдиган интизомий ҳокимият субъектлари томонидан процессуал муддатларни ҳисобга олган ҳолда, натижаси эса маълум бир процессуал шаклда ифодаланган бошқарув қарорларини қабул қилишдир. Давлат органида хизмат текшируви давлат органининг кадрлар бўлими, юридик хизмат ва бошқа бўлинмалари, шунингдек касаба уюшмаси (мавжуд бўлса) вакилларида иборат хизмат текшируви комиссияси томонидан амалга оширилади.

Хизмат текшируви ўтказувчи комиссия таркибига давлат органи раҳбари ва хизмат текшируви натижаларидан манфаатдор шахслар киритилиши мумкин эмас. Хизмат текшируви (текшириш) ўтказиш муддати ўн беш иш кунидан ошмаслиги лозим. Хизмат текширувини ўтказиш комиссиясининг асослангиринган вазлари асосида давлат органи раҳбари уни ўтказиш муддатини ўн беш иш кунигача узайтиришга ҳақли.

Шуни таъкидлаш керак-ки, ҳар қандай хизмат текшируви интизомий жавобгарликка тортишнинг ўзига хос босқичларига эга бўлиб, улар жазо тайинлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунга қуйидагилар қиради:

*интизомий ҳуқуқбузарлик содир этилишига сабаб бўлган ҳолатлар ва шартлар;*

*давлат хизматчисини интизомий ҳуқуқбузарликда айблашнинг асосли ёки асоссизлиги;*

*интизомий ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори;*

*давлат хизматчисининг тушунтиришлари ва ёзма сўровида кўрсатилган далиллар ва бошқалар.*

Маъмурий ҳуқуқ фанида интизомий иш юритишнинг мазмуни ва босқичлари сони масаласида олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас. Бироқ, кўпчилик олимлар интизомий иш юритишнинг тузилишини таҳлил қилар экан, интизомий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг ҳолатлари аниқланган босқични ажратиш кўрсатиш зарурлигини таъкидлайдилар, бу эса мансаб интизомини бузадиган субъектлардан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларидан биридир.

Хорижий олимларнинг хизмат текшируви босқичлари бўйича фикр-мулоҳазаларига эътибор қаратадиган бўлсак, Н.А. Овчинников хизмат текширувини интизомий мажбурият чораси, деб ҳисоблайди. С.Э. Чаннов давлат органининг тегишли мансабдор шахслари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи сифатида қараса, А.В. Сухининга кўра, “уни амалга оширишга ваколатли мансабдор шахслар томонидан содир бўлган ҳолатларни тўлиқ, ҳар томонлама, ҳолисона ўрганишга, айбдорларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритишга ёки текширишнинг йўқлиги сабабли текширишни тугатиш, ҳуқуқбузарлик белгилари, шунингдек, уларга ёрдам берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этган ҳолда профилактика чораларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир.

Шу билан бирга, барча олимлар бир овоздан мазкур институт интизомий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг барча ҳолатларига ойдинлик киритиш ва қарор қабул қилиш ҳамда кейинги интизомий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилганини бир овоздан таъкидлайди.

Хизмат текшируви натижалари бўйича давлат хизматчисига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш ёки қўлламастик тўғрисида хизмат терговини ўтказиш комиссиясининг далолатномаси тузилади ва ҳулоса тайёрланади. Хизмат текшируви ўтказиш комиссиясининг ҳулосаси давлат органи раҳбари томонидан рад этилиши ёки давлат хизматчисига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш учун асос бўлиши мумкин.

Олимларнинг фикрига қўшиламмиз, чунки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 7-моддасига мувофиқ давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширадилар.

Ҳулоса сифатида айтадиган бўлсак, хизмат текшируви институти мустақил интизомий иш юритиш институтини ифодалайди. Хизмат текшируви меҳнат интизомининг бир қисми (тури) бўлиб, интизомий муносабатларни тартибга солиш учун меҳнат қонунчилигини қўллашга имкон беради. Хизмат интизомини давлат интизомининг бир тури сифатида тавсифлаш эса давлат-интизом муносабатларини алоҳида тартибга солиш масаласини кўтаришга имкон беради ва бу ҳам давлат-хизмат муносабатларининг бир тури ҳисобланади.

**Нодир ЮСУПОВ,**

*Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.*



# ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ТУРЛИ КЎРИНИШЛАРИНИ ТАВСИФЛАШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

## АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг турли кўринишларини тавсифлаш юзасидан илмий ёндашувлар таҳлил этилиб, бу бўйича миллий ва хорижий олимларнинг фикрлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** давлат фуқаролик хизмати, манфаатлар тўқнашувини, лоббизм, фаворитизм, непотизм, кронизм, коррупция, давлат хизматчилари.

Манфаатлар тўқнашувининг турли кўринишларини таҳлил қилишдан олдин унинг коррупция билан ўзаро нисбатини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бу эса манфаатлар тўқнашувини кўринишларини коррупциядан фарқлаш ва коррупциявий жиноятларни квалификация қилиш ва характерлашда инобатга олиш имконини беради. Фикримизча, таниш-билиш ёки қариндошларга хизмат вазифаси юзасидан ёрдам бериш бу коррупциявий жиноятларни ҳар доим ҳам келтириб чиқармайди. Лекин, албатта, манфаатлар тўқнашувини юзага келтиради.

Манфаатлар тўқнашувини ҳақиқатдан ҳам коррупция ҳолатидан олдин юз беради, лекин давлат хизматчиси манфаатлар тўқнашувидан қочса ва шахсий манфаатдорликка йўл қўймаса коррупцияга оид вазият рўй бермайди.

Шу билан бир қаторда, ҳуқуқшунос олимлар Р.Зуфаров ва Б.Ахраровлар коррупциянинг бугунги кунда кенг тарқалган маиший (таниш-билиш, қариндошлик, ўзаро ён босиш, ёрдам бериш), иш юзасидан (давлат ҳокимияти ва бизнес вакиллари ўртасидаги), шунингдек юқори ҳокимият органлари томонидан содир этиладиган коррупция (олий мансабдор шахслар томонидан шахсий манфаат йўлида содир этилади) турларини ҳам қайд этиб ўтадилар.

Юқоридаги фикрлар мазмунида коррупция ва манфаатлар тўқнашувини ўзаро аралашиб кетганлигини кузатиш мумкин. Шунга кўра айтадиган бўлсак, манфаатлар тўқнашувини коррупциявий муносабатларнинг бир кўриниши сифатида намён бўлаётганлигини кўриш мумкин.

Фикримизча, айрим элементлари манфаатлар тўқнашувининг кенг тушунча эканлигини кўрсатса-да, манфаатлар тўқнашувини коррупция ҳолатларига олиб келадиган унинг бир кўриниши сифатида баҳолашимиз мақсадга мувофиқ. Бу жараёни фарқлашдаги асосий хусусият эса, оқибат ва шахсий манфаатдорлик масаласи бўлиши керак.

Энди эса манфаатлар тўқнашувини билан боғлиқ турли кўринишларнинг бевосита таҳлилига ўтадиган бўлсак, ҳуқуқшунос олим Б.Исмаилов манфаатлар тўқнашувини кўринишида намён бўладиган қуйидаги вазиятларни қайд этиб ўтади:

*мансабдор шахслар, давлат хизмати ходимлари, депутатларнинг тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита иштирок этиши;*

*давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида тижорат тузилмаларига ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиши;*

*ўз корпоратив (сиёсий, диний, миллий ва ш.к.) гуруҳига давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар бериш;*

*шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида оммавий ахборот воситаларига тазйиқ ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;*

*мансабдор шахслар ва давлат хизмати ходимлари шахсий бойиш мақсадида тижорат тузилмаларида сохта шахслардан ва қариндошларидан фойдаланиши;*

*муайян гуруҳ манфаатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳақидаги қарорларни илгари суриш;*

*айрим номзодларнинг сайлов фондларига давлат молиявий ва моддий ресурсларини тақдим этиши. Бизнесча, юқорида санаб ўтилган турли вазиятлар учун ҳаракатланувчи восита бу манфаатдорликдир. Шу нуқтаи назардан юқоридаги вазиятларни манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарадиган омиллар сирасига қўйиш мумкин.*

Яна бир ҳуқуқшунос олим Н.Саид-Ғазиева манфаатлар тўқнашувини шакллари ранг-баранг эканлигини таъкидлаб қуйидаги оммавий кўринишларини санаб ўтади:

*шартномалар, битимлар тузишга имконият яратиб берганлик учун ҳақ талаб қилиш;*

*давлат буюртмаларини жойлаштирганлик учун воситачилик ҳақи сўраш;*

*давлат хизматчилари учун хизматлар кўрсатиш;*

*чет элга дам олишга, сафарга юбориш;*

*масалаларни тез ҳал қилиб бериш ёки ҳужжатларни тайёрлаб берганлик учун ҳақ сўраш;*

*қариндош-уруғ, дўстларни ишга жойлаштириш;*

*раҳбарнинг ўз ходими томонидан ундирилган порададан улуш олиши.*

Ушбу фикрларга тўлалигича қўшилган ҳолда, манфаатлар тўқнашувини кўринишларини аниқ чегаралаб бўлмаслигини айтиб ўтишимиз лозим. Чунки давлат фуқаролик хизматининг соҳалари жуда кўп ва ҳар бир соҳа юзасидан хизматчиларнинг вазифа ва ваколатлари турлича. Асосий хусусият манфаатдорлик билан боғлиқ экан ҳар бир вазифа ва ваколатни ноқонуний бажариш ортида манфаатлар тўқнашувини туриши мумкин. Лекин шундай бўлса-да, манфаатлар тўқнашувини кўринишлари билан бевосита боғлиқ бўлган непотизм, фаворитизм, лоббизм, трайбализм, кронизм ва патронаж кўринишлари оммалашганлигини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, протекционизм, гуруҳбозлик каби кўринишлар мазмуни ҳам бевосита манфаатлар тўқнашувининг асоси бўлган ноқонуний шахсий манфаатдорлик ташкил этади.

Гарчи юқоридаги тушунчаларнинг барчаси миллий қонунчилигимизда ҳуқуқий категория сифатида учрамаса-да,

унга олиб борадиган муносабатлар тартибга солинган, улар билан боғлиқ қоидалар назарда тутилган. Шу жиҳатдан, уларни илмий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Непотизм ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар тақдим этиш, ташкилот манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашдир.

Ушбу тушунчалар мазмунидан аниқ англаш мумкинки, непотизмни манфаатлар тўқнашувини юзага келтирадиган аниқ кўриниш сифатида таърифлаш мумкин.

Манфаатлар тўқнашуви кўриниши билан бевосита боғлиқ яна бир муҳим масалалардан бири бу фаворитизмдир. Фаворитизм бир шахс ёки шахслар гуруҳининг юксакликка кўтарилишидан иборат бўлган ижтимоий ҳодиса саналади. Буни содда тарзда тушунтирадиган бўлсак, давлат фуқаролик хизматида раҳбарнинг айрим ходимларни қўллаши, имкониятлар яратиши, уларни афзал кўришида ифодаланадиган вазиятдир. Фикримизча, бир қарашда унинг моҳиятида бевосита манфаатдорлик кўринмаса-да, лекин бунинг натижасида бошқалар манфаати тўқнашади. Бошқа давлат хизматчиларининг ҳуқуқлари бузилади. Раҳбар қўллаши остидаги давлат фуқаролик хизматчилари самарали ишламаслиги натижасида давлат манфаатларига путур етади. Уларнинг эса жавобгарлигига кўз юмилади.

Эътиборга олишимиз лозимки, фаворитизм атамаси қонунчиликка ҳам норма сифатида киритилган. Хусусан, жамоада гуруҳбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш давлат фуқаролик хизматчиларининг асосий вазифаси сифатида белгиланган. Мазкур нормадан ҳам манфаатлар тўқнашувининг келтириб чиқариши мумкин бўлган фаворитизм атамасининг айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш маъносида ишлатилишини тушуниш мумкин.

Манфаатлар тўқнашуви кўринишлари ва у билан боғлиқ манфаатдорлик ҳолатларида лоббизм масаласи ҳам марказий ўринни эгаллайди. Айрим манбаларда лобби, лоббизм атамаси билан ишлатиладиган бу тушунча маълум бир гуруҳ ёки шахслар манфаатларини кўзлаб, баъзан мансабдор шахсларни сотиб олиш йўли билан қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолиятни англатади. Мазмунан ва ташкилий жиҳатдан фаолиятига қарайдиган бўлсак, лоббистлар ҳокимият вакиллари қиёфасида ўз ҳимоясидагиларга катта фойда берадиган давлат буюртмалари, кредитлар, ёрдамлар, имтиёзлар, лицензиялар олишда, иқтисодий ва тижорат фаолиятида, янги корхоналар очиш ва уни рўйхатдан ўтказишда, рақобатчиларни синдиришда қулай шароитлар яратишда кўмаклашади.

Соҳа бўйича тадқиқот олиб борган мутахассис Г.Муродуллаева лоббичилик давлат ҳокимияти органлари вакиллари томонидан амалга ошириладиган давлат ҳокимияти қарорларида намоён бўлишини таъкидлайди. Д.Султонов эса лоббичиликни фуқаролар, уларнинг гуруҳлари, жамоат бирлашмалари, ташкилотлари, корхоналари ёки лоббичилик фаолиятига ихтисослашган жисмоний шахслар, бошқа ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг давлат ҳокимияти

ва бошқаруви органлари билан кўп қиррали ўзаро ҳамкорлиги деб ҳисоблайди.

Шунингдек, илмий адабиётларда лоббизмнинг – корпоратив-тижорат сиёсий, нодавлат секторни қўллаш, ижтимоий-маданий соҳаларидаги турли кўринишлари ҳам қайд этилиб, аниқ мақсади шу соҳаларда ўз манфаатларини кўзлаш ва ифода этишга бўлган талаб сифатида эътироф этилган. Фикримизча, айрим жиҳатлари билан лоббизм, непотизм, фаворитизм, кронизм ҳолатлари манфаатлар тўқнашуви билан параллел ифода этиладиган, у билан ёнма-ён турадиган коррупция кўринишлари бўлса-да, барчасининг моҳияти шахсий манфаатдорликка қаратилганлиги ва бунинг натижасида оммавий ва хусусий шахслар манфаати тўқнашиши нуқтаи назаридан уларни манфаатлар тўқнашуви кўриниши сифатида ҳам баҳолашимиз мумкин.

Бизнингча, манфаатлар тўқнашувининг турли кўринишларини давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятидаги шахсий манфаатдорлик нуқтаи назаридан манфаатдорлик предмети моддий қимматликлар, номоддий (маънавий) қимматликлар ва манфаатдорлик предмети хизматлар билан боғлиқ бўлган кўринишларда ифодаланган турларга бўлиш мумкин.

Бундан ташқари, манфаатлар тўқнашуви кўринишларини субъектлар доираси бўйича таснифлайдиган бўлсак, қариндошлар, ишбилармонлик муҳитида бўлган шахслар, аввал маълум бир ижтимоий муносабат орқали “куюк” муносабатда бўлган шахслар, хизмат фаолиятидаги бўйсунув нуқтаи назаридан манфаатлар тўқнашуви, давлат фуқаролик хизматчисининг ўз касблари, фаолияти ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви ва ҳудуд, уруғ, шахсий муносабатлар натижасидаги манфаатлар тўқнашуви кабиларга бўлиш мумкин.

Тан олиб айтиш керак-ки, бу ҳолатларда шахсий манфаатдорликни аниқлаш ўта мураккаб жараён саналади, чунки ҳолат одатда икки томоннинг келишуви ва яширин тарзда содир этилади. Шунинг учун, бизнингча, давлат ҳуқуқий тартибга солиш асосида давлат фуқаролик хизматида хизматлар жараёнини соддалаштиришга, очиқлик ва шаффофлик, даромадларнинг муносиб бўлишини таъминлашга, инсон омилини камайтириш ҳамда тақиқ, чеклов, рағбат ва жазо механизмларини қўллаб боришга доимо аҳамият бериши лозим.

**Фируз МАХМУДОВ,**

*Тошкент давлат юридик университети доценти,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зуфаров Р.А., Ахраров Б.Ж., Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. Монография // Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: ТДЙИ нашриёти, 2011. – Б. 45.
2. Имомов Н.Ф., Коррупцияга қарши кураш тизимида фуқаролик-ҳуқуқий воситаларининг тугган ўрни. –ТДЮУ. Юридик фанлар ахборотномаси. 2019. 3-сон. 40-б.
3. Ильяков А.Д., Урегулирование конфликта интересов как основной способ предупреждения коррупции в системе государственного управления. Дисс. кан. юр. наук. – Москва, – 2015. – С. 43.
4. Мелийев Х. Коррупция – хавфсизликка таҳдид // Ҳаёт ва қонун, 2004. – 6. – Б. 51.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 25.01.2021.

# ИЖТИМОЙ МУЛК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ

*Ҳар йили 1-январь куни бутун дунёда ижтимоий мулк куни байрам сифатида нишонланади. Ушбу байрамни нишонлаш Канадалик ижтимоий фаол Уоллес Маклин томонидан таклиф қилинган бўлиб, 2004 йилда унинг гоёсини Лоренс Лессиг қўллаб-қувватлади ва оммалаштирди. Ушбу байрам учун 1-январь куни тасодифан танланмаган. Гап шундаки, муаллифларнинг ҳуқуқлари Берн конвенцияси асосида ҳимоя қилиниши, конвенцияга кўра асарларни ҳимоя қилиш муддатларини ҳисоблаш ҳар доим йилнинг 1-январидан бошланиши сабаблидир.*

Шунга кўра, ҳар йили айнан шу кунда дунё бўйлаб кўплаб асарлар ижтимоий мулкка айланмоқда. Қайси асарлар ушбу мақомга ўтганлигини тушуниш учун турли ташкилот ва фаоллар ижтимоий мулкка айланган асарлар рўйхатини тузадилар. Ижтимоий мулк — бу биз ҳар куни бу объектларнинг муаллифлик ҳуқуқлари борлиги ҳақида қайғурмай ишлатадиган ва завқланадиган нарсалардир. Биз Шекспир ва Бетховен симфониялари ижтимоий мулк эканлигини ва ҳар ким томонидан нусха олиниши, мослаштирилиши ва ижро этилиши мумкинлигини табиий ҳол, деб ўйлаймиз. Аслида бизнинг кинотеатрларимиз ижтимоий мулкка айланган асарларга асосланган ва мусиқий фильмлар билан тўлдирилган. Бу объектлар интеллектуал мулк ҳимоясига эга бўлган асарлар тоифасига кирганида, биз улар учун албатта қонунда назарда тутилган тартибда тўлов асосида фойдаланган бўлар эдик.

Ижтимоий мулк қадим замонлардан бери мавжуд, фикримизнинг исботи сифатида ҳар қандай инсон бошқа бир одамга таклид қилиш орқали бирор билимни ўзлаштиришини мисол келтиришимиз мумкин. Дастлабки одамлар қурол-аслаҳалар, меҳнат қуролларини яратганлиги, олов ёқишни бир-бирларига ўргатганликлари ёки гор деворларига расмлар чизганлиги сабабли бошқа одамлар қилган ишларини нусхалаш орқали такрорлаб ўша билим ва кўникмаларни ўзлаштира бошлаганлар. Оғзаки равишда кўшиқлар, ҳикоялар ва афсоналар авлоддан-авлодга ўтиб келган, чунки ёш авлод ота-оналари, ўқитувчилари ва устозларининг тажрибаси ҳамда донолигини ўзлаштиришган. Оммавий такрорлаш эса фақат босмаҳона ихтиро этилганидан сўнггина йўлга қўйилди.

Қадимда янги технологиялар бидъат ва фитнани тарқатиш учун ишлатилишидан кўрқиб черков амалдорлари ва монархлар материалларни рухсатсиз нусхалашга чекловлар қўйишди. Асарлар оғзаки равишда ижтимоий мулк бўлиб қолди, аммо нашр этилган асарлар давлат цензураси ва назорати остида эди. Юқоридаги асосларга кўра, бизнинг кундалик ҳаётимиздаги барчага аҳамияти катта бўлган номлар сўнгги ўн йилликларда жиддий илмий тадқиқотлар объектига айланди. Шундай қилиб, 2011 йилда “Open Knowledge Foundation” но-тижорат ташкилоти - The Public Domain Review веб-сайтини ишга туширди. Унга кўра ҳар йили 1-январда озод қилинган асарлар рўйхати эълон қилинади, аммо асосан инглиз тилида сўзлашадиган муаллифларнинг асарлари жойлаштирилади. Россия ёки Ўрта Осиё давлатлари халқлари тилларидаги асарлар учун бундай изчил иш, яъни ижтимоий мулкка айланган асарлар рўйхати узоқ вақт давомида амалга оширилмади. Биринчи марта асарларнинг ижтимоий мулкка ўтиши бўйича тизимли тадқиқотлар Россия муаллифларининг асарлари “Wikimedia ru” томонидан ўтказилди.

Ижтимоий мулк тушунчаси илк мартаба Англияда “монополиялар тўғрисидаги” низомда ва киролича Анна томонидан

ишлаб чиқилган низомда тан олинган бўлиб, улар патент ва муаллифлик ҳуқуқи учун дастлабки вақт чегараларини белгилаб қўйган, ушбу кўрсатилган муддат ўтгандан сўнггина, ихтиро ёки асар ҳар ким томонидан эркин нусха қилиниши мумкинлиги таъкидланган. Бу каби тушунчалар АҚШ Конституциясида ҳам мустаҳкамланган ва Америка патент ва муаллифлик ҳуқуқи қонунларида акс эттирилган эди. 1896 йилгача судлар патент ёки муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун билан ҳимояланмаган материалларни “ижтимоий мулк” ёки “умумий бойлик”, дея аташган.

Миллий қонунчилигимизга кўра дастлабки ижтимоий мулк тўғрисидаги атамалар муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги ривожлана бориши билан юзага кела бошлаган. Мустақилликка қадар Республикамиз ҳудудида собиқ СССРнинг муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунлари мавжуд эди. 1991 йил 31 май куни СССР Олий Кенгашининг “СССР ва республикалар Иттифоқининг фуқаролик қонунчилиги асосларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори муаллифлик ҳуқуқи бўлими билан қабул қилинган. Ушбу бўлимда муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати 50 йил бўлиши белгиланган.

1993 йил сентябрда Москвада Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг 10 та давлати (Арманистон, Белорусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Украина) раҳбарлари томонидан “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битим имзоланди. 1996-йил 30-августда Ўзбекистонда “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” ги қонуннинг 272-1-сонли биринчи наشري қабул қилинди. 2007-йилдаги амалдаги қонун адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн Конвенцияси талабларига тўлиқ мос келганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1066-моддасида асарларга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаши билан уларнинг ижтимоий мулкка айланиши қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

Ушбу атаманинг ўзи Ўзбекистон қонунчилигида фақат муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асарларга нисбатан эмас, балки ижролар, фонограммалар, маълумотлар базалари, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, интеграл микросхемалар топологиялари каби бошқа интеллектуал мулк натижаларига нисбатан ҳам қўлланилиши назарда тутилган. Умуман олганда, ижтимоий мулк бўлган асарлардан ҳар қандай шахс ҳақ тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда муаллифнинг шахсий-номулкий ҳуқуқларига риоя этилиши лозим.

Шунга қарамай ҳар бир давлатнинг ҳам ижро этувчи, ҳам қонун чиқарувчи ҳокимиятлари шуни алоҳида назарда тутиши керакки, тегишли асарларнинг ижтимоий мулкга айланиши таълим нуқтаи назаридан жуда муҳим жараёнлардан бири-



дир. Давлат маданий сиёсати нуқтаи назаридан ҳам худди шундай муҳим ҳисобланади. БМТ ҳисоботида Европанинг энг йирик интеллектуал ҳуқуқ мутахассиси Северин Дюсоле таъкидлаганидек "...маданият ва илм-фан соҳасидаги ижтимоий мулк инсоният умумий меросининг асосий элементиدير ва шунинг учун у ҳамма учун очиқ бўлиши керак. Бу давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун асосий рағбат бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, мулкни ҳаддан ташқари хусусийлаштириш ва тажовузлардан ҳимоя қилиш керак ва у интеллектуал мулкнинг эксклюзивлигига, мувозанатини сақлашга хизмат қилиши керак".

Йиллар давомида муаллифлик ҳуқуқида қабул қилинган тарихий жараёнлар тубдан ўзгарди. Муаллифлик ҳуқуқи тизимини ислоҳ қилиш зарурати ҳозирги пайтда энг долзарб муаммога айланмоқда. Муаллифлик ҳуқуқи тизимини ислоҳ қилиш зарурати халқаро миқёсда бутун дунё бўйлаб мутахассислар (ҳуқуқшунослар, маданият арбоблари, иқтисодчи вакиллар) томонидан кўпроқ ўрганилмоқда. Ривожланган саноат даври ва муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ҳозирги кунга келиб бир-бирига мос келмай қолди. Муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойиллари ҳамда маданий бойликларни тарқатиш, фойдаланиш турлари рақамли технологиялар ва интернет таъсири остида ўзгариб бормоқда.

Сўнги асрда бир қатор янги алоқа воситалари пайдо бўлиши оқибатида асарларни яратиш ва тарқатиш тезлиги ошиб уларни бажариш қулайлиги орта борди. Ҳозирги босқичда муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигини ислоҳ қилиш давлатимизнинг асосий вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу билан бирга, қонунчилигимизда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги бир қатор муаммолар ҳал этилмай қолмоқда, уларга қуйидагилар киради:

- адабиёт, фан ва санъат асарларини ахборот ва телекоммуникация тармоқларида тарқатиш қоидалари тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги;
- асарларни ҳимоя қилишнинг ягона мезонлари йўқлиги (муаллифлик ҳуқуқи объекти муаммоси);
- мутлақ ҳуқуқларни тасарруф этишдаги муаммолар;
- муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг шахсий муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда виждонлилиги;
- муаллифлик ҳуқуқини қонуний ҳимоя қилиш муддатининг узоклиги.

Булардан муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг шахсий муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда виждонлилигига мисол келтирадиган бўлсак, жаҳон тажрибасида суд амалиёти доирасида муаллифлик ҳуқуқини бузувчиларга нисбатан катта харажатлар билан даъво қўйиш одатий ҳолга айланган. Тан олишимиз керакки, даъвогарлар баъзи ҳолларда ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилишади ва муаллифлик ҳуқуқлари бузилганлиги сабабли ўзлари учун максимал фойда олишга ҳаракат қилишади. Суиистеъмолликнинг энг кенг тарқалган тури интеллектуал фаолият натижаларидан ноқонуний фойдаланишнинг бир нечта ҳолатлари ниқоби остида бир хил ҳуқуқбузарлик учун товон тўлаш тўғрисида даъволар беришдан иборат бўлиб қолган.

Европа иттифоқи давлатлари юқоридаги назарияни илгари суриб, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган объектлардан нотижорат мақсадларда эркин фойдаланишни кен-

гайтириш, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асарларни ҳимоя қилиш муддатини 20 йилгача қисқартириш ва улардан фойдаланишнинг тижорат ва нотижорат усулларини фарқлаш ишларини қонунчилик тизимида жадал олиб боришмоқда.

Ахборот жамиятидаги бойлик – ахборот ва маданий меросга эга бўлган шахслар доираси асосида ривожланади. Жаҳонни титратган адабий асар ва санъат намуналарини халқдан яшириб қандай фойда топамиз? Бирор бир давлатнинг ривожланиши билимлар жамиятининг ривожланиши, ушбу билимдан тўғридан-тўғри фойдаланишга йўл очиш, уларга кириш каналларини кенгайтиришни англатади. Аммо интеллектуал фаолият натижаларини етарли даражада ҳимоя қилиш мақсадида, давлат ихтирочилари ва инноваторлар охириги ўн йил давомида патент урушлари деб аталадиган майдонда жадал курашиб келмоқдалар. Энг ёмон тарафи, интернет-стартлапларни молиялаштирадиган ва янги иш ўринлари яратадиган кичик ва ўрта бизнес вакиллари бу майдонда энг заиф халққа айланиб қолганларидир. Кичик ва ўрта бизнес вакиллари халқаро бозорга кириб, иқтидорли ишлаб чиқувчилар — "патент троллари" деб аталадиган ҳеч нарса ишлаб чиқармайдиган, фақат патент даъволарини топшириш орқали пул топадиган компанияларга дуч келишлари билан фаолиятлари якунига етмоқда. Бундай катта компаниялар, яъни Apple ва уларнинг рақобатчилари – Samsung, Motorola, Nokia ва бошқалар ўртасида давом этаётган суд жараёнида миллиардлаб доллар алмашинуви молиявий иқлимнинг яхшиланишига ҳисса қўшмайди, аксинча иқтисодни таназулуга олиб келади.

Юқорида айтилганларнинг барчасини умумлаштириш учун шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда бутун дунё тажрибаси муаллифлик ҳуқуқи ва турдosh ҳуқуқлар қонунчилиги ҳуқуқий нормаларнинг жамоат муносабатларига мувофиқлиги ва ахборот узатишнинг замонавий даражасини таъминлашга қаратилган ислохотларга жуда муҳтож. Бу ҳолат муаллифлик ҳуқуқи муносабатлари субъектлари барча тоифаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мажбурий ҳисобга олган ҳолда юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш орқали қонунчилик базасини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

**Ирода АЛИМАРДАНОВА,**

*Судьялар олий мактаби докторанти.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Dyussolye S. "Mualliflik huquqi bo'yicha tadqiqot va turdosh huquqlar va jamoat mulki". CDIP/7/INF/2, <http://goo.gl/MH331J>, <http://goo.gl/iVaUCF>.
2. "Jamoat mulkining kelib chiqishi va ma'nolari"-Taylor T. Ochoa, Santa Klara universiteti yuridik maktabi o'qituvchisi.
3. "Интеллектуал без собственности: зачем нужно защищать авторские права", автор Борис Барабанов, 07 марта 2017, URL: <https://www.forbes.ru/biznes/340197-intellekt-bez-sobstvennosti-zachem-nuzhno-zashchishchat-avtorskie-prava>.
4. М. Уильям Красиловский, "Ижтимоий мулк бўйича кузатувлар", 14 бет.
5. Общественное достояние и "коллективный разум". Доклад подготовлен экспертами Ассоциации интернет издателей при участии Wikimedia Russia и кафедры новых медиа факультета журналистики МГУ и поддержке Координационного центра национального домена сети интернет и Технического центра интернета, Москва 2011, 23-бет.
6. Смирнов Данила Михайлович. "О современных проблемах авторского права". Текст научной статьи по специальности "Право".
7. The Public Domain Review. URL: <https://publicdomainreview.org/Wikipediyaning> "2018 in public domain" maqolasi // Wikipediya. URL: [https://en.wikipedia.org/wiki/2018\\_in\\_public\\_domain](https://en.wikipedia.org/wiki/2018_in_public_domain)
8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.

# МАЪМУРИЙ ТАРТИБДА УШЛАБ ТУРИШ ВА УНИНГ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада маъмурий чеклаш чораларидан бири сифатида маъмурий тартибда ушлаб туришнинг асослари ва тартиби, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритувчи ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан маъмурий тартибда ушлаб туришда эътибор қаратиладиган ҳолатлар ва мазкур чорани қўллашни такомиллаштириш бўйича қонунчиликка таклифлар билдириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** маъмурий чеклаш, маъмурий тартибда ушлаб туриш, маъмурий жавобгарлик, ҳуқуқбузарлик, чет эл фуқароси, консуллик (дипломатик) муассасаси.

МЖТКга биноан бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўланиб бўлингандан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга йўл қўйилади.

Маълумки, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чораларини қўллаш аҳамиятини билиб олишимиз зарур. Жумладан, маъмурий йўл билан ушлаб туриш ва маъмурий қамоқ ўртасида фарқ бор.

Маъмурий қамоққа олиш – маъмурий жазо тури бўлиб, у шахсни жамиятдан вақтинча ажратиб қўйиш шароитларида сақлашдан иборат ва уч суткадан ўн беш суткагача бўлган муддатга, фавқулодда ҳолат режими шароитларида эса жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун ўттиз суткагача бўлган муддатга қўлланилади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш – бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган мансабдор шахслари томонидан, маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида қўлланиладиган қисқа муддатга озодликдан маҳрум этишдир.

Ҳуқуқбузарга нисбатан бошқа таъсир чоралари тугаб бўлгач маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва тўхтатиш мақсадида маъмурий йўл билан ушлаб туриш қўлланилади.

## Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда маъмурий йўл билан ушлаб туришга йўл қўйилмайди:

*маъмурий ҳуқуқбузарликнинг аҳамиятсиз эканлиги ва уни бошқа воситалар билан тўхтатиш имконияти (ҳуқуқбузарликни тўхтатиш тўғрисидаги буйруқнинг бажариллиши, овозаки танбеҳ, у ёки бу ҳаракат ёхуд ҳаракатсизликка йўл қўймаслик ва ҳоказо) бўлганда;*

*ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ҳуқуқбузар шахсини, воқеа тафсилотини аниқлаш имкониятининг бўлиши, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга шароит мавжуд бўлганда;*

*маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида жарима маъмурий жазосини қўллашга асоснинг мавжудлигида.*

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: “...шахсни ушлаб туриш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш каби жараёнларни, агар у ҳимоячидан воз кечса, бу ҳолатни ҳам мажбурий тарзда видеотасвирга тушириш тартибини ўрнатиш” зарурлиги таъкидланган.

Билдирилган таклифлар юзасидан амалда қонун ва қонуности ҳужжатларига тегишли ўзгартириш киритилди.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида” 2020 йил 14 майдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддасига ўзгартириш киритилган бўлиб, унга кўра қуйидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги белгиланди: 1) ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш; 2) тинтув; 3) кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш; 4) тергов эксперименти; 5) шахсни ушлаб туриш; 6) ҳимоячидан воз кечиш; 7) шахсни ушлаб тураётган жойда ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш.

Шу нуқтаи назардан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари, яъни бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўланиб бўлингандан кейин шахсларни маъмурий тартибда ушлашни амалга ошириш ҳаракатларини видеоёзув орқали қайд этиш бўйича МЖТКга тегишли қўшимчалар киритилишини таклиф этамиз.

МЖТКнинг 286-моддаси 3-қисмида ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилиши, вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилиниши белгиланган.

Мазкур норманинг миллий ва халқаро қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан олиб борилган ўрганишлар давомида, ундаги айрим муносабатлар МЖТКда белгиланган бўлмаганлиги маълум бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон

Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади (15-модда).

Шунингдек, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”-ги Қонуннинг 44-моддасига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширган чет эл юридик шахсларига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга (агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса) татбиқ этилади.

**Қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчиликни халқаро қонунчилик талабларига мувофиқлаштириш мақсадида, МЖТКнинг 286-моддаси қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ:**

*“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолатларда, чет эл фуқароси маъмурий йўл билан ушлаб турилган ҳолатларда, мазкур шахснинг талабига мувофиқ унинг қайси давлат фуқаролигига қараб у маъмурий йўл билан ушлаб турилганлиги ҳусусида тегишли консуллик ёки дипломатик муассасалари зудлик билан хабардор қилинади”.*

Маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг талаблари МЖТКнинг 286-288-моддаларида кўрсатиб ўтилган бўлсада, лекин мазкур кодекс ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ушлаб туриш тартиби, ушланганларни сақлаш қоидалари, ушлаб туриш жойларига қўйиладиган талаблар, ушлаб турилган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқа масалалар белгилаб берилмаган.

**Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексларида маъмурий ушлаб туриш жойи ва тартиби белгилаб берилган. Жумладан:**

*ушлаб турилганлар ваколатли органларнинг махсус ажратилган хоналарида ёки ижро ҳокимияти томонидан белгиланган тартибда ташкил этилган махсус муассасаларда сақланадилар;*

*белгиланган бинолар санитария талабларига жавоб бериши ва улардан рухсатсиз чиқиб кетиш имконияти чекланган бўлиши керак;*

*ушлаб туриш шартлари, парҳез меъёрлари ва бундай шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш тартиби Ҳукумат томонидан белгиланади;*

*маъмурий ушлаб турилган вояга етмаган болалар катта ёшдагилардан, эркаклар эса аёллардан алоҳида сақланади.*

**Юқоридаги таҳлилларга мувофиқ МЖТКни “Маъмурий йўл билан ушлаб туриш жойи ва тартиби” деб номланувчи қуйидаги мазмундаги 287<sup>1</sup>-модда билан тўлдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:**

*“287<sup>1</sup>-модда. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш жойи ва тартиби. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар маъмурий йўл билан ушлаб турилади.*

*Маъмурий йўл билан ушлаб турилган шахслар санитария талабларига жавоб берадиган ва ваколатли шахсларнинг рухсатсиз чиқиб кетиш имкониятини истисно қиладиган махсус ажратилган биноларда сақланадилар.*

*Маъмурий йўл билан ушлаб турилган шахсларни ушлаб туриш шартлари, овқатланиш меъёрлари ва бундай шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.*

*Маъмурий йўл билан ушлаб турилган вояга етмаган шахслар катталардан, аёллар эса эркаклардан алоҳида сақланади”.*

Шу нуқтаи назардан, МЖТКга 287<sup>1</sup>-моддасининг кiritилиши орқали маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг тартиби ва қоидалари белгиланиши билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун ушланганларни сақлаш, уларни овқатлантириш ва тиббий таъминотини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом” ишлаб чиқишлини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мазкур таклифларнинг қонунчилик ҳужжатларида акс эттирилиши орқали маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритувчи ваколатли органлар (мансабдор шахслар)нинг ушбу соҳадаги фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг такомиллаштирилиши ва ҳуқуқий асосларнинг янада самарали шакллантирилишига хизмат қилади.

**Абдуғани ХОЛБЎТАЕВ,**

*Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси, ю.ф.д (PhD).*

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях” от 30 декабря 2001 года № 195-ФЗ // Электрон манба: <http://законбасе.ру/коап/> (мурожаат вақти: 16.08.2023).
2. “Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях” от 5 июля 2014 года // Электрон манба: [https://kodeks\\_by.com/pikoar\\_rb.htm/](https://kodeks_by.com/pikoar_rb.htm/) (мурожаат вақти: 16.08.2023).
3. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи – 2019 йил // Электрон манба: [www.president.uz](http://www.president.uz) (мурожаат вақти: 12.08.2023).
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – 2023 йил 1 май “Халқ сўзи” газетаси, 2023 йил 2 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон, 2-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенциясига қўшилиш ҳақида” 1994 йил 6 майдаги 1079- XII-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 155-модда.
8. “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги ЎРҚ-617-сон Қонуни – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 йил 25 май, 19-20-сон, 199-модда.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси – 2020 йил 25 январь, Электрон манба: [www.president.uz](http://www.president.uz) (мурожаат вақти: 15.08.2023).



# ТАЪЛИМ СОҲАСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

*мақолада умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида қонунлар ижросини таъминлашда прокурорнинг таъсири, ҳуқуқий асосларнинг ўзига хос томонлари ўрганилади. Тизим имкониятларини ошириш бўйича тавсиялар таклиф қилади.*

**Калит сўзлар:** прокурор назорати, прокуратура органлари, вояга етмаганлар, махсус ҳуқуқий мақоми принципи, превентив чоралар, халқаро стандарт, норматив-ҳуқуқий қоидалар.

Мамлакатимизда умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунийликни таъминлаш, ўқувчилар, талабалар ва ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янгилаб бориш устувор мақсадлардан бири ҳисобланиб, вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда фаровон келажаги кўп жиҳатдан ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш даражаси, шу жумладан мазкур соҳада ваколатли ҳар қандай идоранинг, хусусан прокуратура органларининг фаолияти самарадорлигига бевосита боғлиқ.

Тадқиқот натижаларидан олинган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини икки йўналишга ажратган ҳолда таҳлил қилиш мумкин.

Биринчи йўналиш; умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўрсатиб ўтилади ва бугунги кунда соҳада қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан сифатли назорат прокуратура органлари томонидан ўрнатилганлиги ва натижадорлиги таҳлилий усулда баён этилади.

Иккинчи йўналиш; умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар, хусусан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқ ва кўрсатмалари назарда тутилади.

Умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни бевосита ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур қонуннинг 3-моддасига асосан прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Шунингдек, ушбу қонунда прокуратура органларининг асосий вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари, қонунчилик ижроси устидан назорат, унинг предмети, қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокурорнинг ваколатлари белгилаб берилган.

Қайд этиш лозимки, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим соҳаси кенг қамровли бўлиб, вояга етмаганлар, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари фаолиятини тартибга солишга оид қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар прокуратура органларига қўшимча вазифа юклайди.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, боланинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, боланинг камситилишига йўл қўймаслик, боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби бир қатор муҳим вазифалар давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

Бизнингча, мазкур Қонун умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, соҳага доир қонунчиликни янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида давлат идоралари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беришда аҳамиятли ҳисобланади.

Фикримизча, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ёшидаги вояга етмаганларга нисбатан татбиқ этилган кафолатлар, уларнинг махсус ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб белгиланган. Шу боис, бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ёшидаги вояга етмаганларнинг махсус ҳуқуқий мақоми тамойили асосида амалга оширилиши лозим.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун ҳужжатлари устидан алоҳида ҳуқуқий мақом тамойили асосида назоратни амалга оширишга қаратилган бир қанча халқаро ҳужжатлар (БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси) да болалар алоҳида муайян ҳуқуқларга эга шахслар сифатида тан олинади.

Бундан ташқари, “Болаларни сотиш, фоҳишабозлик ва болалар порнографияси бўйича Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) 182-сонли конвенцияси, Европа Кенгашининг “Бо-

лаларни жинсий эксплуатация ва жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги конвенцияси, “Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги бўйича Африка Хартияси”, “Осиё минтақасида болаларни ҳимоя қилиш бўйича декларация” каби халқаро ҳужжатлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида вояга етмаганларнинг ўзига хос заиф томонлари ва мослаштирилган ҳимоя ҳамда қўллаб-қувватлаш зарурияти тан оладиган махсус ҳуқуқий мақом тамойиллари алоҳида халқаро стандарт сифатида таъкидланади.

Мазкур ҳолатларнинг халқаро стандарт сифатида тан олиниши умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ёшидаги вояга етмаганларнинг бошқаларга нисбатан қўшимча қафолатларга муҳтож эканлиги билан бевосита боғлиқдир.

Норвегия, Швеция ва Дания каби Скандинавия мамлакатлари болаларнинг фаровон турмуш тарзи ва ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратишлари билан машҳур бўлиб, мазкур мамлакатларда прокурорлар кўпинча умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ёшидаги вояга етмаганларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаш учун кенг ваколатларга эга.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган норматив ҳужжатларда юқоридаги каби принциплар ўз аксини топиши лозим. Бу эса, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигини, уларга нисбатан давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилишини, шунингдек мамлакатимизнинг вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда халқаро майдондаги мавқеини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Машҳур ҳуқуқ профессори Мари Саррингтоннинг таъбири билан айтганда, “Прокурорлар жамиятнинг энг заиф қатламлари номидан адолатни ҳимоя қилишлари ва уларнинг овози ҳуқуқий тизимда эшитилишини таъминлашлари керак”.

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни прокуратура органларига умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати фаолиятини амалга оширишда бевосита ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Республикада вояга етмаганлар назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олиш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаклик ҳамда умумий ва ўрта махсус таълимдан бош тортиб, сурункали дарс қолдирувчи ўқувчиларни аниқлаш, уларни таълимга қайтариш мақсадида тегишли мутаассадди ташкилотлар билан ҳамкорликда “Ўсмир”, “Давомат”, “Ўқувчи”, “Ғамхўрлик”, “Ойна” каби профилактикоғоҳлантирув тадбирлари мунтазам ўтказиб борилади. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, улар томонидан содир этилган жиноятларнинг 20%да жиноят содир этиш вақти вояга етмаганларнинг ўқишда бўлиш пайтига

тўғри келса, 80% ҳолларда эса бу кўрсаткич уларнинг дарс машғулотларидан бўш вақтига тўғри келади.

Бош прокуратура томонидан ишлаб чиқилган таҳлилий маълумот натижалари шуни кўрсатадики, прокуратура органлари томонидан 2023 йил январь-август ойларида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини бевосита ижрочилар ва кенг жамоатчиликка, айниқса ёшларга етказиш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида 6 мингдан зиёд тарғибот тадбирлари, шунингдек 2 мингдан ортиқ оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилинган.

Прокуратура органлари томонидан амалга оширилган бу каби тадбирлар вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар вужудга келишининг олдини олади, деб бемалол айтиш мумкин. Шу ўринда, С.Хўжақуловнинг “Ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди, асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир”, деган фикрлари ўринлидир. Яъни, превентив чораларнинг асосини тарғибот тадбирлари ташкил этишини Голланд файласуфи Десидериус Эрасмус ҳам таъкидлаб ўтган эди.

Шунингдек, прокуратура ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар қаторида кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, прокуратура органлари ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади.

Шунингдек, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари каби қонуности ҳужжатлар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Б.Сайфуллаевнинг таъбири билан айтганда,

*Шошқалоқлик,  
жаҳл ва нафсдан  
ўзини кўриқлай ол-  
ган бандага Улуғ  
мукофот бор.*

**Умар ибн  
АБДУЛАЗИЗ**



“Мамлакатимизда болалар ва ёшлар фаолиятига доир жами 40 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида болалар ва ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашишнинг ҳуқуқий механизми яратилган”.

Жамият эҳтиёжлари ривожланиб бориши билан мамлакатимиз қонунчилик тизими ҳам такомиллашиб бормоқда. Хусусан, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги институтлари жорий қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқларининг қафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6275-сонли Фармонида асосан Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили институти таъсис этилди ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари тегишлича Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари этиб қайта ташкил этилди. Хусусан, Болалар масалалари бўйича миллий ҳамда ҳудудий комиссиялар таркибига Бош прокурор ўринбосари ва тегишли ҳудуд прокурорлари киритилди.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасига прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналиши сифатида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини киритиш лозим. Шу билан бир қаторда, вояга етмаганлар соҳасидаги қонунчилик устидан прокурор назоратининг энг асосий ажралмас қисми сифатида умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини алоҳида қисм сифатида киритиш мақсадга мувофиқ. Сабаби, бугунги кунда ёш авлодга берилётган эътибор ва таълим сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни сифат жиҳатдан такомиллаштиришни хоҳласак, назорат тадбирларини амалга оширишни ҳам бир хилда ташкил этишимиз лозим.

Мазкур ўзгартиришнинг киритилиши умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигининг янада ошишига, мазкур соҳада қонун устуворлигини мустаҳкамлашга ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг муҳим ва энг асосий вазифаларидан бири эканлигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сонли буйруғида қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш, бунга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назоратнинг шакл ва услуб-

ларини такомиллаштириш прокуратура органларининг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий асослар жамият ҳаётининг турли жабҳаларини, жумладан, таълим соҳасини бошқариш асосларини ўрнатувчи асосий устунлар бўлиб хизмат қилади. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятида мазкур ҳуқуқий асослар прокурорлар томонидан қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан:

биринчидан, ҳуқуқий асослар таълим муассасалари устидан прокурор назоратини тўғри ташкил этишда пойдевор бўлиб хизмат қилади. Улар таълим муассасалари амал қилиши керак бўлган қонунлар ва қондаларни белгилайди. Прокурорлар ушбу ҳуқуқий асосларни аниқ тушунган ҳолда таълим муассасаларининг ўз фаолиятида белгиланган йўриқномаларга амал қилишини таъминлаши мумкин. Бу мазкур институтлар фаолиятида адолат, шаффофлик ва жавобгарликни таъминлайди.

Иккинчидан, таълим муассасалари турли қонунчилик талабларига, жумладан, талабалар хавфсизлиги, ўқув дастурлари стандартлари ва молиявий жавобгарликка риоя қилишлари керак. Қонуний асослар прокурорларга қонун ҳужжатларига мувофиқликни текшириш учун пухта текширишлар ва баҳолашлар ўтказиш имконини беради.

Учинчидан, прокурорлар назоратни ҳуқуқий асослар орқали амалга ошириб, таълим соҳасида қонун устуворлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу таълим муассасаларининг қонунийлик доирасида фаолият юритишини ва номақбул таъсир ёки коррупциянинг олдини олишини таъминлайди.

Тўртинчидан, ҳуқуқий асослар таълим муассасалари фаолиятини доимий такомиллаштириш учун замин яратади. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни мунтазам кўриб чиқиш ва янгилаш орқали қонунчилик базаси таълим соҳасининг ўзгарувчан эҳтиёжларига мослашиши мумкин.

**Мунира БОБОУМАРОВА,**

*Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дўсмухамедова Н. Ўзбекистон миллий қонунчилигида боланинг ҳуқуқий мақоми // Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими: муаммолар ва ечимлар мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR нашриёти, 2008. - Б. 278.
2. Комилов А. Прокурор назорати амалиётида протест келтириш билан боғлиқ айрим масалалар // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси, 2021, №2 (46) - Б. 54.
3. Очилов А. Келажак бугундан бошланади // “Бола ҳуқуқларини таъминловчи бошқарув органларининг ҳуқуқий моҳияти ва уни такомиллаштириш истиқболлари” мавзусидаги республика халқаро илмий-амалий йил конференция материаллари тўплами. - Т.: “RELY PRINT” нашриёти, 2012. - Б. 74.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/23/829/0208-сон. (мурожаат вақти: 12.05.2023 й.).
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 03/23/829/0208-сон. (мурожаат вақти: 12.05.2023 й.).
6. <https://www.savethechildren.org.uk/content/dam/gb/reports/humanitarian/uncrc19-summary2.pdf>
7. <https://www.ohchr.org/sites/default/files/crc-sale.pdf>
8. <https://www.ilo.org/dyn/>
9. <https://rm.coe.int/1680084822>
10. <https://bit.ly/3QgJrRp>



## МУШОҲАДА

**ҲУҚУҚ, ТАРИХ, ТАРАҚҚИЁТ**

**Ўзбекистон дунё тамаддунида энг қадимги маданият марказларидан бири бўлибгина қолмай, унинг сиёсий-ҳуқуқий институтлари бешикларидан ҳам саналади. Бу ерда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиш қонуниятлари ва тарихи Юнонистон ва Хитой каби қадимий давлатларники билан бир қаторда туради.**

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўрта асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм каби кучли давлатлар ва уларнинг ўзига хос ҳуқуқ тизимлари мавжуд бўлган, ушбу давлатларда судлар (қозилик) фаолиятига катта эътибор қаратилган.

Хусусан, қозиул-қуззот лавозими жорий этилган бўлиб, у судьяларнинг энг юқори лавозими ҳисобланган ҳамда барча ҳудудий даражадаги қозиларнинг фаолиятини бошқарган.

Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида халқ таниши ва ҳурмат кўрсатиши мақсадида судьялар учун махсус либослар жорий этилган, судларда ишларни кўриб чиқиши учун зарур бўлган барча материалларни тўплаб берувчи “Сахиб-ул масаил” лавозими ҳам жорий этилган.

Ҳуқуқ ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида Қорахонийлар сулоласи даври ўзининг алоҳида ўрни ҳамда аҳамиятига эга. Улар ҳукмронлигида ўтган 999-1212 йилларда ҳеч бир шахс қонуний асос ва далилларсиз жазоланмаслиги қаттиқ назорат қилинган, судлардан барча ҳукмлар фикҳ (ислом қонун ва қоидалари)га тўлиқ асосланган бўлиши талаб этилган.

Ҳукмдор Маҳмуд Тамғачхон даврида ҳуқуқ юксак даражада ривожлангани кўплаб манбаларда ўз аксини топган. У суднинг ҳукмисиз жиноятчилар жазоланиши ва мулкнинг олиб қўйилишига қарши бўлган. Юртда қонун устуворлигига эришиш учун ислохотлар амалга оширилган, хусусан, ушбу даврда ҳоқон томонидан тайинланган беклар жамоат тартибини сақлаш, суд ҳукмларининг ижросини таъминлаш билан бирга, урф-одатларининг бажарилишини ҳам назорат қилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Самарқанддаги деворларга ҳуқуқбузарлар томонидан “Биз пиёзга ўхшаймиз, қанча кесишса ҳам барибир қайта ўсиб чиқаверамиз”, деб ёзилган сўзларга нисбатан қуйидагича матн ёздирган “Мен деҳқон каби қаерда пайдо бўлманг, сизларни илдизингиз билан юлиб ташлайман”. Бундан кўриниб турибдики, қонун устуворлигини таъминлаш учун қаттиқ курашилган.

Қорахонийлар даврида ҳуқуқий илмга ҳам катта эътибор қаратилган ва бунинг натижасида катта фикҳшунослар жамоаси шаклланди. Улар 20 дан ортиқ фатво (қоидалар) жамланмасини ишлаб чиққан ва 350 дан ортиқ фикҳга оид асарлар ёзишган.

Ҳуқуқшунослар нафақат давлат ишларини юритишда иштирок этган, балки дипломатик фаолиятда элчи, ўта муҳим ишларни ҳал этишда маслаҳатчи сифатида қадрланган.

Тарихий маълумотларга кўра Амир Темур ва темурийлар суд-ҳуқуқ тизимига энг катта эътибор қаратган. Муғуллар даврида барча соҳалар қатори ҳуқуқ ҳам анча издан чиқди ва қадрланмади, сабаби фикҳ илмини эгаллаган шахслар тақиб остида ўз юртларини ташлаб чиқиб кетишган эди.

Темурийлар даврида барча ҳуқуқий илм эгалари Самарқанд, Бухоро ва бошқа катта шаҳарларга қайтарилди, янгидан бунёд этилган мадрасаларда ҳуқуқий билим олиш учун барча шарт-шароитлар яратилди, улар рағбатлантирилди.

Насаф, Фарғона ва Хоразм ҳуқуқшунослар тайёрлайдиган илм марказларига айланган, натижада юздан ортиқ ҳуқуқий қоидаларни ўз ичига олган қимматбаҳо асарлар яратилган.

Қорахонийлардан бошлаб то Темурийлар сулоласи даврига қадар суд фаолияти таниқли фикҳшунос олимларга топширилган. Ҳаттоки, Бурхониддин Марғинонийнинг авлодлари шайх-ул ислом (бош судья) вазифасини ворислик тамойили асосида қабул қилишган, улар турли сиёсий қарама-қаршиликларни ҳал этиш билан бирга тахт ворисларига оталиқ вазифасини ҳам бажаришган.

Бурхониддин Марғиноний ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қўлланадиган ҳуқуқий манба яратган бўлиб, унда ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда қозининг мажбуриятларига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, “Ҳидоя” асарига “Қозининг мақоми” деб номланган махсус бўлим бўлиб, унда шариат судлари — қозиларнинг бурч ва мажбуриятлари, уларга берилган ваколатлар, қўйилган талаблар, ҳукм чиқариш қоидалари каби масалалар ўз ифодасини топган. Қозилар ҳукмдор томонидан тайинланадиган шахслар бўлиб, уларга шариат илмини яхши билиш, озод шахс бўлиш, мустақил қарорлар қабул қила билиш, адолат тарафдори бўлиш, ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиш ҳамда ақли расо шахс бўлиш каби талаблар қўйилган.

Темурийлар ва ундан кейинги хонликлар даврида ҳам ягона суд тизими йўлга қўйилган, суд шариат қоидаларидан чиқмаган ҳолда амалга оширилган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак ҳар қандай давлатнинг барқарор ривожланиши ҳамда осойишталиги таъминланиши учун жамиятда адолат ўрнатилиши лозим. Адолатга эса ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш ва албатта илмни ривожлантириш орқали эришиш мумкин. Аждодларимизнинг ҳуқуқий билим ва одил судловга эришиш мақсадида қилган меҳнатларидан ўрнатилган ҳолда бу бой меросни асрашимиз, уни янада кенг кўламда ўрганиш ҳамда фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судларга яратилган шароитлардан тўғри ва самарали фойдаланиш шарт, шунингдек халқнинг судларга бўлган ишончини ортиришга эришиш керак.

**Абдураим ҚИЛИЧЕВ,**

*Термиз туманлараро иқтисодий судининг  
девозхона мудир.*

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Муқимов “Ўзбекистон давлати ва тарихи”. Т: Тошкент “Адолат” 2003 й.
2. Л.Асророва “Абу Хафс Кабир и Ханафитский фикх”. Тошкент, 2021 й.

## БИЗНЕСДА ТУЙГУ ЭМАС, РАҚАМ БЎЛАДИ

**2019 йилнинг 18 октябрида икки дўст: Собир ва Бахтиёр тадбиркорлик қилиш мақсадида масъулияти чекланган жамият ташкил қилишади. Дастлаб, жамият устав жамғармаси 4.000.000 сўм эди. Шундан Собир 2.000.000 сўм, Бахтиёр 2.000.000 сўм қўшади. Орадан бир йил ўтиб улар тадбиркорликларини кенгайтириш мақсадида бошқа бир дўсти – Олимжонни таклиф қилишади. Шундан сўнг МЧЖнинг таъсис шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, жамиятга таъсисчи сифатида Олимжон устав фондиди 262.641.000 сўмга оширади. Мазкур ўзгартиришларга кўра, жамият устав жамғармаси 262.641.000 сўмни ташкил этиб, улушлар қуйидагича тақсимланади: Собир - 2.000.000 сўм (0,75 фоиз), Бахтиёр - 2.000.000 сўм (0,75 фоиз) ва Олимжон – 258.641.000 сўм (98,5 фоиз).**

Устав фонди ошгач иш янада ривожланиб кетди. Унинг таъсисчилари ҳам анча бойиди, уйларининг камчиликларини тузатишди, кўша-кўша машиналар олишди. Лекин бу маблағ Бахтиёрга камлик қилди. У жамиятнинг бошқа ҳиссдорларидан кўпроқ улушга эга бўлаётган Олимжонга ҳасади кела бошлади. Баъзан ўз-ўзига жамиятга кам пул қўшган бўлсамда, лекин меҳнатим ундан қолишмайди-ку шунинг учун у пулда менинг ҳам ҳиссам бор, дея ўзининг 0,75 фоизлик улушини 65,50 фоизга ошириш мақсадида судга мурожаат қилди.

У дастлабки судда ютқазди. Натижада дўстлари олдида юзи қолмади, олдинги келиб турган даромад ҳам энди йўқ. Айни пайтда унинг олдида дўстларидан узр сўраш турарди. Лекин бунга унинг ғурури тўсқинлик қилди ва у бошқа йўлни танлади, суд қарори устидан юқори судга шикоят аризасини киритди.

Кейинги суд жараёнида судлов ҳайъати, тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, апелляция шикоятда баён этилган вазиятни ҳамда даъвогар томонидан судга тақдим этилган далилларни иш ҳужжатлари билан биргаликда муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди:

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддасига кўра, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамият барча иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар қўшиш ҳисобига жамият устав фондиди (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги қарориди қўшимча ҳиссаларнинг муайян умумий қиймати, жамият ҳар бир иштирокчисининг қўшимча ҳиссаси қийматининг миқдори, иштирокчилар томонидан қўшимча ҳиссаларни тўлиқ қўшиш муддати белгиланиши керак. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият иштирокчисининг қўшимча ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси (жамият иштирокчиларининг аризалари) ва (ёки), агар бу жамиятнинг таъсис ҳужжатларида тақиқланган бўлмаса, учинчи шахснинг (учинчи шахсларнинг) уни (уларни) жамиятга қабул қилиш ва ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси (аризалари) асосида жамиятнинг устав фондиди (устав капитални) кўпайтириш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилиши мумкин.

Жамият иштирокчисининг аризасида ва учинчи шахснинг аризасида ҳиссани қўшиш тартиби, миқдори, усуллари ва муддати, шунингдек жамият иштирокчиси ёки учинчи шахс жамиятнинг устав фондиди (устав капиталда) эга бўлишни хоҳлаган улуш миқдори кўрсатилган бўлиши керак. Аризада ҳиссаларни қўшиш ва жамиятга аъзо бўлиб киришининг бошқа шартлари ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондиди (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги қарор билан бир вақтда унинг таъсис ҳужжатларига жамият барча ёки айрим иштирокчиларининг (айрим иштирокчисининг) қўшимча ҳиссаларини қўшиш ҳисобига ва (ёки) жамиятга учинчи шахснинг (учинчи шахсларнинг) қабул қилиниши, жамият иштирокчилари улушларининг номинал қиймати тегишлича кўпайтирилиши ва (ёки) учинчи шахс (учинчи шахслар) улушининг номинал қиймати ва миқдори аниқланиши муносабати билан ўзгартишлар, зарур ҳолларда, шунингдек жамият иштирокчилари улушининг миқдорлари ўзгариши билан боғлиқ ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши керак.

Бунда жамият иштирокчиси улушининг номинал қиймати унинг қўшимча ҳиссаси қийматидан кўпроқ суммага кўпайтирилиши мумкин эмас, жамиятга қабул қилинадиган ҳар бир учинчи шахс томонидан олинадиган улушнинг номинал қиймати унинг ҳиссаси қийматидан ортик бўлиши мумкин эмас.

Қўшимча ҳиссаларни қўшишнинг муддати тугаган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссаларини ва (ёки) учинчи шахсларнинг ҳиссаларини қўшиш яқунларини тасдиқлаш ҳақида, шунингдек жамият устав фонди (устав капитални) миқдорини кўпайтириш, қўшимча ҳиссалар қўшган жамият иштирокчилари улушларининг номинал қийматини кўпайтириш ва (ёки) учинчи шахс (учинчи шахслар) улушининг номинал қиймати ва миқдорларини аниқлаш, зарур ҳолларда жамият иштирокчилари улушларининг миқдорлари ўзгариши билан боғлиқ ўзгартишларни жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритиш тўғрисида жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиниши керак...

Хуллас, суд юқоридаги каби бир қатор қонун ва тартибларни келтириб Бахтиёрнинг аризасини рад этди. Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ҳар биримиз аввало қонуний ишлашимиз ва ўзимизнинг ризқимизга қаноатли бўлишимиз керак. Шунинг баробарида бошқа фуқароларимиздан шуни илтимос қилиб қолардик-ки, дўстлар ёки яқинлар тадбиркорлик қиладими ёки бошқа моддият билан алоқадар ишлар бўладими жараёнларни қонунийлаштириб қўйсалар ўзлари кейин жабр кўрмайдилар. Юқорида ҳам тадбиркорлар дўст бўлгани билан уларнинг ишлари қонун ҳужжатларида акс этгани учун айбисизлар айбдор бўлмади. Зеро, бизнесда туйғу бўлмайди, бизнесда рақамлар бўлади холос.

**Нилуфар АЛЛАБЕРГАНОВА,**

*Урганч туманлараро иқтисодий суди раиси.*

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАР

**Бугунги кунда иқтисодий судлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек банклар ўртасидаги низолар бўйича ишларни кўриб чиқишда қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликларни тадбиркорлар фойдасига талқин этиш, шартномаларни тузишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан суд таъсир чораларини қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Айтиш керакки, айна пайтда иқтисодий судларга келиб ташаётган даъво ишларининг аксарият қисмини пудрат ишлари ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шартнома мажбуриятларига риоя қилинмаётганлиги билан боғлиқ низолар ташкил этаётган бўлиб, ушбу ишларни кўриш давомида буюртмачи ташкилотлар томонидан шартнома интизомига риоя қилмаслик, тадбиркор бажарган ишларни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортиш ҳолатлари ҳам аниқланмоқда.

Бунинг оқибатида тадбиркор ўзи бажарган иш ҳақини ололмасдан идорама-идора сарсон бўлиб, пировардида бузилган ҳуқуқини тиклаш учун даъволашишга мажбур бўлмоқда.

Хусусан, ўтган йили Қашқадарё вилоят иқтисодий судлари томонидан пудрат шартномаларидан келиб чиққан низолар бўйича қарийб 600 га яқин даъво ишлари кўриб чиқилиб, тадбиркорлик субъектлари фойдасига 229 млрд. сўмдан ортиқ пул маблағлари ундириб берилган.

Маълумки, агар ишларнинг бажарилганлиги ҳолати тақдим этилган далиллар билан исботланса, бажарилган ишлар қийматини ундириш тўғрисидаги талабни рад этишга асос бўлмаслиги, бироқ бундай қурилиш пудрати шартномаси шартлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик чорасини (неустойка, фоизлар ундириш, зарарни қоплаш) қўллаш тўғрисидаги талабни қаноатлантириш рад этилишига асос бўлиши қонун ҳужжатларида белгиланган.

Мисол учун, вилоят Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси судга даъво ариза билан мурожаат қилиб жавобгар, туман Ободонлаштириш бошқармасидан 8 925 000 сўм зарар, 10 710 000 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2023 йил 7 августдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, даъво талабининг пеня ундириш қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Иш ҳужжатларига кўра тарафлар ўртасида 2021 йил 29 мартда тузилган хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномага асосан бажарувчи буюртмачининг талабига асосан амалдаги карантин тадбирлари доирасида карантин назорати ишлари ва зарарсизлантириш ишларини ўзининг препаратлари ва техник жиҳозлари билан карантин хизматлари олиб бориши, буюртмачи эса бажарилган ишлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олган.

Кўрсатилган хизматлар миқдори ва қарздорлик ҳолати тарафлар ўртасида тасдиқланган. Аммо, жавобгар томонидан шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмасдан пудрат ишлари қабул қилиб олинган бўлсада, йиллар давомида тадбиркор ҳуқуқининг бузилишига сабаб бўлиб келган.

Шуни ҳам айтиш керак, бундай тоифадаги низоларни кўриш давомида айрим ҳолларда пудратчи ташкилотлар томо-

нидан ҳам шартномада келишилган ҳажмдаги ишларнинг бажарилганлиги сабаб буюртмачи ташкилотларнинг ҳам ҳақли эътирозларини келтириб чиқармоқда.

Жумладан, “Қарши халқаро аэропорти” масъулияти чекланган жамияти судга мурожаат қилиб, жавобгар “НЕФТЕХИМ SERVIS” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан тарафлар ўртасида 2021 йил 16 декабрда тузилган 03/AIR-21-сонли шартномани бекор қилиш ҳамда жавобгардан 480 026 329 сўм асосий қарз ва 1 308 917 185 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2023 йил 14 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво талаблари қисман қаноатлантирилган ҳамда жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 480 026 329 сўм асосий қарз, 68 400 000 сўм пеня ундирилган. Сабаби, тарафлар ўртасида 2021 йил 16 декабрда тузилган 03/AIR-21-сонли шартноманинг 2-бандида пудратчи ушбу шартнома шартларига мувофиқ объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган қурилиш ишларини бажариш, буюртмачи эса пудратчига демонтаж ва монтаж ишлари ҳамда темир йўл линиясидаги ёқилғи-мойлаш материалларини тушириш пункти ўртасидаги насос станцияси участкасидаги дренаж қувурини ўрнатиш каби қурилиш ишларини бажариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган.

Тарафлар ўртасида тасдиқланган 2022 йил 23 сентябрдаги 2-сонли счёт-фактурага асосан 712 843 548 сўмлик қурилиш пудрат ишлари жавобгар томонидан топширилган бўлиб, ўтказиб берилган пул маблағларига нисбатан 480 026 329 сўм миқдорида пудрат ишлари бажарилмасдан қолган. Шунингдек, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 6.1-бандида қурилиш-монтаж ишлари пудратчига биринчи аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб 68 кун, яъни 2022 йил 4 апрелда тўлиқ яқунланиши белгиланган.

Бироқ, жавобгар шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармасдан пудрат ишларини ўз вақтида яқунламаган ва ўтказиб берилган пул маблағига нисбатан ишларни тўлиқ топширмаган.

Албатта, пудрат ишлари билан боғлиқ низолар бўйича бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин, ҳар қандай вазиятда ҳам иш ҳолатларидан келиб чиқиб, суд ўзининг адолатли ва холис ҳулосасини беради. Аммо, энг аввало, шартнома интизомига риоя қилиш ҳар икки томоннинг сўзсиз мажбурияти эканлигини ҳам айтиб ўтишимиз жоиз.

**Тоҳирбек УСМОНОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.





# ЖИНОЯТ КОДЕКСИ ПРИНЦИПЛАРИ

*Юридик фанлар доктори, профессор Х.Одилқориев илмий хулосаларига кўра, “принцип” бу раҳбарий гоё демакдир. Олимнинг ушбу хулосаларидан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, қонун ҳужжатларида принцип тушунчаси ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.*

Чунки, принцип тушунчаси ҳар бир қонун ҳужжатининг ички мантиғини, асосий моҳиятини ифода этади. Жиноят кодекси қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

## Қонунийлик принципи

Содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади. Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

## Демократизм принципи

Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки жамоалар жиноят содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин.

## Инсонпарварлик принципи

Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган энгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.

## Одиллик принципи

Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

## Айб учун жавобгарлик принципи

Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

## Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи

Қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

Жиноят кодексининг инсонпарварлик принципига шарҳ бериш учун кодекс махсус қисмининг “Ҳаётга қарши жиноятлар” номли 1 боби 97 моддасига эътиборингизни қаратсак:

Инсон ҳаётининг бошланиши ва тугалланиш вақтини тўғри белгилаш инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларни малакалаш ва мазкур жиноятларни одам ўлишига олиб келиши мумкин бўлган бошқа жиноят таркибларини фарқлаш масалаларини тўғри ҳал этиш учун биринчи даражали аҳамият касб этади.

Инсон ҳаёти бу ёруғ дунёга келиши билан бошланади. Одам ўлдириш фаол ҳаракатлар билан ҳам, ҳаракатсизлик орқали ҳам содир этилиши мумкин. Одам ўлдириш усули жиноятни малакалашга таъсир кўрсатмайди.

Энди эътиборингизни кодекснинг “Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш” номли 123 моддасига қаратсак. Бундай жиноятнинг объекти — айбдорнинг меҳнатга қобилиятсиз ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг яшаш учун нормал моддий шароитга эга бўлиши, шунингдек, уларнинг соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Жиноят мотиви ва мақсади квалификация учун аҳамият касб этмайди. Мазкур жиноятнинг субъекти суднинг ҳал қилув қарорига биноан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлаш мажбурияти зиммасига юкланган вояга етган, туғишган фарзандлар, фарзандликка олинган ўғил ва қизлар, ўғай ўғил ва қизлар бўлиши мумкин.

Жиноят кодексининг одиллик принципи бўйича фикримизни давом эттирсак, унинг аксини “Суд ҳужжатини ижро этмаслик” номли 232-моддада кўришимиз мумкин. Бунда жиноят объекти суднинг ва суд ҳужжатларини ижро этиш билан шуғулланадиган давлат органларининг нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Объектив томондан шарҳланаётган жиноят муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилишда ифодланади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Жиноят кодексининг принциплари жиноят ҳуқуқи тизимининг муҳим таркибий қисмини ташкил этиб, унинг ички тузилишини ва мазмунини қамраб олади.

**Толиб ТИЛАВОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

# МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ТУГАТИШ АСОСЛАРИ

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишга оид асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат, бу — Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳисобланади.**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш чоғида куйидагилар аниқланса, судья маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақида қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс)га маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради, агар:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш судга таллуқли бўлмаса;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган орган (мансабдор шахс) МЖТК 281, 282-моддаларида назарда тутилган талаблар бузилганлиги аниқланса.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қайтариш ҳақидаги ажримда қонуннинг қандай талаблари бузилганлиги кўрсатилиши лозим.

Норози томон суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қайтариш ҳақидаги ажрими устидан шикоят келтириши мумкин.

Қонунга мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади. Шуни назарда тутиш лозимки, МЖТК 304-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар транспорт воситалари рўйхатга олинган жойда, МЖТК 187-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар эса, шундай ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда ёки ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар суд томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддатда кўриб чиқилади. Аммо, алоҳида тоифадаги ишларни кўриб чиқиш учун қонунда қисқартирилган муддатлар назарда тутилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги қарор мазмуни, шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатлар МЖТК 281, 282-моддалари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Суд маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги қарорни, агар баённома ёки қарор ваколати бўлмаган мансабдор шахс томонидан тузилган ёки чиқарилган, шунингдек, агар унда куйидагилар кўрсатилмаган бўлса, уни тузган орган ёки мансабдор шахсга камчиликларни бартараф этиш учун қайтаради:

баённома тузилган вақт ва жой, уни тузган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, мансаби;

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жой ҳамда унинг моҳияти;

ҳуқуқбузарнинг шахси тўғрисидаги маълумотлар, мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутовчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат;

шахс илгари маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳақида маълумотлар;

жабрланувчилар ва гувоҳларнинг фамилияси, яшаш манзили (агарда улар бўлса), ҳуқуқбузарнинг тушунтиришлари, ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Айрим маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар МЖТК билан кўриқланадиган жамоат муносабатларини жиддий бузишини инобатга олиб, бундай ҳуқуқбузарликлар ҳеч бир ҳолда ҳам кам аҳамиятли деб топилиши мумкин эмас. Бундай ҳуқуқбузарликларга, жумладан, МЖТКнинг 54-моддаси иккинчи қисми, 99, 131-моддалари, 135-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари, 136-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар киради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришда шахснинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги аниқланса, суд ушбу ҳаракатларни МЖТК тегишли, шу жумладан, оғирроқ жавобгарликни назарда тутовчи моддасига қайта квалификация қилишга ҳақли.

Суд ҳуқуқбузарлик ҳолатида шахснинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бор деган хулосага келса, МЖТК 278-моддасига мувофиқ материалларни прокурорга юбориш тўғрисида қарор қабул қилади.

Суд муайян маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо чораси ва турини белгилашда маъмурий жазо қўлланилишининг умумий қоидаларига амал қилиши лозим, унга биноан жазони қўллаш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкый аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарор МЖТК 309-моддасида белгиланган талабларга жавоб бериши ва ишни кўриб чиқиш якунланганидан сўнг зудлик билан эълон қилиниши лозим.

Суд маъмурий жазони қўллаш билан бир вақтда айбдор шахс томонидан моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этиши керак.

Агар суд маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар миқдори тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиш учун асослар етарли эмаслиги ҳақида хулосага келса, манфаатдор шахсларга ушбу масалаларни фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этиш тушунтирилади.

**Олимхўжа ТУРСУНОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

# ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИГИ ВА БАНКРОТЛИГИ: ТУШУНЧА, АЛОМАТ ВА МЕЗОНЛАР

**Бир қарашда жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги бир хил маънони англатадиган тушунчадек кўринсада, амалдаги қонунчиликни таҳлил қилиш ҳамда олимларнинг бу борадаги фикрларига мурожаат қилиш уларнинг орасида фарқ мавжудлигини кузатиш имконини беради.**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги “банкротлик” ва “тўловга қобилиятсизлик” атамалари ўртасида қатъий фарқни белгиламаган бўлсада, кўп ҳолларда бу атамалар назарияда ҳам, амалиётда ҳам бир маънода қўлланилмайди. Адабиётларда бу атамаларнинг маъно-мазмунига бағишланган фикр-мулоҳазалар билдирилган ва ягона ёндашув мавжуд эмас.

Ҳуқуқшунос олимлар Ф.Отахонов ва Ф.Ибратоваларнинг фикрича, бу ўринда қарздор корхонанинг судгача бўлган аҳволини ночор сўзи билан ифодалаб, ҳўжалик суди қарори билан корхона банкрот деб эътироф этилишини фарқлаш лозим. “Банкрот” атамаси эса фақат суднинг ҳал қилув қароридан сўнг корхонага нисбатан қўлланиши мумкин.

Тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) институтини такомиллаштириш юзасидан илмий изланишлар олиб борган ҳуқуқшунос олим Б.Худойбергановнинг таъкидлашича, “Тўловга қобилиятсизлик” тушунчаси қарздорнинг кредиторлар талабларини бажара олмаслик ҳолатини билдиради. Тўловга қобилиятсизлик ҳолати иш қўзғатилишидан олдин пайдо бўлади ва бу ҳолат қарздор банкрот деб топилиб, давлат рўйхатидан чиқарилгунча ёки қарздор тўлов қобилияти тиклангунча сақланиб туради. Кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш таомиллари қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги натижасида қўлланилади, қарздорнинг банкротлиги натижасида эмас. Банкрот деб топилган барча қарздорлар тўловга қобилиятсиз ҳисобланса, тўловга қобилиятсиз қарздорларнинг барчаси ҳам банкрот деб топилмаслиги мумкин.

Юқоридаги илмий назариялар ҳамда амалдаги қонунчилик мазмун-моҳиятидан ҳам англаш мумкинки, жисмоний шахснинг ночорлиги тушунчаси унинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги тушунчалари билан бир маънода ишлатилиши мумкин бўлсада, жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги тушунчалари бир-биридан фарқланади.

Жумладан, тўловга қобилиятсизлик юридик ва жисмоний шахсларнинг қонунда белгиланган муддатлар давомида белгиланган миқдордаги пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги бўлса, қарздорни соғломлаштириш ва тўлов қобилиятини тиклаш учун имкониятларнинг мавжуд эмаслиги жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва унинг мол-мулкни сотиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Шу нуқтаи-назардан айтишимиз мумкинки, тўловга қобилиятсизлик банкротликка нисбатан бирмунча кенгроқ тушунча бўлиб, банкротлик тўловга қобилиятсизликнинг таркибий ва ажралмас қисмини ташкил қилувчи омил ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги институтининг мавжудлиги ва амал қилиши бир жиҳатдан кредиторлар, яъни банклар, турли микромолия ташкилотлари ва бошқа шахсларга қарз берган жисмоний шахсларни иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланса, бошқа томондан доимий даромад манбаига эга бўлган, мавжуд қарздорлик туфайли ночор молиявий аҳволга тушиб қолган жисмоний шахсни соғлом-

лаштириш ва қарзларидан озод бўлиши имконини берувчи ўзига хос имкониятдир.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелда қабул қилинган “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг 14-боби бевосита жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бағишланган.

**Қонун чиқарувчи жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги аломатларини шартли равишда иккига ажратган:**

*жисмоний шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги, яъни тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбуриятлари юзага келган кундан эътиборан уч ой ичида қарздор жисмоний шахс томонидан бажарилмаслиги;*

*жисмоний шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги ва бунда қарздор жисмоний шахсга нисбатан талаблар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида икки юз баробарини ташкил этиши.*

Жисмоний шахслар тўловга қобилиятсизлигининг мазкур аломатларини табиатига кўра мулкӣ ва муддат билан боғлиқ аломатларга бўлиш мумкин. Уларнинг бири жисмоний шахснинг мавжуд пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга улар юзага келган кундан бошлаб уч ой ичида бажарилмаганлиги шартини белгиласа, бошқаси мазкур мажбуриятларнинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг камида икки юз баробарини ташкил этиши лозимлигини белгилайди.

Қайд этиш лозимки, мазкур аломатларнинг ҳар иккисининг бир пайтда мавжуд бўлиши тўловга қобилиятсизликни келтириб чиқариб, улардан бирининг мавжуд эмаслиги тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш талабининг рад этилишига олиб келиши мумкин.

Дунё мамлакатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги билан боғлиқ қўзғатилаётган ва судда кўрилаётган ишлар статистикаси шуни кўрсатмоқдаки, шу йўналишда қўзғатилаётган жами ишларнинг 10-15 фоизини юридик шахсларнинг, 85-90 фоизини эса жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар ташкил қилмоқда.

Айтиш мумкинки, хорижий давлатлар тажрибасида жисмоний ва юридик шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги аломатини келтириб чиқариши мумкин бўлган кредитор қарздорликнинг энг кам миқдорини белгилашда, асосан икки хил амалиёт мавжуд бўлиб, уларнинг бири кредитор қарздорлик миқдорини маълум қатъий суммада белгиласа, бошқа ҳолатда давлатда мавжуд бўлган энг кам иш ҳақи ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг маълум баробари билан белгиланади. Бунда маълум давлатдаги иқтисодий ривожланиш ҳамда инфляция даражаси инобатга олиниши мумкин.

Бажариш муддатларнинг кечикиши тўловга қобилиятсизликнинг динамик кўрсаткичи ҳисобланади. Е.А.Махнева таъкидла-



нидек, "давлат иқтисодиёти қанчалик яхши ривожланган бўлса, тўловга қобилиятсизлик учун белгиланган муддат шунчалик қисқа бўлади. Аксинча, давлат иқтисодиётининг ривожланиши даражаси паст бўлса, иқтисодий инқироз чуқурроқ бўлади, қарздорнинг банкротлигини белгиловчи муддат шунча узок давом этади".

Агар корхона қисман тўловга қобилиятсиз (бажарилмаган мажбурият (қарз)нинг миқдори (200 баровар) ва ўтказиб юборилган муддат (3 ой) белгиланган тартибда тўлмаган) бўлса, банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш имконияти истисно қилинади. Бунда қарздор ва унинг кредиторлари ўртасидаги низо оддий фуқаролик-ҳуқуқий воситалар билан, масалан, пул мажбуриятларини бажариш муддатини кечиктирганлик учун қарздорни жавобгарликка тортиш билан ҳал қилиниши мумкин.

Жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлигини аниқлаш маълум бир мезонлар асосида амалга оширилиб, ушбу мезонларни аниқ фарқлаш ва тўғри таҳлил қилиш келгусида жисмоний шахснинг тўлов қобилиятини тиклаш ёки уни банкрот деб топиш имкониятларини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

М.В.Телюкинанинг фикрича, жисмоний шахснинг ночорлиги мезонларига нисбатан бир-бирига мутлақо зид икки хил ёндашув мавжуд бўлиб, булар тўловга қобилиятсизлик ёки тўловсизлик (неоплатность)да ифодаланади. Бунда олим тўловсизлик (неоплатность)ни қарздорнинг барча мавжуд мол-мулкларининг умумий қиймати унинг кредиторлар олдидagi мажбуриятлари умумий қийматини қоплаш учун етмаслиги билан изохлаб, ушбу мезондан келиб чиққан ҳолда, бундан қарздор банкрот деб топилиши мумкинлигини таъкидлаган.

С.А.Карелина ва И.В.Фроловлар жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги ва тўловсизлик мезонларининг қўлланилиши ҳуқуқни қўллаш амалиётида қийинчиликлар келтириб чиқариши, чунки банкротликнинг белгиларидан бири бўлган жисмоний шахс ночорлиги ҳуқуқий тушунчасини маълум бир аниқ вазиятдан келиб чиқиб, турлича қўллаш мумкинлигини, жумладан жисмоний шахснинг ночорлиги унинг тўловга қобилиятсизлигига олиб келганда, судга ўзини банкрот деб топиш ҳақида ариза билан мурожаат қилиш қарздор жисмоний шахснинг мажбурияти ҳисобланса, бошқа ҳолатда ҳудди шундай ариза билан мурожаат қилиш унинг ҳуқуқи эканлиги ва ихтиёрийлик мазмунига эғалигини таъкидлаган.

Шунингдек, жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсиз деб топишда қуйидаги алоҳида ҳолатларни инобатга олиш лозим бўлади:

1) жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги презумпцияси, яъни қуйидаги ҳолатлардан камида биттаси мавжуд бўлган ҳолларда, жисмоний шахс тўловга қобилиятсиз ҳисобланади:

- кредиторлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш муддати келган бўлишига қарамасдан, жисмоний шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини ёки солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги;

- пул мажбуриятларини бажариш муддати келган бўлишига қарамасдан, қарздор жисмоний шахс томонидан мажбурият бажарилиши лозим бўлган кундан бошлаб бир ойдан ортиқ муддат давомида жами мажбуриятлар умумий миқдорининг ўн фоиздан ортиқ қисми бажарилмаганлиги;

- қарздор жисмоний шахснинг мол-мулки қиймати (талаб қилиш ҳуқуқи билан бирга) унинг қарздорлигини қоплаш учун етарли бўлмаса;

- қарздор жисмоний шахснинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки мавжуд эмаслиги муносабати билан ижро иши юритувини тамомлаш ҳақида қарор мавжуд бўлса;

2) жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлигини истисно қилиш ҳуқуқий тушунчасига кўра эса, қарздор жисмоний шахс қисқа муддат-

ларда мавжуд қарздорликларни қоплаб, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиши ва (муддати келган) пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини ёки солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажариши мумкин деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлса, бундай қарздор банкрот деб топилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, айрим юридик адабиётларда жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги намоён бўлиш шаклига кўра, яққол намоён бўладиган ва яширин, яъни латент турларга бўлиниши айтилади. Ушбу мезонларнинг эрта аниқланиши ва уларга эътибор қаратилиши жисмоний шахсни у оғир молиявий аҳволга тушиб қолмасдан соғломлаштириш чораларини кўриш имконини беради.

О.А.Москалеванинг фикрига кўра, латент тўловга қобилиятсизликда қарздор ўзининг мажбуриятларини янги пул тушумлари, янги қарз, аванс ёки учинчи шахслар томонидан бериладиган молиявий ёрдамлар эвазига вақтинча қопласа ва бунинг натижасида тўловга қобилиятлидек кўринсада, бироқ бу каби пул тушумлари тўхташи ёки кечикиши оқибатида жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги яққол намоён бўлади.

Тўловга қобилиятсизлик нафақат жисмоний шахснинг банкрот деб топишнинг мезони, балки суд томонидан жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризани асосли деб топиш ва қаноатлантиришнинг асоси ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бизнинг миллий қонунчилигимиз жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги ташқи белгиларига қуйидагиларни киритган:

1) қарздор жисмоний шахс томонидан тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбуриятлари юзага келган кундан эътиборан уч ой ичида уларнинг бажарилмаслиги;

2) қарздор жисмоний шахсга нисбатан талаблар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида икки юз баробарини ташкил этиши.

Бироқ, мазкур ташқи белгиларнинг мавжудлиги қарздор жисмоний шахснинг банкротлигини аниқламайди. Чунки, суд томонидан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилиб, қарздор жисмоний шахсга қонунчиликда назарда тутилган тартиб-таомиллардан бири белгиланиши натижасида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиб, иш юритиш тугатилиши ҳам мумкин.

Таъкидлаш лозимки, жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги тушунчалари, унинг аломатлари ва мезонларини чуқур аниқлаш жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлигини аниқлаш ва унга ҳуқуқий баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

**Шухрат ШЕРАЛИЕВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Отахонов Ф.Х., Ибратова Ф.Б. Хўжалик судларида банкротлик ишларини кўришнинг ўзига хос хусусиятлари. Монография. – Т.: ТДҲОИ, 2013. – 22-б.
2. Раҳмонкулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. Ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т., ТДҲОИ, 2007. – 373-б.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/docs/5957612>
4. Худойбергенов Б.Б. Тўловга қобилиятсизлик белгиларини аниқлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари: Cash flow ва Balance sheet // Ж. Юридик фанлари ахборотномаси. – 2020. – № 04/2020. – Б. 38-44.
5. Шершеневич Г.Ф. Конкурсное право. – Казань, 1898. – С. 140; Ткачев В.Н. Актуальные проблемы несостоятельности (банкротства) в современном российском праве: дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 1999. – С. 139; Попондопуло В.Ф. Конкурсное право. Правовое регулирование несостоятельности (банкротства): Учеб. пособие. М.: Юристъ, 2001. – С. 27; Телюкина М.В. Комментарий к Федеральному закону "О несостоятельности (банкротстве)". – М, 2003. – С. 14.



## ҚАСДДАН БАДАНГА ТАН ЖАРОҲАТИ ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ МАЛАКАЛАШ МАСАЛАЛАРИ

*Суд жараёнида баданга шикаст етказишга оид ишлар бўйича қилмишни тўғри малакалаш учун айб шакли, баданга шикаст етказиш мотиви, мақсади ва усули, айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, шунингдек ишнинг тўғри ҳал этилиши ва айбдорга адолатли жазо белгиланиши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар батафсил аниқланиши керак.*

Агар айбдор ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли эканлигини англаса, жабрланувчи баданига муайян даражада шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етса ва шуни хоҳласа ёинки хоҳламасада, бунга онгли равишда йўл қўйса ёки ўз қилмишидан келиб чиқадиган оқибатларга бефарқ қараса, барча қилмиш аслида келиб чиққан оқибатлар бўйича малакаланади.

Баданга ҳар қандай оғирлик даражасида қасддан етказилган шикаст учун жавобгарлик айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан, ЖК 104-110, 126<sup>1</sup>-моддаларида кўрсатилган оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлишини тақозо этади. Агар мазкур оқибатлар, гарчи улар айбдорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари билан боғлиқ бўлсада, бироқ организмнинг индивидуал хусусиятлари ёки кўрсатилган тиббий ёрдам тегишли бўлмаганлиги, жабрланувчининг унга етказилган зиён оғирлашишига сабаб бўлган ўз ҳаракатлари, айбдорнинг қасди билан қамраб олинмаган бошқа ҳолатлар туфайли келиб чиққан бўлса, қилмишни Жиноят кодексининг кўрсатилган моддалари билан квалификация қилиш учун асослар бўлмайди.

ЖК 104, 105, 109-моддалари биринчи қисмларида қайд этилган баданга етказиладиган турли даражадаги шикаст белгилари доираси қатъийдир. Бунда баданга етказилган шикаст муайян даражадаги оғирликка тааллуқлилигини эътироф этиш учун улардан биттаси етарли бўлади. Агар баданга етказилган шикаст оғир, ўртача оғир ёки енгил хусусиятга эга эканлигини кўрсатувчи бир неча белги мавжудлиги аниқланса, шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда ҳамда суд ҳукмида уларнинг барчаси баён этилиши шарт.

Айбдорнинг қасддан қилган ҳаракатлари оқибатида жабрланувчи баданига оғир шикастдан ташқари бошқа оғирлик даражасидаги шикаст етказилган ҳолларда, қилмишни Жиноят кодексининг баданга енгилроқ даражада шикаст етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан қўшимча малакалаш талаб этилмайди.

Суд иши давомида шунга эътибор берилиши керак-ки, қилмишни ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёл баданига қасддан етказилган оғир ёки ўртача оғир шикаст сифатида малакалаш учун (ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “а” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “б” банди, 126<sup>1</sup>-моддаси бешинчи қисмининг “б” банди, 126<sup>1</sup>-моддаси еттинчи қисмининг “а” банди) аёлни ҳомиладор эканлиги ҳолати унинг баданига шикаст етказилгунга қадар айбдорга маълум бўлган бўлиши лозим.

Бунда қилмишни мазкур белги билан малакалаш учун ҳомилани туширишга нисбатан қасд мавжуд бўлиши, айбдорнинг ҳаракатлари ҳомиланинг тушишига олиб келмаган ҳолларда эса, баданга бошқа, тегишлича, оғир, ўртача оғир шикаст етказилган бўлиши шарт. Акс ҳолда, ҳаракатлар келиб чиққан оқибатлар бўйича Жиноят кодексининг баданга қасддан шикаст етказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддаси билан малакаланади.

Агар жабрланувчи ҳомиладор эканлигини айбдор англамаган бўлса, унинг баданга қасддан етказилган ва ҳомиланинг тушишига сабаб бўлган шикаст фақат айбдорда жабрланувчи баданига оғир шикаст етказишга нисбатан қасд мавжуд бўлган ҳолда ЖК 104-моддаси биринчи қисми билан, акс ҳолда ЖК 111-моддаси билан малакаланмоғи керак.

ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “б” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “в” бандлари билан ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига бундай шахс томонидан ўз хизмат фаолияти ёки фуқаролик бурчини бажаришга тўсқинлик қилиш, шунингдек бундай фаолият учун ўч олиш мақсадида қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказган айбдорнинг ҳаракатлари малакаланади. Фуқаролик бурчини бажариш деганда, жумладан, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамланган мажбуриятларни бажаришга қаратилган ҳар қандай қонуний фаолияти тушунилади.

Баданга қасддан етказилган оғир ёки ўртача оғир шикастни ўта шафқатсизлик билан етказилган, деб тегишлича ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “г” банди, 126<sup>1</sup>-моддаси бешинчи қисмининг “в” банди, 126<sup>1</sup>-моддаси еттинчи қисмининг “в” банди бўйича малакалаш учун айбдорда жабрланувчига бундай шикастни алоҳида жисмоний ёки руҳий азоб берувчи усулда етказишга нисбатан қасд мавжуд бўлганлигини аниқлаш лозим.

Баданга қасддан етказилган оғир, ўртача оғир шикастни миллатлараро ёки ирқий адоват замирида етказилган (ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “ж” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “ж” банди бўйича) деб малакалаш учун айбдор томонидан бундай ҳаракатлар бошқа мотивларда (масалан, муайян жабрланувчига нисбатан рашк, ўч олиш, шахсий келишмовчилик муносабати туфайли) эмас, балки айнан ушбу бандда назарда тутилган мотивда содир этилганлиги аниқланади.

Қасддан баданга етказилган оғир, ўртача оғир шикастни тақроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб малакалаш учун айбдор жиноятнинг ижрочиси ёки бошқа турдаги иштирокчиси эканлиги аҳамият касб этмайди.

Жабрланувчи баданига унинг ўлишига сабаб бўлган оғир шикаст етказилиши, фақат айбдорда оғир шикаст етказишга нисбатан қасд ва ўлим келиб чиқиши тариқасидаги оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик кўринишидаги айб мавжуд бўлгандагина ЖК 104-моддаси учинчи қисмининг “д” банди, 126<sup>1</sup>-моддаси саккизинчи қисмининг “г” банди билан малакаланади. Бунда, қилмишни шундай малакалаш учун баданга етказилган оғир шикаст билан келиб чиққан ўлим ўртасида сабабий боғланиш борлиги аниқланиши шарт.

Айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 110-моддаси билан малакалаш учун дўппослаш ёки қийнаш хусусиятига эга бўлган бошқа ҳаракатлар қасддан, муттасил, яъни жабрланувчига жисмоний ёки руҳий азоб бериш мақсадида ягона қасд билан қамраб олинган ва камида уч марта содир этилганлиги аниқланиши керак.

Агар қийнаш жараёнида баданга оғир, ўртача оғир шикаст етказилган бўлса қилмиш бундай жароҳат етказишга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда ЖКнинг 104, 105 ёки 126<sup>1</sup>-моддаси тўртинчи — саккизинчи қисмлари билан малакаланиб, уни ЖК 110-моддаси билан қўшимча малакалаш талаб этилмайди.

**Ёрқин ЭРГАШЕВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА КЎРИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

*Иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг одил судловга нисбатан ишонч ва ҳурматини янада ошириш, ишларни судда кўриш жараёнида ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал тартибга қатъий риоя қилиш механизмини кучайтириш ҳамда уларнинг амалга ошираётган процессуал ҳаракатларининг оқибатларини тўғри англашлариغا имконият ва шароит яратиш, қолаверса, суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли чиқарилишини таъминлашга эришиш мақсадида иқтисодий процессуал ҳуқуқида янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритишга йўл қўйилади.*

Янги очилган ҳолатлар деганда, очилган фактик ҳолатлар аслида мавжуд бўлиб, бироқ суд ишни кўриш вақтида ҳисобга олмаган, аризага ва судга номаълум бўлган ёки маълум бўлиши мумкин бўлмаган, суд ҳужжатлари қабул қилингандан кейингина маълум бўлган ҳолатларни тушуниш лозим.

Янги очилган ҳолатлар бўйича суд ҳужжатларини қайта кўриш асослари ИПКнинг 327-моддасида кўрсатилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) суд ҳужжати қабул қилинган пайтда мавжуд бўлган, лекин аризага маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим ҳолатлар;

2) экспертнинг била туриб ёлгон хулоса берганлиги, гувоҳнинг била туриб ёлгон кўрсатувлар берганлиги, била туриб нотўғри таржима қилинганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган бўлса ва мазкур иш бўйича қонунга хилоф ёки асосланмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган бўлса;

3) ишда иштирок этувчи шахс ёки вакилининг ёхуд судьянинг мазкур ишни кўриш чоғида содир этилган, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими билан аниқланган жиноий қилмишлари;

4) иқтисодий, фуқаролик, жиноят ёки маъмурий суднинг мазкур иш бўйича суд ҳужжатини қабул қилишига асос бўлган суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг шундай ҳужжати бекор қилинганлиги.

Мазкур қайд қилинган асослар рўйхати қатъий ҳисобланиб, кенгайтирилган тарзда талқин қилиниши мумкин эмас. Агар фактик ҳолатлар суд ҳужжати қабул қилингандан сўнг вужудга келган бўлса, бу ҳолат суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўла олмайди, балки янги даъво билан мурожаат этишга асос бўлиши мумкин.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза ушбу суд ҳужжатини қабул қилган судга суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай, ишда иштирок этувчи шахслар томонидан берилиши мумкин.

Ариза беришнинг ўтказиб юборилган муддати, ариза билан мурожаат қилган шахснинг илтимосномаси бўйича, агар илтимоснома қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар очилган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилган бўлса ва суд муддатни ўтказиб юбориш сабабларини узрли деб топса, суд томонидан тикланиши мумкин.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризада янги очилган ҳолатларнинг мавжудлигини тасдиқловчи асослар мавжуд бўлиши лозим. Аризага зарурий бўлган далиллар, хусусан, кўрсатилган ҳолатлар санасини аниқлаш имконини берувчи ҳужжатлар илова қилиниши керак. Бундай ҳолатларнинг аниқланганлик куни шу ҳолатларнинг аризага маълум бўлган ёки маълум бўлиши мумкин бўлган кун ҳисобланади. Агар янги очилган ҳолатлар ҳукм, суднинг ҳал қилув қарори, бошқа органнинг қарори билан боғлиқ бўлса, унда янги очилган ҳолат суд ҳужжатларини қабул қилиш учун асос бўлган ҳолатга мазмунан қарама-қарши ҳужжатларнинг қонуний кучга кирган куни ёки ҳукм, ҳал қилув қарори ва қарорнинг қонуний кучга кирганлиги аризага маълум бўлган ёки маълум бўлиши мумкин бўлган кун шу ҳолат аниқланган кун ҳисобланади.

Биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим янги очилган ҳолатлар бўйича шу ҳал қилув қарорини, ажримни қабул қилган суд томонидан қайта кўрилади.

Янги очилган ҳолатлар юзасидан апелляция, кассация ёки тафтиш инстанцияси судининг қайси қарорлари ва ажримлари билан суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган бўлса, ўша қарорлар ва ажримларни қайта кўриш суд ҳужжатини ўзгартирган ёхуд янги суд ҳужжати қабул қилган инстанция томонидан амалга оширилади.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари юзасидан суд аризани қаноатлантириш ва илгари ўзи қабул қилган суд ҳужжатини бекор қилиш ҳақида ёки аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритиш суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли чиқарилишига эришиш ва ўз навбатида одил судловни самарали таъминлашга хизмат қилади.

**Элмурод РОЗУМБЕТОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*





## ВОЯГА ЕТМАГАННИНГ ҲАЁТИ, СОҒЛИГИ, ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИ ВА АХЛОҚИГА ҚАРШИ СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

**Мамлакатимиз Жиноят кодексида оила ва вояга етмаган шахсларга қарши жиноятларнинг бир бобга бирлаштирилганлиги алоҳида ёндашувни талаб этади. Сабаби, вояга етмаган шахсларни жиноятга жалб этишда оила манфаатлари қўшимча ёки факультатив объект ҳисобланади. Шу боис ушбу кодекс Махсус қисмининг V боби “Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” деб номланган.**

**Ундаги моддаларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:**

- 1) оилага қарши;
- 2) вояга етмаганларга қарши;
- 3) ахлоққа қарши жиноятлар.

Фикримизча, мазкур бобга икки мустақил гуруҳдаги (оилага ва ахлоққа қарши жиноятлар) моддалар бирлаштирилган бўлиб, улардан ҳар бири ўзининг махсус объектига эга. Ушбу объектларнинг ҳар бири мустақил бўлиб, бири иккинчисига тобе эмас. Бу объектларнинг бир хил муҳофазаси оила ҳамда вояга етмаганлар манфаатларини давлат ва жамият манфаатлари йўлида тенг ҳимоялаш зарурати билан изоҳланади. Шунда ушбу ҳолатда вояга етмаган шахсни жиноят содир қилишга ундашнинг махсус объекти – вояга етмаганларнинг нормал ривожланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Айрим олимлар вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш жиноятининг бевосита объекти сифатида вояга етмаган шахснинг нормал ривожланишини таъминловчи ижтимоий муносабатларни эътироф этадилар. Ушбу фикрларга қўшилиш бир мунча тушунмовчиликларга олиб келади. Боиси бундай ёндашув вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилишни унинг нормал ривожланишига тўсқинлик қилувчи бошқа жиноятлардан, масалан, вояга етмаган шахсни тиланчилик қилишга, спиртли ичимликлар ичишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идроқига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол қилишга жалб қилиш жиноятларининг объектидан фарқлаш имконини бермайди. Зеро, мазмунан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга, гиёҳвандлик ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга ҳамда жиноятга жалб қилиш алоҳида-алоҳида жиноят таркибини ташкил этади. Шу боис бир қатор хорижий давлатлар қонунчилигида бу жиноятларнинг ҳар бири алоҳида норма билан тартибга солинган.

**Булар, Россия Федерацияси Жиноят кодексида вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш 150-модда билан тартибга солинган бўлиб, ушбу жиноят учун жавобгарлик:**

- жиноятни содир этиш усули (алдов, ваъда, таҳдид ёки бошқа усулда);
- жиноятни содир этувчи субъект (ота-она, педагог ёки қонун билан вояга етмаган шахсни тарбиялаш мажбурияти юкланган бошқа шахс);
- зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан;
- вояга етмаган шахс жалб этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси (овир ёки ўта овир жиноятлар);
- вояга етмаган шахсни жиноий гуруҳга жалб этиш кабилардан келиб чиққан ҳолда овирлашиб боради.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга ҳамда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга жалб этиш алоҳида моддалар (Россия Федерацияси ЖКнинг 151-152-моддалари) билан тартибга солинган бўлиб, бу жи-

ноятлар учун ҳам юқоридаги каби оғирлаштирувчи ҳолатлар баён этилган.

Беларусь Республикаси Жиноят кодексида ҳам юқоридаги каби оғирлаштирувчи ҳолатлар кўрсатилган. Бироқ, Россия Федерациясининг Жиноят кодексидан фарқли равишда, ушбу давлат жиноят қонунчилигида зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш оғирлаштирувчи асос сифатида қайд этилмаган.

Шу билан бир қаторда, Беларусь Республикаси Жиноят кодексида ҳам вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга ҳамда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга жалб қилиш Россия Федерацияси Жиноят кодексида бўлгани каби алоҳида моддалар билан тартибга солинган.

Молдова Республикаси Жиноят кодексида эса вояга етмаган шахсни жиноий фаолиятга жалб этиш ёки уларни ахлоққа зид хатти-ҳаракатларга оғдириш битта модда (Молдова ЖКнинг 208-моддаси) таркибига киритилган ва оғирлаштирувчи асос сифатида куйидагилар келтирилган:

- ота-она, ўқитувчи ёки қонун билан вояга етмаган шахсни тарбиялаш мажбурияти юкланган бошқа шахс томонидан жиноятга жалб этиш;
- зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан жиноят қилишга ундаш;
- вояга етмаган шахсни овир ёки ўта овир жиноятлар содир этишга ёхуд жиноий гуруҳга жалб этиш.

Ю.Е.Пудовочкин қайд этганидек, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга ундаш БМТ “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциясининг 17-моддаси билан кафолатланган болалар уларнинг соғлиғига, ахлоқий ва руҳий ривожланишига зарар етказувчи маълумотлардан ҳимоя қилинишига доир ҳуқуқни таъминловчи ижтимоий муносабатларга путур етказиши. Зеро, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишнинг олдини олишда амалга ошириладиган чора-тадбирлар, биринчидан, шахснинг нормал ривожланишига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этишга, иккинчидан, унинг жиноят содир этишининг олдини олишга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишнинг объекти хусусида сўз борганда, ушбу жиноят жабрланувчиси масаласи тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки, айнан жабрланувчи жиноят объектнинг факультатив белгиси ҳисобланади. Ҳуқуқий адабиётларда: “Агар факультатив белги қонун чиқарувчи томонидан жиноят асосий таркибининг белгиси сифатида кўрсатилса, у жиноят таркибининг зарурий белгиси хусусиятига эга бўлади”, дейилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддаси 3-қисми диспозициясида айнан вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этиш назарда тутилган.

Бундан келиб чиқадики, жиноят тузилишида вояга етмаган шахс – айна ҳолатда жабрланувчи ва у жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳам ҳисобланади.

**Шерали СЕЙТИРЗАЕВ,**  
Судьялар олий мактаби тингловчиси.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШДА ДАВЛАТНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

*Янги ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги кластерлар, кооперациялар ташкил этилди. Шунингдек, Президентимизнинг "Ўзбекистон 2030" Стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сонли фармонида қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш, шунингдек, сув ресурсларини тежаш бўйича ислохотларни амалга ошириш чора тадбирлари белгилаб берилди.*

Шундай қилиб бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил этмоқда. Аммо, маҳсулотларимиз, умуман, қишлоқ хўжалигидаги инновацияларимиз бошқа давлатлар билан ҳақиқий рақобатдош бўлиши учун ислохотларни изчил амалга оширишимиз керак.

Боиси, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини ва жаҳон бозорини ўрганган ҳолда талабга мос қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш имкониятларини ошириш, қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ҳажминини кўпайтириш борасида қиладиган ишларимиз кўп.

Бугунги кунда кўпгина хорижий мамлакатларда, хусусан, Туркияда 1 гектар ердан 2 минг, Мисрда 8 минг, Исроилда 12 минг долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилса, мамлакатимизда бу кўрсаткич 500 долларга ҳам етмайди.

Мамлакатимизнинг 20 миллиард долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятини амалга ошириш учун 1 гектар ердан камида беш минг долларлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш зарур. Бунда, албатта сув муаммосини ҳам назардан қочирмаслик керак. Негаки, жаҳон сув ресурслари институти таҳлилларига кўра, 2040 йилга бориб, Ўзбекистон сув ўта танқис бўлган 33 та мамлакат қаторига кириши мумкин.

Бунинг учун қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчиликни янада изчил такомиллаштириш, унинг устида ишлаш, хориж амалиётини ўрганиш, давлатнинг қишлоқ хўжалиги экинларини томчилатиб суғориш ва куёш панеллари ускуналарини ўрнатишда субсидияларини ошириш, экспортни ривожлантириш, етакчи кадрларни тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги тадбиркорларига техникаларнинг лизингга берилиши тартибини соддалаштириш, имтиёзли кредитлар ажратиш бериш, суғурта масаласи устида ишлаш ва бошқа имтиёзлар бериш соҳасида самарали ишларни бажариш лозим.

Бундан ташқари, имтиёзли кредит ҳамда субсидиялар олган қишлоқ хўжалиги тадбиркорлари субъектларининг мажбуриятларини қонуний муштаҳамлаш даркор.

Шунингдек, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва фаолият юритиши учун ўрнатилган талаблар, солиқ имтиёзлари борасида ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда уларни жорий этишни йўлга қўйиш керак.

Солиқ солиш сиёсатида ҳам бир мунча қулайликлар ва энгилликларни тадбиқ қилиш зарур бўлади.

Масалан шўр ерлар, сувли ва лалмикор ерларнинг ҳосилдорлиги бир хил эмас, шунга мувофиқ равишда солиқ солиш тартибини ҳам ўзгартириш, яъни шўр ерларда солиқ камроқ, сувли ерларнинг солигини баландроқ ундирилса адолатли бўлади.

Худудларда кластерларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини, уларнинг ҳуқуқий мақомини ҳамда шу каби масалаларни белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳимдир.

Айрим хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси ўрганиб чиқилганда, уларнинг иқтисодий тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кластерлаштириш сиёсати худудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг самарали усулларида бири эканлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

**Юқоридагилардан хулоса қилиб, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини яхшилаш учун қуйидаги таклифларни келтириб ўтиш мумкин:**

**Биринчидан** - фермер хўжаликларининг агросаноат кластерлари билан эркин ишлашини таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим.

**Иккинчидан** - агросаноат кластерларига ер участкаларини ажратишни таъминлайдиган ягона ҳуқуқий ёндашувни яратиш мақсадга мувофиқдир.

**Учинчидан** - агросаноат кластерлари ва фермерлар фаолиятига маъмурий аралашувларни тўлиқ чеклаш лозим.

**Ойдин ТАШКУЛОВА,**  
Судьялар олий мактаби тингловчиси.

# НИЗОЛИ ВА ЎЗ-ЎЗИДАН ҲАҚИҚИЙ БЎЛМАГАН БИТИМЛАР

## АННОТАЦИЯ:

*Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ташкил этишда битимлар катта аҳамиятга эга. Мазкур мақолада битим тушунчаси, унинг мақсади, тузилиши, ҳуқуқий оқибатлари мисоллар асосида очиқ берилган. Битим тузиш муддатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали асосланган.*

**Калит сўзлар:** *фуқаролик муносабатлари, битим, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, битимнинг ҳуқуқий оқибатлари, битим мақсади, битим шакллари, ёзма шакл.*

Фуқаролик муносабатлари иштирокчилари кундалик ҳаётлари давомида ўз эҳтиёжлари, тадбиркорлик ёки бошқа мақсадларда турли хилдаги битимлар тузадилар. Шартномавий муносабатларга киришган фуқаролар ушбу битимлар орқали муайян ҳуқуқий оқибатлар барпо этишга интилади.

Айрим ҳолларда бундай битимларда томонлар ҳар доим ҳам қонун талабларига тўла риоя этмайди ёки муносабатларни расмийлаштириш давомида камчиликларга йўл қўядилар. Шунинг учун битим иштирокчилари келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар тўғрисида ҳам, битимлар ҳақида ҳам тушунчаларга эга бўлишлари лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида битимлар катта аҳамиятга эга, чунки энг кўп тарқалган юридик факт ҳам бу битимлардир. Мулкӣ муносабатларнинг вужудга келишида, ривожланишида ҳамда кишиларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришда бир томонлама, икки томонлама ёки кўп томонлама битимлардан фойдаланилади.

Амалдаги Фуқаролик қонунчилигига кўра, битимнинг тарафлари сифатида фуқаролар, юридик шахслар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари нафақат истеъмол хусусиятга эга ашёлар ва маҳсулотлар, балки ишлаб чиқариш воситаларини эгаллаш, улардан фойдаланиш ва тасарруф қилиш билан боғлиқ бўлмаган мулкӣ муносабатларнинг ҳам вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши учун асос бўла оладиган битимлар туза оладилар.

Битимлар ўзи нима? Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан битимлар деб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларга айтилади. Битимлар жисмоний ва юридик шахсларнинг онгли, аниқ мақсадга қаратилган, эрк-иродаси асосидаги ҳатти-ҳаракатлари бўлиб, уларни амалга ошириш орқали улар муайян ҳуқуқий оқибатларга эришишга интиладилар.

Битимнинг моҳияти субъектнинг эрки ва иродасига асосланган, унинг негизида унинг хоҳиши ётади. Битим субъектларининг орзу-истаклари мазмуни ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири остида шаклланади: фуқаролар тадбиркорлардан маиший ҳаёти учун зарур бўлган буюмларни шахсий истеъмоли учун сотиб олади, яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар маҳсулотларни етказиб беради ёки сотади ва бошқалар.

Айрим ҳолларда битимдан ҳуқуқий оқибат вужудга келиши учун, фақат эрк изҳорининг ўзигина эмас, балки мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ҳаракати ҳам талаб этилади.

Битим тузаётган субъектлар иродасини ифодалаш, мустаҳкамлаб қўйиш ёки тасдиқлаш амаллари битим шакллари деб аталади. Битим тўрт хил шаклдаги кўри-нишларда ифодаланади.

Булар оғзаки, ёзма, муайян ҳатти-ҳаракатларни бажариш ёки сукут сақлаш (ҳаракатсизлик)дир.

**Битимнинг асосий мақсади.** Битим субъектнинг учинчи шахсларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш мақсадида амалга ошириладиган эрк ифодасидир. Битимни тузаётган субъектлар томонидан кўзланаётган мақсад ҳамиша ҳуқуқий хусусиятга эга бўлади, яъни мулк ҳуқуқини, муайян ашёдан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш ва ҳ.к. Шу сабабли, ҳуқуқий мақсадни кўзда тутмайдиган маънавий-маиший келишувлар – учрашув тўғрисидаги, сайр қилиш тўғрисидаги келишувлар битим бўла олмайди. Битимлар амалга оширилиши учун асос бўлувчи мана шундай турдаги битимлар учун хос бўлган типик ҳуқуқий мақсад битимнинг асоси деб аталади.

Битимнинг тузилиши сабабли субъектлар учун келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг ҳуқуқий натижасини ташкил этади. Битимларнинг ҳуқуқий натижалари ниҳоятда турли-туман. Бу мулк ҳуқуқини қўлга киритиш, мажбурият бўйича талаб қилиш ҳуқуқининг кредитордан учинчи шахсга ўтказилиши, вакилга тегишли ваколатларнинг вужудга келиши ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

**Битим қонуний ҳатти-ҳаракат сифатида.** Фақат қонун талабларига мувофиқ равишда амалга оширилган қонуний ҳатти-ҳаракатлар битим деб ҳисобланиши мумкин. Битимнинг қонунийлиги битимни тузаётган шахслар вужудга келишини хоҳлаган ҳамда мазкур битим учун қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқий оқибатларни юзага келтирувчи юридик факт сифатида эга эканлигини англатади. Шу сабабли, қонун талабларига мувофиқ амалга оширилган битим ҳақиқий, яъни битим субъектлари хоҳлаган ҳуқуқий натижани вужудга келтирган ҳуқуқий факт ҳисобланади.

Битимларнинг тузилиши субъектив фуқаролик ҳуқуқларининг амалга оширилишининг муҳим қонуний усулидир. Битимлар тузиш орқали субъектлар ўзларига тегишли ижтимоий-иқтисодий неъматларни тасарруф



этадилар ва бошқаларга тегишли неъматларни олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Битимлар жамият ҳаётида кўп қиррали аҳамият касб этади. Шу сабабли фуқаролик ҳуқуқида қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай битим ҳақиқий, деб эътироф этиладиган йўл қўйиб бериш тамойили, яъни битимларнинг эркинлиги тамойили ўрнатилган.

Тузиладиган битимлар муайян муддатларда ижро этилади ва бекор бўлади. Агар битимда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши ёки бекор бўлиши вақти кўрсатилган бўлса, битимлар муддатли ҳисобланади.

Битимларда муддатлар қуйидагича:

маълум кун, ой, йил билан (масалан, 2023 йил 25 май);

маълум вақтнинг ўтиши билан (масалан, ҳар чоракда, ҳар ярим йилда);

маълум бир воқеалик юз бериши билан белгиланади.

Битим шакли – эрк иродани баён этиш усулидир. Эрк ирода оғзаки, ёзма ва бошқа усулларда баён этилиши керак. Жетон, патта ёки одатда, қабул қилинган бошқа белги бериш билан тасдиқланган битим, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, оғзаки шаклда тузилган битим ҳисобланади.

Ёзма шаклда тузилган шартнома бажаришга қаратилган битимлар, агар қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ оғзаки тузилиши мумкин. Қонунда индамасдан, сукут сақлаш орқали ҳам битим тузилиши мумкинлиги назарда тутилади. Бундай ҳолда халқимизнинг қадимдан мавжуд бўлган “сукут – розилик аломати” қоидаси амал қилади.

Битимларнинг ҳақиқий эмаслиги соҳасидаги асосий муаммолар ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимлар билан боғлиқ бўлган бир қатор қоидалари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ҳамда манфаатдор шахслар томонидан уларни ҳар хил талқин қилишга имкон беришига олиб келмоқда. Қонунчилик нормаларининг ҳар хилда талқин қилиниши эса жамият ҳамда давлат ривожини учун асосий ёв саналувчи омиллардан бири коррупция ҳолатларига олиб келиши ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботланган.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодекси доирасида битимлар яроқсизлиги соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган ва тегишли таҳлилни талаб қиладиган қонунлар бўйича зиддиятлар мавжуд. Фуқаролик қонунчилигида битимларнинг ҳақиқий эмаслигини аниқлаш институти замонавий шароитда мавжуд назарий муаммоларни уларнинг амалий татбиқ этилишини ҳисобга олган ҳолда ҳар томонлама ўрганишни ва ечимини таклиф қилишни талаб қилади.

Суд амалиётида битимларга оид ишларнинг кўплаб кўрилатгани ушбу мавзунинг долзарблигини яна бир қарра исботлаб беради.

Битимлар билан боғлиқ низоларни судда кўриш амалиётини умумлаштириш шуни кўрсатадики, судлар битимларга оид муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини асосан тўғри татбиқ қилмоқдалар.

Шу билан бирга суд амалиётида низоли ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган моддий қонун нормаларини нотўғри аниқлаш, моҳиятига кўра низоли битимга нисбатан бир-бирини истисно қилувчи даъво талабларини қабул қилиш ва кўриш, ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни ҳар томонлама текширмаслик каби хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди статистик маълумотларига кўра, 2023 йил давомида судлар томонидан 460 308 та фуқаролик ишлари кўриб чиқилиб, уларнинг 343 156 таси бўйича талаблар қаноатлантирилган бўлса, 52 707 таси бўйича талабларни қаноатлантиришдан рад қилинган, 57 092 таси бўйича даъволар кўрмасдан қолдирилган бўлса, 7 353 таси бўйича ишни юритиш тугатилган.

Кўриб тамомланган фуқаролик ишлардан 158 548 таси битимлар билан боғлиқ, 63 625 таси никоҳдан ажратилган, 18 021 таси уй-жой муносабатлари билан боғлиқ, 13 746 таси меҳнат низолари билан боғлиқ, 5 786 таси ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой ёки қурилгани бузиш, 3 387 таси оталиқни белгилашга оид ва бошқа тоифадаги ишларни ташкил қилади.

Кўриниб турибдики, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг биринчи инстанциясида кўрилган ишларнинг аксарияти битимларга оид.

Битим унинг тарафлари томонидан ўз олдларига қўйган мақсад, юридик натижага эришишда юридик факт сифатида тан олинган ҳоллардагина, яъни шунчаки эмас, балки маълум юридик оқибатлар юзага келтириш мақсад қилиб тузилгандагина ҳақиқий деб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, агар қонун ва (ёки) суд томонидан ушбу битимнинг камида битта шарт бузилганлиги аниқланадиган бўлса, бундай битим ҳақиқий саналмайдиган битим деб топилади, бекор бўлишига асос бўлади.

**Шаҳноза ЗАЙНИЕВА,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Тошкент. “Адолат”, 1996. 108 б.;
2. Олий суд статистикаси. [хттп://stat.cud.uz/fib/xtml](http://stat.cud.uz/fib/xtml); 1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi.
3. Тошкент давлат юридик университети. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. II қисм. Тошкент– 017. [http://uzsmart.uz/kitoblar/files/Darsliklar/Fuqarolik.Fuqarolik%20huquqi%201- qism\\_%5Buzsmart.uz%5D.pdf](http://uzsmart.uz/kitoblar/files/Darsliklar/Fuqarolik.Fuqarolik%20huquqi%201- qism_%5Buzsmart.uz%5D.pdf);
4. O'zbekiston Respublikasining 2018-yil 22-yanvarda yangi tahrirda qabul qilingan Fuqarolik Protsessual kodeksi.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2021 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси [www.lex.uz](http://www.lex.uz) (расмий манба) асосида. Тошкент. “Юридик адабиётлар публеш”. 2021. 62-б.;
6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1- жилд. Тошкент 1998 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Тошкент Давлат Юридик Университети. “Фуқаролик ҳуқуқи”. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик коллеж ўқувчиларига мўлжалланган. Тошкент – 2019.;
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги Қарори. Тошкент ш., 2006- йил 22 декабрь, 17-сон. [хттп://lex.uz/doss/-1590543](http://lex.uz/doss/-1590543);

## СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Ҳокимият ваколатларини тақсимлаш назарияси француз мутафаккири Ш.Л.Монтескенинг “Қонунлар руҳи ҳақида” асарида баён этилган. Унда адолатли қурилган давлатда ҳокимият ягона эмас, балки аксинча бир-бирига тобе бўлмаган учта ҳокимият: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан иборат бўлиши шарт. Уларнинг ҳар қандай кўринишда бирон-бир орган ёки шахс қўлида мужассамланиши умумий манфаатларга путур еткази, суиистеъмолликларга олиб келади ва шахснинг сиёсий эркинлиги билан асло келишмайди. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг бир қўлда бирлаштирилиши қонуннинг устун бўлишига зарар еткази. Хусусан, судьялар фақат судлов билан машғул бўлмай қонун яратиш иши билан шуғулланса, у ҳолда инсонлар ноҳақлик қурбонига айланиши мумкин, деган фикрларни билдиради.

Ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши тамойили биринчи марта 1787 йилги АҚШ Конституциясида ўз аксини топган.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, тузилишининг қонуний асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни ва тегишли бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний тамойилларга асосланганлиги, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият деб белгиланганлиги ҳисобга олиниб ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаш учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошқора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 10–моддасида ва Ўзбекистон Республикаси кўшилган бошқа халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Охириги 4 йил давомида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бора-сида 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинганлигини, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллаши сир эмас ва бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам талайгина.

“2022 — 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги 2022 йил 28 январ кунги 60-сон Президент фармонининг 15-мақсади “Давлат органлари ва мансабдор шахсларининг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш” масалаларига бағишланган.

Хусусан, унда судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, суд тизимидаги раҳбарлик лавозимларига тайинлашда сайланиш ва ҳисобдорлик каби демократик тамойилларни жорий этиш ва суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ишларини олиб бориш каби масалаларнинг кун тартибига қўйилганлиги ва суд-ҳуқуқ тизими зиммасига улкан масъулият юкланганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, қонунчилигимизга киритилаётган ўзгартиришлар, суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг жаҳон майдонида ўз муносиб ўрнига эга бўлаётганлигининг исботидир.

**Нигора НИШОНОВА,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## ЖИНОИЙ СУДЛОВ ФАОЛИЯТИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ МЕЪЁРЛАРНИ ТЎҒРИДАН- ТЎҒРИ ҚЎЛЛАШНИНГ МОҲИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган янги, замонавий ва жуда муҳим меъёрларнинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши, хусусан, судлар томонидан ана шу конституциявий қоидаларнинг тўғридан-тўғри қўлланилиши юртимиз ва халқимиз тарихида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва қадр-қимматини улуғлаш борасида янги даврни бошлаб бермоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Инсон қадрини биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадрини деганда биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиршини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз”.

Хусусан, Конституциямизнинг 19-моддаси биринчи қисмида “Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади” деб, 20-моддасининг иккинчи қисмида эса “Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас” лиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли Қарориди Конституция нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш юзасидан раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 55-моддасида ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддасининг иккинчи қисмига кўра, Конституция мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади. Конституциянинг олий юридик кучга эгаллиги ҳақидаги қоида унинг нормалари барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туришини англатади. Шунга кўра, судлар кўриб чиқилаётган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини баҳолаши ва Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий асос сифатида қўллаши лозим.

Судлар Конституция нормасини тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаганлиги важи билан қўллашни рад этишга йўл қўйилмайди. Муайян ишда қўлланилиши зарур бўлган Конституциянинг нормасида бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ҳавола қилинганда, ишни кўриб чиқаётган судлар Конституция ва тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунга асосланиши лозим.

**Жамшид ИБРАГИМОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙИЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ХОЛАТЛАРНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Жиноят қонунида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимояси нафақат муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этишни тақиқловчи, балки рағбатлантирувчи меъёрлар ўрнатиш орқали ҳам таъминланади.

Бундай меъёрларга ЖКнинг 3-бўлимида назарда тутилган қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларни келтириш мумкин. Ушбу ҳолатлар сирасига кам аҳамиятли қилмишлар, зарурий муҳофаа, охириги зарурат, ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш, буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш, касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик ва жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш кабилар қиради.

Жиноят кодексининг 36-моддаси (кам аҳамиятли қилмишлар) ва 41-1-моддаси (Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш)да назарда тутилган ҳолатлардан бошқа барча ҳолатлар шахснинг ижтимоий фойдали ҳаракатларидан келиб чиқадиган оқибатлардир. Яъни, қилмишда Жиноят кодексига назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавfli, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар, деб топилади. Ушбу нормаларнинг ҳар бири ўз мазмуни ва юридик белгиларига кўра айни шундай ҳолатларда зарар етказганлик учун қилмишнинг жиноийлигини истисно қилади.

Бирок, ижтимоий муносабатлар ҳар доим қатъий бир хил эмаслиги, ижтимоий муносабатларда турли вазиятлар юзага келиб, ўзгариб боришини ёки мавжуд қонунлар юзага келган ҳолатларни тўлиқ қамраб олмамлигини инобатга олиш зарур бўлиб, бундай рағбатлантирувчи меъёрларни янада такомиллаштириш ва янги меъёрлар ўрнатилишини ҳам талаб этади.

Хусусан, Жиноят кодексининг 41-1-моддаси мазмунини, яъни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиш тушунчасини аниқ, тушунарли тарзда ифода этиш каби. Ушбу модда шахс қилмиш содир этган пайтда ўзгалар томонидан мажбурлаш ёхуд қўрқитиш оқибатида ҳаракатларини бошқара олмамлиги жиноят ҳисобланмамлигини назарда тутати. Бирок, “ўз ҳаракатларини бошқара олмамлиқ” Жиноят кодексининг 18-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган ақли норасоликнинг битта белгиси билан айнан ўхшайди ва бундай ҳолатда содир этилган қилмиш жиноят деб топилмайди.

Амалдаги Жиноят кодексига мавжуд қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатларнинг бирортаси юқорида келтирилган ҳолатларни назарда тутмайди ёки тўлиқ қамраб олмайди.

Шу боис, юқоридаги каби ва бошқа ҳолатлар ўрганилишини ҳамда мавжуд меъёрларни ислоҳ қилиш ёки янги меъёрлар ишлаб чиқишни талаб этади.

Умуман олганда, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига давлат органлари ва барча шахслар томонидан мамлакат Конституцияси ва қонунларига оғишмай риоя қилиниши ва у белгилаб берган вазифалар ижросини қатъий таъминлаш, қонунчиликни такомиллаштириб бориш ҳамда уни амалда қўллаш орқали эришиш мумкин.

**Шариф ХОЛИҚУЛОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

## МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА СУД ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Суд харажатлари деганда фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишлари бўйича ишларни судда кўриш билан боғлиқ процессуал чиқимлар назарда тутилади. Уларга давлат бож, томонлар, гувоҳ ва экспертларнинг судга келиши учун йўл-қира, эксперт мутахассис ва таржимонга тўланадиган хизмат ҳақи, ишга тааллуқли бирор жойни кўздан кечириш, суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ ҳамда бошқа ҳаракатларни бажариш учун қилинадиган сарф ва суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш билан боғлиқ чиқимлар қиради.

Суд харажатлари давлат бож ва ишни кўриш билан боғлиқ суд чиқимларидан иборат бўлади. Давлат божини тўлаш асослари, миқдори ва тартиби, уни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш, тўлашдан озод қилиш тартиби, давлат божини қайтариш тартиби қонунда белгиланади.

Суд чиқимлари суд хабарномалари ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, суд тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни қақариш, далилларни жойида кўздан кечириш, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ва ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборат. Бунда почта харажатларининг суммаси суд томонидан белгиланади, бирок бу сумма базавий ҳисоблаш миқдорининг ўндан бир қисмидан ошмаслиги ва суднинг депозит ҳисобварағига киритилиши лозим. Суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг суммаси ҳам суд томонидан белгиланади ва ишда иштирок этувчи шахслардан ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ушбу Кодекснинг 115-моддасига мувофиқ ундирилади.

Экспертлар, мутахассислар ва гувоҳларга тўланиши лозим бўлган сумма тегишли илтимоснома билан мурожаат қилган ишда иштирок этувчи шахс томонидан суднинг депозит ҳисобварағига олдиндан ўтказилади. Агар илтимоснома иккала тарафга тегишли бўлса, талаб қилинадиган суммани улар тенг бўлиб ўтказишади. Агар экспертиза суднинг ташаббуси билан тайинланса, тўланиши лозим бўлган сумма экспертга суд томонидан депозит ҳисобварағидан тўланади. Бу суммалар ишда иштирок этувчи шахслардан ушбу Кодекснинг 115-моддасига мувофиқ ундирилиб, суднинг депозит ҳисобварағига ўтказилади. Экспертлар, мутахассислар, гувоҳлар ва таржимонларга тегишли бўлган суммалар улар ўз вазифаларини бажарганларидан кейин суд томонидан тўланади. Тўланиши лозим бўлган суммаларни тўлаш тартиби ва миқдори қонунчиликда белгиланади.

Суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича қилинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса ҳам ушбу бошқа тараф ҳисобидан қопланади.

Аризачи тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат бож, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган талаблар миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилади.

Аризачининг талаблари у судга мурожаат қилганидан сўнг жавобгар томонидан ихтиёрий равишда қаноатлантирилса, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилади.

Давлат бож тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат бож манфаатлари кўзлаб ариза тақдим этилган шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар суд харажатларини тақсимлаш тўғрисида келишиб олса, суд ушбу келишувга мувофиқ ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация шикоятлари бериш билан боғлиқ ҳолда қилган суд харажатлари ушбу моддада баён этилган қоидаларга мувофиқ тақсимланади.

Хулоса қилиб айтганда, ишларни кўриб чиқиш жараёнида суд харажатларини ундиришнинг тўғри қўлланилиши, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга қатъий риоя қилиш одил судловни самарали амалга оширишга омил бўлади.

**Сирожддин ЮЛДАШОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



## ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

*Талончиликнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, бунда жиноятчи ўта сурбетлик ва шу билан бирга ўрнатилган тартибни, ҳуқуқий, ахлоқий қоидаларни ҳамда жамият қадриятларини менсимаслик, мулкка очиқ тажовуз билан ҳаракатини амалга оширади. Бу эса айбдорнинг бундай ҳаракатлари у жазосиз қолишига ишонишидан далолат беради.*

Зўрлик ишлатмасдан талончилик қилишнинг объекти ўзгалар мулки бўлса, зўрлик ишлатиб талончилик қилишнинг объекти ўзгалар мулки ҳамда жабрланувчининг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигидир. Унинг предмети эса фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган ўзганинг кўчар мулки ҳисобланади.

Талончилик объектив томондан ўзганинг мулкни очикдан-очик талон-тарож қилишда ифодаланади. Мулки бойликни очик-ойдин, сурбетларча қўлга киритишнинг бу усули талончиликнинг ўзига хос белгисидир.

Қилмишни талончилик, деб квалификация қилиш учун иккита ўзаро боғлиқ бўлган объектив ва субъектив мезон инobatга олиниши зарур.

Объектив мезонга кўра, ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш мулкдор ёки жиноятнинг бошқа гувоҳларини кўз ўнгида содир этилаётганлигини ва улар уни олиш жараёнини айнан жиноят сифатида англашларидан иборат.

Субъектив мезон эса нафақат мулкдор ва жиноятнинг бошқа гувоҳлари қилмишни жиноят сифатида англаётганликларидан, балки айбдор ҳам ўзининг ҳаракатлари бошқалар томонидан айнан жиноят сифатида тушунилаётганлигини англашидан иборат, лекин айбдор ушбу шахсларнинг вазиятга муносабатини инobatга олмади.

Қонунда талончилик ўзганинг мулкни очикдан-очик талон-тарож қилиш, деб ифодаланади. Қонун мазмунига мувофиқ, талончилик мулк эгаси, мулкдан фойдаланувчи ёки атрофдагиларнинг кўз ўнгида содир этилади, айбдор атрофдаги одамлар қилмишнинг ғайриқонуний эканлигини тушуниб турганлигини англаб ҳаракат қилади, атрофдагилар унга тўсқинлик қилишга ҳаракат қилган-қилмаганлигидан қатъий назар, қилмиш талончилик сифатида баҳоланади.

Агар айбдор ёш бола, қария ёки ақли норасо шахсдан ўзгага тегишли мулкни зўрлик ишлатмасдан, ошқора тарзда олган бўлса-да, ёш бола, қария ёки ақли норасо шахслар ўзига нисбатан талон-тарож содир этилаётганлигини англаб етмаса, бундай ҳолда қилмиш талончилик сифатида эмас, балки ўғрилиқ сифатида квалификация қилинади.

Талон-тарож очикдан-очик содир этилган деб баҳолаш учун 3 та асосий мезонга эътибор бериш керак:

- талончилик доимо жабрланувчи ёки учинчи шахслар, яъни атрофдагиларнинг кўз ўнгида содир этилади;

- айбдор ўзининг очикдан-очик ҳаракат қилаётганлигини англайди, яъни жабрланувчи ёки атрофдагилар томонидан ўз ҳаракатларининг ғайриқонунийлигини идрок этади, ҳатто мулкни талон-тарож қилишда унга қаршилик кўрсатишлари, уни ушлаб олишлари мумкинлигини тушунади, лекин бунга эътибор бермайди;

- жабрланувчи, учинчи шахслар ёки бегона бошқа шахслар мулкнинг талон-тарож қилинаётганлигини англайди.

Агар айбдор ўз ҳаракатини яширин равишда амалга ошираётган, деб ўйласа-ю, лекин қилмишни амалга ошираётганлигини бошқа шахслар кўриб турган бўлса бу қилмиш талончилик сифатида эмас, балки ўғрилиқ (ЖК 169-моддаси) сифатида малакаланади.

Амалиётда талончилик қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- ўзга шахснинг эгалигидаги мулкни очикдан-очик, ошқора олиш;

- айбдорнинг жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатмасдан, лекин жисмоний ҳаракат туфайли мулкни эгаллаши, масалан, жабрланувчи қаршилик кўрсатмаган пайтда унинг устидаги кийими ёки бош кийимини тортиб олиши, кўлидаги сумкасини тортиб олиш кабилар;

- жабрланувчига руҳий таъсир кўрсатиб, унинг мулкни очикдан-очик талон-тарож қилиш – бунда айбдор жабрланувчига зўрлик ишлатмасдан уни кўрқитиб, жумладан, унинг сир сақланиши лозим бўлган маълумотларини ошқор қилиш ёки унинг мулкига зарар етказиш билан кўрқитиб, мулкни шу вақтнинг ўзида беришни талаб қилади. Агар мулкни бериш учун маълум бир вақт бериладиган бўлса, қилмиш товламачилик жинояти сифатида баҳоланади;

- ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб, мулкни очикдан-очик талон-тарож қилиш, масалан, жабрланувчини ушлаб туриш, кўлини боғлаб қўйиш, оз муддатга хонага қамаб қўйиш, жабрланувчини оёғидан чалиб йиқитиш, кўлини қайириш, қўлига кишан солиш, кураш (қаратэ, самбо кабилар) усулларини қўллаш, жабрланувчини уриш-дўппослаш каби ҳаракатларни содир этиш билан кўрқитиш. Бунда фақат жабрланувчининг соғлиғига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилмаган бўлиши лозим.

Талончиликнинг фирибгарликдан фарқи шундаки, жабрланувчи айбдор ҳаракатларининг ғайриқонунийлигини олдиндан англайди, фирибгарликда эса жабрланувчи айбдор қонуний ҳаракат қилаяпти, деб ўйлайди ва ўз мулкни айбдорга ихтиёрий равишда топширади.

Талончилик моддий таркибли жиноят бўлиб, ўзгалар мулкни очикдан-очик эгаллаган ва айбдор бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади.

Талончилик субъектив томондан тўғри қасд ва ғараз мотив билан содир этилади. Айбдор ўз ҳаракатларини учинчи шахслар томонидан кўриб турганлигини англайди, лекин шунга қарамай жиноят содир этади. Бунда ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш қайтармаслик

шарти билан моддий манфаат кўриш мақсадида содир этилади. Ушбу белгилар талончиликни безориликдаги мулкни олиб қўйиш, зўрлаш ва бошқа ҳаракатлардан фарқлаш имконини беради.

14 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс жиноятнинг субъекти бўлади.

ЖК 166-моддаси 2-қисмида талончиликнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари учун жавобгарлик назарда тутилган. Жумладан, ушбу қисмининг "а" бандида белгиланган талончилик ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этиш кўп объектли жиноят бўлиб, айбдор фақат ўзганинг мулкига тажовуз қилмасдан, балки жабрланувчининг соғлиғига ҳам тажовуз қилади. Демак, бу жиноят иккита объектли бўлиб, мулк унинг асосий объекти бўлса, шахсининг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлиги қўшимча объекти ҳисобланади.

Жиноят кодекси 166-моддаси 2-қисми "а" банди билан қилмишни тавсифлаш учун қуйидагилар эътиборга олиниши лозим:

- зўрлик ишлатиб талончилик қилиш нафақат ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган аниқ зўрлик ишлатилганда, балки шундай зўрликни қўллаш билан қўрқитганда ҳам мавжуд бўлади;

- зўрлик ёки уни қўллаш билан қўрқитиш мулк ихтиёрида, тасарруфида ёки кўриқловида бўлган шахсга нисбатан, шунингдек ўзганинг мулкни очиқдан-очиқ эғалик қилишга қаршилик қилувчи шахсларга нисбатан ҳам қарши йўналтирилган бўлиши мумкин;

- ҳаёти ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик деганда энгил тан жароҳати етказишни тушуниш лозим. Бундай зўрлик жабрланувчига жисмоний азоб берувчи ёки унинг эркинлигини чеклаб қўювчи ҳаракатларда ифодаланиши мумкин.

Талон-тарож натижасида жабрланувчининг соғлиғига етказилган энгил шикаст босқинчиликда ҳам, талончиликда ҳам мавжуд. Лекин эътиборли жиҳати шундаки, босқинчиликда энгил шикаст жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлган усулда содир этилади. Масалан, айбдор пичоқдан фойдаланиб, жабрланувчининг қулоғидан зирагини тортиб олса ва натижада жабрланувчининг соғлиғига энгил шикаст етса, айбдорнинг ҳаракатлари босқинчилик деб баҳоланиши керак.

Талончиликда эса, жабрланувчининг соғлиғига энгил шикаст ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик натижасида етказилади. Масалан, айбдор жабрланувчининг қулоғидан зирагини юлиб қочса, натижада жабрланувчининг соғлиғига энгил шикаст етса, унинг ҳаракатлари талончилик сифатида, агарда бундай қилмиш натижасида жабрланувчининг соғлиғига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиладиган бўлса, бундай ҳолда талончилик соғлиққа қарши жиноятлар (ЖК 104, 105-моддалари) билан жиноятлар жами тариқасида малакаланиши керак.

Ўзганинг мулкни зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда эгаллаш босқинчилик ва талончиликда назарда тутилган бўлиб, босқинчиликда ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатилса, талончиликда ҳаёт

ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш хавfli билан қўрқитиб, содир этилади.

Талончиликда ишлатиладиган зўрлик жисмоний ёки руҳий кўринишда бўлади.

Жисмоний ёки руҳий зўрлик энг аввало, талончилик йўли билан ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш воситаси сифатида ишлатилган бўлиши керак. Агарда жисмоний ёки руҳий зўрлик ўзганинг мулкни талон-тарож қилишнинг воситаси сифатида ишлатилмаган бўлмаса, қилмиш Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 2-қисмининг "а" бандида назарда тутилган жиноят таркибини ташкил қилмайди.

Агар талончилик жинояти тугаган ва жабрланувчи ўз мулкни қайта қўлга киритиш мақсадида ҳаракат қилган бўлса ва айбдор жабрланувчига зўрлик ишлатган бўлса, бундай зўрлик талончилик жиноятининг воситаси бўла олмайди. Аммо бундай ҳолда талончилик жинояти тўла охирига етказилган бўлиши шарт. Демак, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик талончилик охирига етказилганидан сўнг мулкни ўзида сақлаб қолиш мақсадида ишлатилган бўлса, бундай қилмишни баданга етказилган шикастнинг даражасига қараб ҳам талончилик ҳам жабрланувчининг баданига шикаст етказиш жиноятлари жами тариқасида квалификация қилиниши керак.

Фикримиз сўнгида шуни айтишимиз керакки, талончилик тўғри қасддан содир этилади. Жиноятнинг мотиви ва мақсади жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади. Шунга кўра, қилмиш талончилик усули билан талон-тарож қилиниши мўлжалланган мулкнинг миқдори, яъни қанча миқдордаги мулкни талон-тарож қилиш мақсадига қараб малакаланади. Агарда шахс анча миқдордаги мулкни талон-тарож қилиш мақсадида талончилик қилган, аммо мулкнинг миқдори анча кам бўлса, қилмиш анча миқдордаги мулкни талон-тарож қилишга суиқасд қилиш сифатида малакаланади.

**Жасурбек УБАЙДУЛЛАЕВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

- Анденес И. Наказания и предупреждения преступлений. / Перевод с англ. языка под ред. Б.С. Никифорова. / Москва, 1979.
- Абдуқодиров Ш.Ё. Мирзаев У.М. Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш: Жиноят кодекси Махсус қисми Х бобида шарҳлар. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф.Қ.Абдурасулова. – Т.:ТДҶОУ, 2013 – Б. 4.
- Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Т.: ИLM ZIYO, 2023. – Б. 257.
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.–Т.: Ўзбекистон, 2023.
- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами Кенгазининг Ахборотномаси, 2023 й., 4-сон.
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. 2 жилдли. – Т.: Адолат, 2006. Биринчи жилд. Б. 221.
- Усмоналиев М., Бакунов П. Талончилик учун жавобгарликни либераллаштириш муаммолари. – Т.: ТДҶОИ, 2005. – Б. 17.
- Шавкат Миромонович Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари. /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2017. – 488.



# ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН НОҚОНУНИЙ ФЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

*Кейинги йилларда энергия ресурсларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ҳолларини бартараф этиш ҳамда истеъмолчилар томонидан таъминлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бироқ, энергия ресурсларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш билан боғлиқ қонунбузарликлар салмоғи ортиб бормоқда.*

Шу муносабат билан энергия ресурсларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик ва мазкур соҳадаги ваколатли органларнинг кўрсатмаларини бажармаганлик учун жавобгарликни кучайтириш зарурати юзага келди.

